

Шокирхон Ҳакимий

ҲИЛОЛ

Шеърлар

Тошкент

Ғафур Ғулом иомидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси
1991

Ўз
Х 20

Китоб муаллиф ҳисобидан чоп этилди.

Китобнинг ғоявий-бадиий савиясига
муаллиф жавобгар.

X 4702620202—129
М 352 (04)—91 Доп. 91

SBN5-635-01115-2

ИРОДАЛИ ИНСОН, ЗАҲМАТҚАШ ШОИР

Азиз китобхон! Қўлингиздаги ғазаллар китоби қувалиқ ажойиб бир инсон Шокирхон Ҳакимов қаламига мансубdir. Уни қуваликлар «Туғма шоир ва ширин суҳбатдош, қалби дарё одам» деб биладилар. Шокирхон Ҳакимов табиатан дилкаш ва мулоийим, жўшқин ва хушчақчақ инсон, ўзига хос овоз ва соз эгаси. Қувалик шеърият мухлислари, қўшиқ шайдолари, созандою хонандалар шоир ҳужрасида тез-тез бўлиб турадилар.

Шокирхоннинг ижоди ўзига хос жасорат меваси, десак бўлади. Аслида бадиий ижод—туғма истеъдод бўлса, бадиий асар—машаққатли меҳнат меваси. Шокирхоннинг ижоди айниқса, машаққатли, шу билан бирга, оғир меҳнат мевасидир. Шокирхон ёшлиқдан хасталикка мубтало бўлиб оёқлари ишламай бир жойда ўтириб қолган эди. Шокирхон тушкунликка тушмади, ҳаётдан ўзига муносиб ўрин топишга, жамиятнинг фаол кишини бўлишга интилди.

Аввало у тинмай мутолаа қилди, шарқ шоирларининг асарларини ўрганди, ора-чора қалбida қайнаб турган ажиб садоларни шеърий оҳангларга солиб, қофозга туширишга уринди. Шокирхон учун дил жўшини қофозга битищ осон эмасди, бироқ у қийинчилик, оғир машаққатдан сира зерикмади. Дастлабки ғазаллари унча ёқинқирамаса-да, машқини бас қилмади. Ниҳояг, унинг дастлабки ғазаллари яқин кишиларига маъқул бўла бошлагач, айримлари матбуотда кўрина бошлагач, Шокирхон ўзини шеърият хизматига бағишлишга аҳд қилди.

Эллик йиллик жасоратли умри даврида икки-уч девон ҳажмида ғазаллар яратган Шокирхон Ҳакимий Муқимий, Ҳабибий, Чархий, Надимий анъаналарини давом эттириб, унумли меҳнат қилмоқда. Унинг матонати Николай Островский, фронтчи ёзувчи ВалиFaфуров, иродали мусаввир Рауф Аҳмедовларнинг матонатини эслатади.

Шокирхон Ҳакимийнинг ўзига хос, арузга мөс илиқ ва ёрқин, майин ва мусиқий овози бор. Унинг ғазаллари инсонийликни шарафлайди, ҳалол меҳнат ва меҳру муҳаббатни улуғлайди, армон ва орзуларни куйлаб, дўстлик ва самимийликка чорлайди. Шунинг учун унинг ғазаллари водийда қўлма-қўл бўлади, тўйларда йигинларда қўшиқ қилиб айтилади.

Шоирниңг ушбу китобга кирган ғазалларининг кўплари жумҳуриятимизнинг машҳур қўшиқ санъат-корлари бўлмиш Ғуломжон Ёқубов, Нуриддин Ҳайдаров, Иброҳим Усмонов, Қобилжон Юсуповлар томонидан моҳирона айтилган, ҳар тонг ва ҳар оқшомда эфирда янграган қўшиқлардир.

Шокирхон Ҳакимий бу йил эллик баҳорни кўрди, аммо юзидан нур томиб, кўзи чақнаб туради, сўзидан бол томади, ҳаётдан умиди зўр, ижодий мақсадлари катта.

Биз жасоратли, матонатли, ибратли ва идрокли инсон ва шойрга сиҳат-саломатлик, ижодда баркамоллик тилаймиз.

*ИБРОҲИМ РАҲИМ,
Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси.*

ҮҒЛИМГА

Ҳамиша аҳдингизга тинмайин айланг вафо, ўғлим.
Дилида яхши ниятлик кишидан эл ризо, ўғлим.

Илмлар чўққисидан тез ўтингиз пояма-поя,
Ки фозилларни забтидан очилмоқда фазо, ўғлим.

Бўлинг меҳнат билан ҳамдам фаолият ўзингиздан,
Киши ер сийнасин очса топармиш муддао ўғлим.

Бироз мағурланиб кетманг бу ёшликнинг ғурурига,
Алифдек қоматингиз дол этар кибру-ҳаво ўғлим.

Кимики сезсангиз бўлса агар нафсида ғолиблиқ,
Аларни айлагайлар охири юзин қаро, ўғлим.

Етармиш мақсадига ким бўлолса чўпу-хасдан кам,
Сўзингиз ҳам ўзингиздек бўлолсин бериё ўғлим.

Тиним билмай тиниқ дарё каби мавжлансангиз яхши,
Оёқлар остида қолманг, мисоли бўриё, ўғлим

Атарлар Хотами Тойий ҳамиша феъли кенгларни,
Ҳулқи авторингиз чексизлиги бўлсин само, ўғлим.

Олинг олқиши халойиқдан десин Шокирни фарзанди,
Дилида яхши ниятлик кишидан эл ризо, ўғлим.

АЛИШЕРСИЗ

Агәр қўлга қалам олсам, менга устоз Алишерсиз,
Ватан уфқида шеърингиз этиб парвоз, Алишерсиз,
Фикрлаш бобида олий яна мумтоз Алишерсиз,
Суянган тоғимиз ҳамда буюк ҳамроҳ, Алишерсиз.

Қанийди келсангиз нурдай йўлингизга сочилсайдим,
Қанийди келсангиз гуллар, чаманлардай очилсайдим,
Қанийди келсангиз умрум адо бўлгунча кулгайдим,
Кўлим кўксимга таъзимда кутай пешвуз, Алишерсиз.

Ҳамиша ёқладингиз тик қараб олий ҳақиқатини,
Улусни дардини ўйлаб сочиб дурдона фикратни,
Қилиб обод баланд нақшин иморатларда хилқатни,
Шу боисдан етук авлод этар эъзоз Алишерсиз.

Жаҳон гавҳарлари жамдур Ҳазониул Маонийда,
Тўлиқ гавҳаршуносидирсиз фикрларнинг давомида,
Ўзига тортадир оҳанграбо илгида, домида,
Муғанийлар қўшиқ айтса, қўлида соз Алишерсиз.

Үқиб ашъорингиз кўрган бўлар Мажнун, бўлар Фарҳод,
Чопар арманнинг тогини қиласай деб чўлларин обод.
Муродига етолмай Лайлию Ширин ўтар ҳайдот,
Асарлар сатрига шоён берниб парвоз, Алишерсиз.

Кел эй Шокир, бобом мадҳин ёзиб кўнглинг баҳор айла,
Қўшиқларда баланд савту наво бирла қўшиб куйла,
Ўтирасанг, турсанг юрсанг Навоий номини ўйла,
Одамни кўнгли қишиш бўлса этувчи ёз, Алишерсиз.

ҮЛАН АЙТИБ

Қирлар оловдек лолазор,
Кутмоқда бизни, навбаҳор,
Ёлворадурман зор-зор,
Яллоланиб айтиб ўлан,
Пешвоз чиқайлик сиз билан.

Үсма билан қошлар қаро,
Сизга бўлибман мубтало,
Дилларни этмасдан яро,
Яллоланиб айтиб ўлан,
Пешвоз чиқайлик сиз билан.

Сочларни майда ўрсангиз,
Мен бирла сухбат қурсангиз,
Қўлларни ушлаб юрсангиз,
Яллоланиб айтиб ўлан,
Пешвоз чиқайлик сиз билан.

Сиздур муҳаббат сарвари,
Сиздур замонам дилбари,
Сиздур кўзимнинг гавҳари.
Яллоланиб айтиб ўлан,
Пешвоз чиқайлик сиз билан.

Ғунчани ёнмоқда лаби,
Куйди юрак ғунча каби,
Шокирни шулдир матлаби,
Яллоланиб айтиб ўлан,
Пешвоз чиқайлик сиз билан.

ЭҲТИЁЖ

Нодира ғазалига мухаммас

Ҳар етук инсонда ҳам бор эҳтиёж,
Ортар одам бўлса бемор эҳтиёж
Етказар ҳар дамда озор эҳтиёж,
Қилмагил зинҳор изҳор эҳтиёж,
Ким азиз әлни қилур хор эҳтиёж.

Бахтиёрликнинг сифатин бер менга,
Ё ҳумоларнинг қанотин бер менга,
Ҳам уларнинг кашфиётин бер менга,
Ганжи ҳуснингни закотин бер менга,
Ген ғанийсан менда бисёр эҳтиёж.

Айлагай кўнглум сўзингни орзу,
Дил кўкида юлдузингни орзу,
Барчасидан ҳам ўзингни орзу,
Қўзларим айлар юзингни орзу,
Ким эрур кўзгуга дийдор эҳтиёж.

Ташламас ҳеч яхши инсон хислатин,
Қисқароқ айлайди ҳижрон муддатин,
Кўрсатиб бир одамийлик одатин,
Қил рано албатта ошиқ ҳожатин,
Боқмагил арз этса ағёр эҳтиёж.

Бир такаллум зоҳир этсанг неткуси,
Бир табассум зоҳир этсанг неткуси,

Бир тараннум зоҳир этсанг неткуси,
Бир тараҳхум зоҳид этсанг неткуси,
Қилди ҳуснингга мени зор эҳтиёж.

Шокиро, ёрни кутарман Нодира,
Қелмаса ёлғиз ўтарман Нодира,
Чун унинг ҳуснига зорман Нодира,
Ёр васлини тиларман Нодира,
Айлади кўнглимни афгор эҳтиёж.

БИР НОҚАСГА

Димоғда гапириш сенинг каломинг,
Мансаб учун фақат бўлар саломинг,
Тўнғиздан харобдир еган таоминг,
Балки, мен билмасман бундан ҳам баттар,
Нега ер ютмайди сени биродар...

Сендан угинадир, мейдан бугина
Қабилида ишлар фақат биргина,
Ёлгон табассуминг худди чингина,
Сенга керак эмас туғишган жигар,
Нега ер ютмайди сени биродар.

Луқма илинжида ташлайсан қармоқ,
Сен тумшуқ тиқмаган бормикан тармоқ.
Ахир сиғмайди-ку бешала бармоқ,
Шуни ўйлаб-ўйлаб бошларим қотар,
Нега ер ютмайди сени биродар.

Сенга уй керакми, машинами ол,
Ўзи ким эканинг билинди яққол.
Таъма илинжида лабларингда бол,
Бу озми билмадим тилингда шакар,
Нега ер ютмайди сени биродар.

Жаҳоннинг мулкини айласалар жам,
Ўзингча, оз дейсан ўзингча бу кам,

Билиб қўй ҳаммага замона ҳакам,
Аввал кўкка отиб кейин йиқитар,
Нега ер ютмайди сени биродар.

Шокир, қўй гапирма, бундай нокасга,
Юрагинг суғуриб тиқар қафасга,
Сен ҳам ғарқ бўласан шўнгима пастга,
Гирдоб айлантириб тубига отар,
Нега ер ютмайди сени биродар!..

ТОПҚАЙ

Риёзат чекса ҳар одам ўзи тотли самар топкай,
Қидирса раҳнамо йўлга солар соҳиб назар топкай.

Этарман касби ғаввослик деса дарёни тубида,
Кезиб уммонни бағридан туганмас сийму-зар топкай.

Ҳаёти кўрмайин камлик муроди барқарор ҳосил,
Ғанийлардан сўраб ўртимаса касби ҳунар топкай.

Қулоғин тутса хомушлик била фарзанди солиҳлар,
Йўқотган нарсаларни ҳам етук панди-падар топкай.

Сўзи ширин кишиларни димоғи чоғ гапирганда,
Қулоғига етиб вақти аzon мушкин хабар топкай.

Насиб этганда дўстларни, қадрдонларни дийдори,
Қидирганларда Шокирни азизу-мўътабар топкай.

УХШАЙМАН

Лабингни васф этарда булбули гўёга ўхшайман,
Муҳаббатдан гапирсам тилларим буррога ўхшайман.

Енарман ишқинг ўтида vale сен зарра бепарво,
Фақат мен бу хусусда волаю-шайдога ўхшайман.

Оёғинг гардини кўзга сурай деб интизорликдан,
Ўзим тупроқ билан тенгман vale тиллога ўхшайман.

Қоронгу кулбадек кўнглум нигоҳингдан ёришгайдур,
Мени ҳижронда қолдирсанг шаби-ялдога ўхшайман.

Сенинг ишқингга содиқман, бўлак асло гуноҳим йўқ,
Кечиргайсан ўзим нодонману донога ўхшайман.

Сени кўрганда Шокирни яна илҳоми юксалгай,
Учар қушлар қанотида пари-болога ўхшайман.

ҚИБРУ ҲАВО ҚИЛДИНГ

**Қамишдек эздингу бағрим танамни буриё қилдинг,
Умидим шишадек синди бу кўнгулни сиё қилдинг.**

**Ҳаёт сўқмоқлари мушкул ўзинг ҳам англағайдурсан,
Билиб билмас кишилардек бу йўлларда хато қилдинг.**

**Аланга олдириб бағрим хусуматларни чўғида,
Танамни куйдириб дўзах азобини ато қилдинг.**

**Ўзингни кўкда бургут деб хаёлингда қанот боғлаб,
Димоф тулпорига миндинг vale қибру ҳаво қилдинг.**

**Зулм аждарлари сендан сабоқ олганмиди билмам,
Тикондек суҳбатингдан ғунчани чоки яқо қилдинг.**

**Вужудим тош бўлиб қотди, ҳаётим шам каби сўнди,
Қёш нури каби равшан эди бахтим, қаро қилдинг.**

**Уволи туткай албатта тўкилган чашма селобим,
Ҳакимий кўзларин ёшини рангин хино қилдинг.**

НАВРУЗИ ОЛАМ ҚЕЛДИЛАР

Айлабон лутфу-карам, наврӯзи олам келдилар,
Ўсмадан қоши қалам, наврӯзи олам келдилар.

Бир ажиб ҳис уйғотар ирмоқларнинг хониши,
Қўйлашиб савту-ажам, наврӯзи олам келдилар.

Ниш уриб себаргалар анжуман айлар яна,
Сабзага сероб далам, наврӯзи олам келдилар.

Лоладан лаъли лаби гул нектаридан бол тутиб,
Сўзлари ширин бирам, наврӯзи олам келдилар.

Новдадан баргак ясад, гулларни чамбар айлади,
Мисли йўқ зебо-санам, наврӯзи олам келдилар.

Тутди ағёрига ғолиб кўкрагини қоядек
Кўрсатиб сабру-чидам, наврӯзи олам келдилар.

Тошди илҳомим Ҳакимий, навбаҳордан завқланиб,
Тушмагай қўлдан қалам, наврӯзи олам келдилар.

ҲАКИМУ ҲОЗИҚИМ

Рафиқам Роҳилахонга

Унутмасман омон бўлсам, сенингдек меҳрибонимни,
Йўлингга садқа айларман бериб жону жаҳонимни.

Ҳакиму—ҳозиқим ҳамда табибим деб баён айлаб,
Шифокорлар каби ардоқладинг бу хаста жонимни.

Сени бир бор нигоҳингдан бутун олам ёришгайдур,
Жамолинг таълатин нури ёритди ошёнимни.

Деди фунча дудоғингдан менинг комим равон бўлгай,
Чидармусан дединг аввал азобига тиконимни.

Вужудим бирла бахшида этарман неки борим бор,
Сени шодон этишга ўйламай суду-зиёнимни.

Шакар бойлаб, такаллум айласанг Шокирга лабзингдан
Этарсан бол каби тотли мени ҳар битта онимни.

ҮРГАНСИН

**Қаро тунлар қароликни қаро холингдан ўргансин,
Оқарда тўлқини дарё сочинг толидан ўргансин.**

**Чаманда сабзалар ҳилпиллашин субҳи саҳарларда,
Бошингга ташланган ул дурраи долингдан ўргансин.**

**Агар ҳалво шириликни ўзига касб этар бўлса,
Гапирган чоғида ширин лабинг болидан ўргансин.**

**Баҳорларда очилган лолалар ранг ахтарар эрмиш,
Келиб аввал сени ҳуснингдаги олингдан ўргансин.**

**Одам ҳарқайдада эй Шокир, тиларму баҳтиёрликни,
Келиб шоҳона баҳтинггу чин иқболингдан ўргансин.**

БЕДОР ЮРАГИМ

Зуҳрахон Алиевага Назира

Бедор юрагим ҳажрида уйқу нима қилсин,
Ой чиқмаса ялдо туни ёғду нима қилсин.

Турлича азоб жўш этибон куйса бу оғзим,
Лабларни очай дейману кулгу нима қилсин.

Девона жаҳаннамни писанд айламагай ҳеч,
Бундай кишининг кўнглида қўрқув нима қилсин.

Меҳримни булоқ этсаму беҳад тутаверсам,
Дейман-ку vale унда тиниқ сув нима қилсин.

Дарё туби кенг бўлса уни бағрида гавҳар,
Тор оқса ариқ лойқада инжу нима қилсин,

Ҳижрони тугаб васлига ҳам етса, бу Шокир,
Васлига насиб айласа қайғу нима қилсин.

СИЗНИ ДЕГАНМАН

Талпинса нетай ўтли юрак сизни деганман,
Қалбимдаги шул эзгу-тилак, сизни деганман.

Сунбулларингиз халқалари этди паришон,
Сигмайди менга энди бўлак, сизни деганман.

Боқмайди қиё энди кўзим жилваларига,
Зебо ярашар сочда тажак, сизни деганман.

Йўқ бўлса нетай хаста кўингул дардин оларга,
Тўсканда йўлим мингта малак, сизни деганман.

Бошимга қўяй ҳурматингиз келса қўлимдан,
Бахтим мени шу бўлса керак, сизни деганман.

Эл барча билур, Сиз била ошиқ эканимни,
Ойнинг юзига тутманг этак, сизни деганман.

Шокир, югуриб шунча замон сизни қидирдим,
Йўқ ўзгача йўл энди демак, сизни деганман.

ТАШНАМАН

**Бир қаранг, тўйсин кўзим дийдорингизга ташнаман,
Икки шаҳло кўзлари хуморингизга ташнаман.**

**Ўзгалар васлин умид этмоқ хаёли йўқ, вале,
Майлига, озор этинг, озорингизга ташнаман.**

**Ҳуснингиздан ранг олур тар меваларни барчаси,
Шул сабабдан олмангизга, норингизга ташнаман.**

**Бор майин овоз билан аввал тарона бошлангиз,
Сўнгра тинглай бир чалинг, сеторингизга ташнаман.**

**Қўксингизни хўп безабди зебигардон сингари,
Бўйнима мен ҳам осай, тумморингизга ташнаман.**

**Бир саломнома ёзиб менга юборсангиз агар,
Шокирингиз доимо ашъорингизга ташнаман.**

КЕЛИБ ҚОЛГАЙ

**Умидим узмагум асло умидворим келиб қолгай,
Дилимда сақлаган ёлғиз дилафгорим келиб қолгай.**

**Мени кулфат билан андуҳ деган ағёрга қолдирмай,
Суянсам муттақо бўлган мададкорим келиб қолгай.**

**Бу ҳолат бирла эй дўстлар, йўлида тупроқ ўлгайман,
Эшитиб қимматбаҳо ганжу-намудорим келиб қолгай.**

**Кўчамдан ҳайқириб бир кун кириб келмоғи баҳтимдур,
Бўлиб баҳт бирла иқболга сазоворим келиб қолгай.**

**Ёруғ кунлар келур албат vale узлатда қолмасман,
Етаклаб икки қўлимдан харидорим келиб қолгай.**

**Висоли истагим Шокир, кўнгулни тўлдириб нурга,
Кириб хонам ёритгувчи зиёкорим келиб қолгай.**

КҮРИНСИН

Ол пардани юзингдан янги ҳилол кўринсин,
Нурга чайиб чиройинг офтоб жамол кўринсин.

Боғларда арғувонлар лол қолдилар бўйингга,
Бизга хиёбон ичра нозикниҳол кўринсин.

Икки томонга боқмай оҳу каби аланглаб,
Этмай ҳадик кишидан ой bemalol кўринсин.

Жон қушлари танамни тарк айламасдан аввал,
Ром этсину ўзига ҳуснида хол кўринсин.

Ташлабди сойга сочин тўлқинларида мавжи,
Сунбулларини силкиб ул мажнунтол кўринсин.

Хат ёзганингда Шокир, васлин сўроқла ундач,
Чунки унинг кўзига минглаб савол кўринсин.

ИЗЛАГАЙДУРМАН

**Маконда—ломаконсан энди қайдан излагайдурман,
Фироқинг кимга айтиб, кимга сендан сўзлагайдурман.**

**Бирорлар мотамида оҳу-фарёд айлаган эрдим
Сенинг-чун эй ғарибим, ич-ичимдан бўзлагайдурман.**

**Кафани рангидан сочу-соқолимда дарак пайдо,
Баҳорни тўхтатиб бўлмас ки бир кун кўзлагайдурман.**

**Бу дунё имтиҳонин қисматига дош беролмасдан,
Сафарга отланиб гоҳи ёнингни кўзлагайдурман.**

**Отам қолди ўз жуфтин йўқотган якка бир қушдай,
Ўшандоқ холини кўргач нафасда музлагайдурман.**

**Укамларга халақдурман бўлолмай битта жонимни,
Ўзимни сенсираб доим уларни сизлагайдурман.**

**Қетиб ёлғиз ўзинг унда, юраклар ёраси қат-қат,
Пешонам шўридан ҳар кун ярамни тузлагайдурман.**

**Қабр тошинг силаб Шокир ёнар бағрим жигарпора,
Суриб юзларга тупроғинг умрбод тизлагайдурман.**

ҚОЛДИ

Тўлин ой чиқди кўкларга мени кўнглим ярим қолди,
Вале кўнгли тўлиб кетган ёруғ дунёда ким қолди.

Юзинг очкил кўзим тўйсин дедим гулгун жамолингга,
Ўшал ой юзни беркитди булатлар ичра жим қолди.

Неча бор ёлборишларга жавоби бўлди истиғно,
Бу ҳолатдан оқиб ёшлар билан тўлган кўзим қолди.

Ўзинг ёлғиз боролмассан деди йўлдошу — ҳамроҳинг,
Мени Зуҳро аталгучи ёнингда юлдузим қолди.

Бу Шокир ўксимас гарчи қўлимда давлатим йўқдур,
Фақат меҳрим билан тутмоқ учун ноним-тузим қолди.

КЕЛМАДИНГИЗ-КУ

**Йўлингизга кўзим ҳаргиз нигорон келмадингиз-ку,
Висоллар бодасин айлаб фаровон келмадингиз-ку.**

**Синиқ кўнглум этинг таъмир масиҳодек қарааш бирлаш,
Рамоққа ети-ку чиқмоқ учун жон келмадингиз-ку.**

**Сизу ақли расоликда санамлар ичра танҳоси,
Мени майли ато бир турфа нодон келмадингиз-ку.**

**Тўқиб ой нуридан турли мато ташлай изингизга,
Еришгай йўлингиз бўлса зимистон келмадингиз-ку.**

**Висоли давлатингиздан бўларман ағниё шаксиз,
Кўнгулда ушбу ниятлар ҳукмрон келмадингиз-ку.**

**Ўзингиз гулсизу гулзор ароси масканингиздур,
Бўлар Шокирга ҳам олам гулистон келмадингиз-ку.**

СЕН БИЛАН МЕН

Самода ой ила қун сен билан мен,
Жаҳонда Лайли-Мажнун сен билан мен.

Оқармиз тинмайин тўлқин урармиз,
Бўлиб Жайхуну, Сайхун сен билан мен.

Жаҳон ташвишларини елкамизда,
Кўтарсак икки устун сен билан мен.

Саҳийликка йўл очсак дарғалардек,
Бўлиб Ҳотам ва Хорун сен билан мен.

«Муҳаббатдан муҳаббат бўлди пайдо»—
Ёзилган ушбу қонун сен билан мен.

Отам Одам ато онам Ҳаводур,
Улардан чиққан учқун сен билан мен.

Мени Шокир, сени илҳом пари дер,
Бўлибмиз шеърга тутқун сен билан мен.

СОЧИНГНИ МАЙДА ЎРГИН

Эй сунбули паришон, сочингни майда ўргин,
Лутфингдан айлаб эҳсон, сочингни майда ўргин.

Бўлдим, ўзингга маҳтал, ўткил кўчамдан аввал,
Иккни кўзим ниғорон, сочингни майда ўргин.

Эй сарвилар ниҳоли, борму лабингни боли,
Айлаб тилингни бийрон, сочингни майда ўргин.

Қайга урай бу бошим, кўздан оқизма ёшим,
Бўлмоқда оби-найсон, сочингни майда ўргин.

Бошлар тугунчасига, лабларни ғунчасига,
Термулди икки мужгон, сочингни майда ўргин.

Тұпроқман кимиә қил, кўзларга тўтиә қил,
Мен ер бўлай, сен осмон, сочингни майда ўргин.

Қўнмөққа манзилим йўқ, узай десам гулим йўқ,
Шокирни этма ҳайрон, сочингни майда ўргин.

ЭЛИМГА ҚАСИДА

Кўп замонлардан бери қалби жароҳатли элим,
Покланиш даврида бўл энди фароғатли элим.

Алжабр қонунидан оламга солдинг ғулғула,
Нур бериб фан уфқига аслинг кароматли элим.

Сен табобат илмида бўлдинг мадад Сино яна,
Шул сабабдан қалби оқ ҳамда саломатли элим.

Ташладилар ёндирай деб катта гулханга сени,
Кўймади ҳатто тукинг, сирли синоатли элим.

Қомига олса муаммо сабри косанг тўлсаю
Бу Темур авлоди деб бўлдинг маломатли элим.

Боқиманда номли тамға босдилар кўксинг уза,
Наслимиз фарзанди кўп, касбидা омадли элим.

Мирзо Бобур ҳинд элин турди ҳалоскори бўлиб,
Тож — Маҳал ёғдусидан нурли маҳобатли элим.

Қей усул бирла кураш тушсанг ёнинг ер искамас,
Паҳлавон Маҳмуд отанг шердек салобатли элим.

Ҳар куни меҳнат билан кўкка кўтарган бошини,
Тошда гул ундиргувчи донли-зироатли элим.

Ҳақ йўлига элни бошлаб Мир Алишербек бобом,
Шул сабабдан қадди ғоз, алпона қоматли элим.

Бир ярим ойда очиб водийга дарёлар сувин,
Ҳўп забардастли элим, ғайрат — шижоатли элим.

Қўйнини очди неча элу элатни сифдириб,
Қалбини дарё қилиб меҳру саҳоватли элим.

Ўзлигингни англаб олгин, беклигингни англагил,
Шокиро, байнамилал, турличаб миллатли элим.

СОЛГИЛ ҚУЛОФИНГ

Дилимнинг зарбига солгил қулофинг,
Чекар озорига солгил қулофинг.

Сенинг ишқинг билан беҳоб ўтарман,
Туним бедорига солгил қулофинг.

Висолингга етишга чора топмай,
Мудом ночорига солгил қулофинг.

Бу ҳолат бир куни билмам йиқитгай,
Кўнгул атворига солгил қулофинг.

На сир бордур билиб англаб оларсан,
Сиру асрорига солгил қулофинг.

Висолидан шифо топгин илойим,
Танам беморига солгил қулофинг.

Шу Шокир сўзлаганда тингла аввал,
Кейин ашъорига солгил қулофинг.

КҮРСАТИНГ

Феълимииздан сўрсалар дарё қанорин кўрсатинг,
Рангимиз андозаси борим анорин кўрсатинг.

Ҳеч яширманг барчасин дўстлик кўзидек кўз солиб,
Биттадан айлантириб ҳар неки борин кўрсатинг.

Биздаги санъатнию хонандаларни созини,
Куйлаган чоғидаги қўлда дуторин кўрсатинг.

Кўнглимиз оппоқлигин ҳаттоқи чилла чоғида,
Тиззаю-белбоғ бўйи ёққанда қорин кўрсатинг.

Чарчагай кўкда қуёш то манзилига еткунча,
Юртимиз кенгликларин азму-диёрин кўрсагинг.

Сўрсалар Шокир ғазал машқин бажо айлар эмиш,
Ҳа денгу аввал уни сабру қарорин кўрсатинг.

СЕВАРМАН

Үзингни, икки қошинг қаросини севарман,
Пориллаган кўзингни чаросини севарман.

Сўз ташласанг мулойим «ҳа» деб овоз чиқарса,
Дил мулкидан таралган садосини севарман.

Кўп ялтироқ матодан қоматларин безатмай,
Оддийгина кийинган қабосини севарман.

Тоҳир эмасман аммо вафода устиворман,
Ушбу замонамизни Зуҳросини севарман.

Икки кўзини ердан узолмайин кўринса,
Шундай санамни одоб ҳәесини севарман.

Шокир муҳаббатингни болу пари авайла,
Севгим қўшини касби-ҳавосини севарман.

ЎТМОҚДА-ЎТМОҚДА

**Одамлардан нечун бунча хато ўтмоқда-ўтмоқда,
Бирорлардан-бирорларга жафо ўтмоқда-ўтмоқда.**

**Элимнинг бахтини ўйлаб ўзим ҳам бахтиёр эрдим,
Бошимга қўнмайин асло хумо ўтмоқда-ўтмоқда.**

**Дуо өлса азиз ҳар ким азизлик истаги шулдир,
Боболардан олиб қолган дуо ўтмоқда-ўтмоқда.**

**Онам бирла отам эвоҳ маконда ломакондурлар,
Улардан мен жудодурман жудо ўтмоқда-ўтмоқда.**

**«Риё аҳлина ҳам чух эътиroz этмоқ риёдандир»
Келиб қанча риёкору риё ўтмоқда-ўтмоқда.**

**Зиёning душмани зулмат қоронғуликка бошлайдур,
Чиқолмасдан бу зулматдан зиё ўтмоқда-ўтмоқда.**

**Кел эй Шокир, ўзинг қулсан—муҳаббат шохига тожсан,
Буни билмай неча шоҳу, гадо ўтмоқда-ўтмоқда.**

МУНОСИБ

Кимлар агар ёмондур бўлсанг жудо муносиб,
Дерлар: ёмонга элдан шундай жазо муносиб.

Қалбингни шишасига тош отсалар мабодо,
Сен яхшилик қадаҳда тутсанг ғизо муносиб.

Ушбу замонда одам teng-tengини қидирсин,
Ақли тўлуқ кишига қалби расо муносиб.

Эски қадрли дўстга кўп имтиҳон на даркор,
Хом толали ипакка берсанг жило муносиб.

Чирқиллаганда чумчуқ булбулча хониш этмае,
Кимлар учун дутору кимга сато муносиб.

Ёлғон тарозибоннинг тош босдилар белига,
Алдамчи қилмишига шундай мато муносиб.

Үзингдан катталарни подишаҳдек қадрла,
Шохдан фармони олий қулдан бажо мунёсиб.

Ёшлик алансида ловуллаганча юрдинг,
Лек қариганда Шокир тутсанг асо муносиб.

ҚАРО БҮЛИБДИ

Бу икки кўзинг қаро бўлибди,
Бу икки қаро бало бўлибди.

Олмайди нега кўзини ердан,
Десам бу тўлиқ ибо бўлибди.

Кўрганда кўзинг севиб қолибман,
Нечун бу ишим хато бўлибди.

Ўт тушди десам юракларимга,
Қалбимда қуёш бино бўлибди.

Бахтим қидириб овора эрдим,
Севгинг бошима ҳумо бўлибди.

Зикр айлаганим ҳамиша сенсан,
Қалбимдаги бу савдо бўлибди.

Оҳ урсам агар саҳарларимда,
Чиққан нафасим сафо бўлибди.

Билмабман уни сеҳрларини,
Шокирга кўзинг шифо бўлибди.

АЙЛАНСАНГИЗЧИ

**Муҳаббат дардига аввал шифолар айласангиз-чи,
Қуёшдек бир боқиб дилга зиёлар айласангиз-чи.**

**Сузук мужгонларингиздан ишоратларга муҳтоҗмиз,
Қаро шаҳлоларингиздан имолар айласангиз-чи.**

**Мисоли эрка қушлардек учиб тўлдирсак осмонни,
Ёнимда айланиб касби ҳаволар айласангиз-чи.**

**Топай деб номингиз излаб висоллар иштиёқнида,
Чақирганда ширин-ширин садолар айласангиз-чи.**

**Кел эй Шокир, кел, эй Шокир деган сўз тутсин оламни,
Мени чорлаб ўзингизга нидолар айласангиз-чи.**

АИРИЛДИМ

**Халойиқ менга кулмангиз нури аълодан айрилдим,
Бұлиб мажнуни девона гули лайлодан айрилдим.**

**Ұзи хуш, сурати зебо мисоли Юсуфи канъон,
Юзи гул қомати сарви, күзи шаҳлодан айрилдим.**

**Жаҳон мулкини Хорун ҳам келиб қўйса тарозуга,
Алиштирмас эдим дўстлар ганжи-тиллодан айрилдим.**

**Талаб илми каби излаб топиб бир аҳли донишни,
Бамисли бир нўноқ шогирдману муллодан айрилдим.**

**Муғаний шўх овозидай куйлардим қўлга олганда,
Тегиб санжи ажал энди ширин яллодан айрилдим.**

**Забоним бо вужуди сўзлаш афсофига нотиқмас,
Нечуниким сўз деюрга нутқи-имлодан айрилдим.**

**Бутун аҳли жаҳон элга саломатлик тилайдурман,
Демасман бандалик Шокир юзда жилодан айрилдим.**

КҮНГУЛНИ КУЛБАСИ

**Жудоликдан кўнгулни кулбаси вайрон бўлмас-му,
Бошим узлатдаги вайронага остона бўлмас-му.**

**Жамолингдан бутун олам муннаварликни касб этса,
Зиёсига кўнгулни қушлари парвона бўлмас-му.**

**Нечун сенга кўнгул очсан бутун оламга ёймишсан,
Вале ошуқ билан маъшуқ сўзи пинҳона бўлмас-му.**

**Иўлингга гул сочар бўлсан келиб бир-бир босиб ўтсанг,
Унинг ҳар ғунчаси сунбулларингга шона бўлмас-му.**

**Сочинг мушки одам қайфиятига айласа таъсир,
Бу ҳолатни сезиб Шокир ўзи мастона бўлмас-му.**

МАСТУРА-МАСТУРА

Mastura Saifuddinovaga

**Адирларга ёзиб кўм-кўк рўмол Мастура-Мастура,
Чарой осмонига бўлдинг ҳилол, Мастура-Мастура.**

**Аноринг лаззатидан эл-элатлар баҳра олмоқда,
Сенга таҳсин этиб шарқу-шимол, Мастура-Мастура.**

**Замонам дилбари бўлдинг, неча қизларни сардори,
Латофатли яна нозик-ниҳол, Мастура-Мастура.**

**Сени меҳнат билан топган камолатингни кўрганда,
Халойиқ дер мана топдинг камол, Мастура-Мастура.**

**Қуёшдай нур сочиб боғлар аролаб айланиб юрсанг,
Анорзор ичраким офтоб жамол, Мастура-Мастура.**

**Ява қанча ниҳол унгай сени меҳри булоғингдан,
Етаклаб келтириб оби-зилол, Мастура-Мастура.**

**Муборак истагим Шокир ётук иқбол тилайдурман,
Насиб этсин сенга тотли висол, Мастура-Мастура.**

ШАҲЛОСИДА ҚОЛДИ

Кўзларга кўзим тушдию шахлосида қолди,
Лабларни такаллумида имлосида қолди.

Бир сайру-томушога мени бошлади қўймай,
Кўзлар қувониб ғунчаю-раъносида қолда.

Ким кўрса уни ёр бўлиш истайди муносиб,
Кўнглим мени ҳам дилбари—барносида қолди.

Хизматда бўлай бўлса муҳаббатни гадоси,
Ишқ тахтини ул соҳиби доросида қолди.

Бол томчи лабларга мудом энди асирман,
Оғзимга шакар томдию, ҳалвосида қолди.

Бир бор гапириб васлин умид айлаган эрдим,
Сўзлашдаги Шокирини таваллосида қолди.

МАСТОНАЛИГИНГНИ

Эл барча билур ёлғизу бир доналигингни,
Ҳар дамда ўзинг мен била ҳамхоналигингни.

Теран эканинг англамаган кимса топилмас,
Фикринг била сен барчага дўсто налигингни.

Тушди неча бор таҳлика га хаста бу жоним,
Лек ташламадинг шамига парвоналигингни.

Сўз очма бироранг англамасин лаъжаларингдан,
Айниқса ўзинг духтари—фарғоналигингни.

Ҳайратда эдим келса сабо бўйи муаттар,
Билмабман унинг гулларига шоналигингни.

Ҳар сонияда кайфиятинг англаб оларман,
Шокир биламан ишқида мастоналигингни.

КАРАМ ЭТДИНГ

Қағонким подишоҳлардек қулингга сен карам этдинг,
Умидим пойдеворларини биносини муҳташам этдинг.

Юракда хоҳишим англаб қўлингга хомани олгач,
Муҳаббат дафтарига оташин севгим рақам этдинг.

Фақат билгувчи сендурсан бу сирдан воқиф эрмасман,
Ўзинг кимларга ортуғроқ vale кимларга кам этдинг.

Бўлиб охирда беларво куним арзи-само бўлди,
Нега Шокирни анжумлар нигоҳига қарам этдинг.

БҮЛГАНДА ҲАМ

Еир тараххум этмадинг ҳолим хароб бўлганда ҳам,
Ҳам фироқингдан дилимда изтироб бўлганда ҳам.

Сабр қилгайман ҳамиша имтиҳонингга ўзим,
Ранжу озоринг ҳисоби-бекисоб бўлганда ҳам,

Очмадим оғзим бирорвага ҳеч шикоят этмадим,
Ишқинг ўтида куюб бағрим кабоб бўлганда ҳам.

Нури оламни нурафшон айлай олмас сенчалик,
Чун фалакда нур сочувчи офтоб бўлганда ҳам.

Кекка еткай бошимни қўйсам оёғингга агар,
Еназирдир менга бу оддий тавоб бўлганда ҳам.

Шокиро, ёзгил муҳаббат сўзини жон олдига,
Ушбу сўздан зиндаман хоки туроб бўлганда ҳам.

ТАСАДДУҚ ЖОНИМ

Тасаддуқ жоним айлансин муҳаббат номли отингдан,
Тутай мақсад сари парвоз этарда қўш қанотингдан.

Мени ҳар лутфи эҳсонинг очар мақсадларимдан сўз,
Фалакка етгудек бошим мулойим илтифотингдан. 0

Нечун оҳим самога етдию сенга етишмайдур,
Ўзим баҳт юлдузимни ахтарарман коинотингдан.

Парирўйлар тушимга кирсалар сендан сўрайдурман,
Бирор хуршиди тобон бормикин ахтар бисотингдан.

Севишганларни ҳар соат соларсан турфа ҳолатга,
Ўзинг ҳам лол қоларсан ўзингни кашфиётингдан.

Кима иқбол қушин сояси тушканда бошига,
Ҳамиша баҳраманд бўлгусидур қанду ноботингдан.

Одамга жон ато этгучисан асло малолинг йўқ,
Етар Шокирга қувватлар юборсанг бир нажотингдан.

ХУШ КЕЛДИНГИЗ

**Ассалом дермиз юракдан, аввало, хуш келдингиз,
Изларингиз гарди кўзга тўтиё, хуш келдингиз.**

**Бу кўнгул кўзгусини қолмас ғубори заррача,
Қалбимиз олгай яна нури--зиё, хуш келдингиз.**

**Жўр бўлар хонандалар хонишлиарида сўз билан,
Гоҳ дутор, гоҳи танбур, гоҳ сато, хуш келдингиз.**

**Сиз билан илҳомимиз парвози юксалгай яна,
Шод бўлар энди бугун еру-само, хуш келдингиз.**

**Рақс этар раққосалар юз жилва бирлан ноз этиб,
Айлагай товус хиром гулгун сабо хуш келдингиз.**

**Қайнагай илҳом бугун элни камолотин кўриб,
Қутлайнин турли ғазалда Шокиро хуш келдингиз.**

КУРСАМ ЭДИ

Сен мени бир кўрмасанг ҳам мен сени кўрсам эди,
Қошу-кўзинингга нигорим термулиб турсам эди.

Катта гулзорлар ичида иккимиз боғ айланиб,
Севгимизни элга айтиб гул тутиб юрсам эди.

Хайрият, ўтдинг узоқдан лек нигоҳинг тушмади,
Беовоз йиғлар эдим бу кўзларимда нам эди.

Ушбу ҳолатни агарда сенга таъриф айласам,
Юзга томган ёшларим гул баргидашабнам эди.

Кўп ишорат айладим бу ердаман деб гул билан,
Бу имода муддаонинг орзуси жам эди.

Тоғдаги оҳумисан ё қайси бир сўқмоқдасан,
Қай усул бирла йўлингни мен томон бурсам эди.

Ахтариб сен келмасанг ҳам дилда ният ахтарар
Чупки, Шокирни висолинг кўнглуга малҳам эди.

► ЭЛАТДОШИМГА

Еру самоимиз бир, сен кимсану мен кимман,
Оқар дарёимиз бир, сен кимсану мен кимман.

Сенга қуёш ягона у менга ҳам сочар нур,
Кўкларда ойимиз бир, сен кимсану мен кимман.

Бу дунёга азизим меҳмон бўлиб келибмиз,
Қўнган саройимиз бир, сен кимсану мен кимман.

Туққан онанг онангдир, ул волидам менинг ҳам,
Момо ҳавойимиз бир, сен кимсану мен кимман.

Лекин отам бўлак деб кўнгилда чекма озор,
Одам отоимиз бир, сен кимсану мен кимман.

Мен катта сен кичик деб, инсонлигинг унутма,
Ўлганда жойимиз бир, сен кимсану мен кимман.

Хурсандлигингда Шокир ёнингда шод бўларман,
Ҳатто хатоимиз бир, сен кимсану мен кимман.

БОШЛАДИ

Кўп риёзатлар чекиш бахту саодат бошлади,
Бу саодатга мени аввал риёзат бошлади.

Тўғрилик майдонига сочдим зироат яхшилик,
Ушбу ниятга мени ҳар кунги одат бошлади.

Нону қаймоқлик билан оним мукаммалликдадур,
Кўп тўқисликлар тугал жонимга роҳат бошлади.

Лаҳза тамкинлик маломат тошини зарб айлабон,
Бу улуғликка улуғ сабру қаноат бошлади.

Шокиро, васлин таманноси эрур чин матлабинг,
Қайси йўлга бошласа — ул сарвиқомат бошлади..

БҮЛАРМИШ

**На бўлса пешонангга ёзилғони бўлармиш,
Одамни vale қўксига армони бўлармиш.**

**Сайёд эли сайд айласа оҳуни мабодо,
Бу ҳолга сабаб қоп-қора мужгони бўлармиш.**

**Парвона каби ўтга ўзин урса тушунмай,
Шу ўтни ўзи бир куни қурбони бўлармиш.**

**Бошларга бало келса тилинг заҳри сабабдир,
Сўзлашда сўзинг мағзини мезони бўлармиш.**

**Ким кирса чаманга югуриб ғунчани узмас,
Илгига азоб бергучи тикони бўлармиш.**

**Қўп бўлса одамлар ичида турли билимдон,
Шокир каби ҳар элда ғазалхони бўлармиш.**

АЙЛАДИМ СЕНГА

**Қулоқ солгин ҳузурингда тавалло айладим сенга,
Жавобига дединг хушдур, таманно айладим сенга.**

**Ўзига ром этолмасдан юарди нозанинлар кўп,
Хаблим олдингу бошдан тасанно айладим сенга.**

**Саҳарлаб най чалиб қирда қулоғингга етарму деб
Қўшиқ бирла қўшиб нолангни ялло айладим сенга.**

**Юракнинг тўрига номинг битиб сарлавҳа бошларман,
Чизиб суратларинг зебу мужалло айладим сенга.**

**Дилинг истакларин Шокир бажо этмоққа шайдурман,
Келиб қолсанг кўрарсан деб муҳайё айладим сенга.**

ҮРТАДА

Сен мени тарк айласанг қолмасму ҳижрон ўртада,
Икки кўзим йўлларинга кўп нигорон ўртада.

Неча фарзандларни кўрдик ширин бири, шаккар бири,
Жовдираб мунгли боқиб бўлгай-ку сарсон ўртада.

Сен мени жоним дединг, мен ҳам сени жоним дедим,
Иккимизни руҳимиздан чиқмасин жон ўртада.

Иккимиз қўш ҳолатда тебратиб рўзғор ишин,
Гоҳи ортиқ, гоҳи кам бор эрди имкон ўртада.

Нону қаймоқлик билан мени шодон эди,
Буадилар рўзғоримиз бир неча нодон ўртада.

Шокирингни сўзларига кирмайин қўл силтасанг,
Иккимизга тор келар бу Ўзбекистон ўртада.

ҚАЁН КЕТДИ

**Сабо келтир хабар волидаи аслим қаён кетди,
Сабо айтур: онанг энди этиб тарки макон кетди..**

**Ақлни жойлаган эрди ҳақиқат йўлига доим,
Курашчи мўътабар инсон, бони соҳибқирон кетди.**

**Келишган қомати қандоқ ярашгай юрса саллона,
Ниҳоли улғайиб бўй — бўйлаган бир аргувон кетди.**

**Дилим тўлқинланар юрган йўлию хонасин кўрсам,
Тиним билмай иков кўзлардаги ёшим равон кетди.**

**Эмишким, тоабад бўлган ажални қисмати шундоқ
Саломатликка ул нокас еткурди кўп зиён кетди.**

**Давом айлар унинг суҳбатларин тенгдошлари энди,
Хузурбахш дилкушо одам эди ҳам навжувон кетди.**

**Унутмайсан онанг ШОҚИР танангда токи жонинг бор,
Дилим вовайлат айлаб ягона меҳрибон кетди.**

СЕНИ КҮРСАМ

**Йўлиқмас менга ҳеч қайғу сени кўрсам-сени кўрсам,
Кўнгулларга тушар ёғду сени кўрсам-сени кўрсам.**

**Қаро кўзинг, қаро қошинг била ўтли нигоҳинг ҳам,
Этарлар сеҳри ила жоду сени кўрсам-сени кўрсам.**

**Табассумли қарошлардан кўзим равшанлиги ортар,
Мисоли ярқираб кўзгу сени кўрсам-сени кўрсам.**

**Илон чаққан кишидек тўлғаниб тунларда бедорман,
Қочар кўзлардаги уйқу сени кўрсам-сени кўрсам.**

**Ғизо ўтмай томоғимдан ютолмай луқмани ҳатто,
Этарман қумридек ху-ху сени кўрсам-сени кўрсам.**

**Лабингни болини ҳар томчиси ШОҚИРга лаззатдур,
Келар оғзимга ҳам кулгу сени кўрсам-сени кўрсам.**

ОФТОБ ЖАМОЛ'

Ром этар ҳуснинг мени ҳатто ҳилолингни ўзи,
Ер юзин нурлантираш офтоб жамолингни ўзи.

Бир нафас ҳижрон ўти бағримни куйдирса яна,
Гар қониб тўйсам шифо чашми-зилолингни ўзи.

Косани туткил ғамим ювсин паёп-пай илгима,
Биллур қадаҳни лол этар оддий саполингни ўзи.

Барча ширинликни тўплаб қўйсалар хирмон этиб
Мен учун юксак эрур лабларда болингни ўзи.

Сарвию раъно чаман ичра тароват айласа,
Файзиёб эткай фақат қадди камолингни ўзи.

Шокиро, парвоз этар илҳом қанотини тутиб,
Боиси илҳомими чексиз хаёлингни ўзи.

НОЗУ ИБОДА РАҚСИНГ

Санъатларингни этгай бизга ифода рақсинг,
Шарқона услубинг ҳам нозу-ибода рақсинг.

Раққосалар чаманим ё лолазорму билмам,
Бармоқларинг ёнармиш турли хинода рақсинг.

Соз илгига муғаний этгандада таърифингни,
Акси садо чиқаргай сарбаст навода рақсинг.

Олқишилади муносиб, қарсак чалиб ҳалойик,
Ҳинду араб Мисрда, Чину Хитойда рақсинг.

Жамланса қийқириқлар ҳатто фалакни қучгай,
Шунда бўлур намоён еру самода рақсинг.

Турли карашмалар ҳам кўзгу каби кўрингай,
Нозик саломларингда таъзим бажода рақсинг.

Маҳсули меҳнатингдан авлодимиз севингай,
Шокир тилар ҳамиша бундан зиёда рақсинг.

ШАЪМИ ВИСОЛ

Дил уйин равшан этинг шаъми висолингиз билан
Кўзларим яшнатсангиз нақди жамолингиз билан.

Тунлари пешвоз чиқиб нури зиё тарқатсангиз,
Бахтимиз осмонидан абру—ҳилолингиз билан.

Дарбадар кўнглим қуши парвоз этар билмай тиним,
Сиз уни ром этсангиз юзларда ҳолингиз билан.

Бор масал шаккар деган бирлан оғиз бўлмас ширин,
Бир мазоким қанд этинг лабларда болингиз билан.

Ташналик қонмас эмиш икки юрак бирлашмаса,
Бодаи саршар бўлар оби-зилолингиз билан.

Шокиро, кўз ташлама сен ўзгалар ёрин кўриб,
Дўстларим гашт айлангиз жуфти — ҳалолингиз билан.

ҲАСБИ ҲОЛ

Қуюн дашти адаштирган қарғасиз карвон бўлдим,
Баҳор чоғимда япроғи тўкилган арғувон бўлдим,
Алифдек қоматим дол бўлдиму энди ёмон бўлдим,
Қафасда андалиблардек қолиб узлатда қон бўлдим,
Билолмасман на боисдур ғарибу нотавон бўлдим.

На қўлда давлатим бордур яна рўзгори торожман,
Қулоғим гапни олмайдур ажиб қайсарману-кожман,
Ўзим қулман неча минглаб муҳаббат шоҳига тожман,
Азални ҳоҳишиданму қуёш нурига муҳтожман,
Кўнгуллар пахтадек аммо қоронғу хонадон бўлдим.

Сўзимни ҳақлигини кимсага исбот этолмасман,
Бирон юртга бошим олиб кетай дейман кетолмасман,
Бўлак жаннатмакон юртин Қувамга ўхшатолмасман,
Ҳамиша яхшилик айлай дедим, лек айлай олмасман,
Бировга фойдани кўзлаб ўзим ҳам шодумон бўлдим.

Учиб келган жами қушлар самоларда қатор бўлгай,
Ҳамал буржида уйғонган адирлар лолазор бўлгай,
Оқиб сув галт уриб себаргаларга сабзазор бўлгай,
Қаноат айласанг дерлар келиб фасли баҳор бўлгай,
Ўшал ниятдаман фикрим лек айёми ҳазон бўлдим.

Мени кўп мақтадилар ким одам жисмига жонсан **деб**,
Ҳамиша руҳипарварсан шу боис жонажонсан **деб**,
Одамлар қадрини юксак кўтарган меҳрибонсан **деб**,
Онам кўп эркалар эрди мисоли паҳлавонсан **деб**,
Келиб бу вақти соатлар сиҳатсиз ногирон бўлдим.

Ўзим ҳеч нарса билмасман бирорга ўргатолмасман, ҳ
Ўжарман сохтаманман панду, насиҳатларни олмасман,
Тутиб бир раҳнамо илгин ўзимни йўлга солмасман,
Ололмасман одамлар дардини ё тортишолмасман,
Фидолар айлайин жоним дедим лек хаста жон бўлдим.

Олов ўт пуркаган чўлда қолиб кетган балиғдурман,
Аламдан сийнаси пора сочиғанман, тариғдурман,
Йўлингга термулуб маҳжуриман ранги сариғдурман
На боисдур, қулай имкониятлардан дариғдурман,
Эвоҳим ҳайрият Шокир эл ичра нуктадон бўлдим.

ЧУСТИЙ ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Тонглардаги шўх сабо ўзингиз,
Этгувчи манга садо ўзингиз,
Жонларни этиб фидо ўзингиз,
Айдим анга дилрабо ўзингиз.
Этган менга мубтало ўзингиз.

Бўлганда чиройи сизчалик бор,
Бойси юрак шикасталик бор,
Ҳар кунда ҳар кўп басталик бор,
Айди дилингизда хасталик бор,
Мен унга дедим даво ўзингиз.

Еқсан қараманг деди, дедимки,
Ўтсан қараманг деди, дедимки,
Енсан қараманг деди, дедимки,
Боқсан қараманг деди, дедимки,
Нега қиласиз имо ўзингиз.

Иўқ сиз кабилар самода ерда,
Ҳар тонгда келиб туринг бу ерда,
Айланг мени майли бурда-бурда,
Чимирилди деди ҳаё, қаерда,
Айдим мен учун хуё ўзингиз.

Қай гулни кўринг ўсар тикансиз,
Сарвиде ривож бўлурму тансиз,
Кўнгилга бўлинг дедим ватансиз,

Кулсам деди норасо экансиз,
Айдимки етук расо ўзингиз.

Мен бирла бўлинг ёнимда жилманг,
Шокирни юракларини тилманг,
Йўқ асли гуноҳни менга илманг,
Чустийга нигор таъна қилманг,
Бул манга деган фидо ўзингиз.

НАВРҮЗ

Айтинг омон-омонлик дил муддаоси Наврӯз.
Келди элимга хушлик кўнглум зиёси Наврӯз.

Юзин қўйиб юзимга чиқди қошимга яккаш,
Нимпуштиранг лабида дардим давоси Наврӯз.

Мисли санам товланиб олмоқда ихтиёrim,
Себаргаларга қўнган шабнам жилоси Наврӯз.

Қирларда лола сайли ўт ташлади юракка,
Ҳам қизчалар қўлида ёнган хиноси Наврӯз.

Кенг давраларда суҳбат тортар ўзига шаксиз,
Ҳеч хоҳишингга қўймас оҳанграбоси Наврӯз.

Лю...
Хамма суйиб баҳорни келинчак деб атарлар,
Алалхусус фаслнинг кенг ибтидоси Наврӯз.

Ишқ торини жаранги Шокир дилига ҳамроz,
Ҳар субҳидам таралган сарбаст навоси Наврӯз.

ҲАМЗАОБОД ТОҒЛАРИ

Ёшинг улуғлиги баробар асрларга,
Мадҳияси сиғмайди достону асарларга,
Ҳатто, тошлари безак, кўп гўзал қасрларга,
Қаттасию чоғлари, Ҳамзаобод тоғлари.

Қўша сойинг кафтингда ёзиб турар қулочии,
Мавжлари тароқ каби силар сулувлар сочин.
Уфор бўйи анқитар афсона эмас, бу чин,
Райҳону янтоқлари, Ҳамзаобод тоғлари.

Мадҳ этганда Ниёзий кўйлаб янги замонни.
Оҳангрابо қўшиғи янгратганда жаҳонни,
Ойнасидан боққансан уласа тонгга тонгни,
Субҳи саҳар чоғлари, Ҳамзаобод тоғлари.

Чиниқишлиар қўйнингда авлоди навқиронлар,
Мисли она бағридай йўқ шовқину суронлар,
Ҷўққингдан қўл узатсан, кафтда турар осмонлар,
Яқиндек йироқлари, Ҳамзаобод тоғлари.

Сайргоҳ арчазорнинг гашти болчинг тотидай,
Гўзалларингни қоши қалдирғоч қанотидай,
Дилором санамларнинг такаллуми тўтидай,
Завқли кўп сўроқлари, Ҳамзаобод тоғлари.

Оппоқ қорли чўққилар осмон билан бўйлашар,
Тўлқинланиб ўт-ўлан одам билан сўйлашар,
Тошлар аро жилдираб сирли қўшиқ куйлашар,
Тип-тиник ирмоқлари, Ҳамзаобод тоғлари.

ТАБРИКНОМА

Айлайнин табрик бугунги тоза наврўзлар билан,
Бу ҳаётимда ёғилган энг шириң сўзлар билан.

Бир қўлимда барра кашнич, барра райҳондан олиб,
Ҳаммага пешвоз чиқарман нон билан, тузлар билан.

Бунда мен ёлғиз эмасман, келди авлодлар бари,
Сарвинауз, нозик табассум, қоши қундузлар билан.

Барчаси гулгун кийинган, кўз қамашгай жомадан,
Чиққай истиқболингизга бошда зардўзлар билан.

Айлагай енгил хиромлар мисли қушдай боғ аро,
Ишваи ноз кўрсатурлар ҳам сузук кўзлар билан.

Доири гижбанги сизни даврасига чорлагай,
Бунда Қизлархонни рақси ҳам Дилафрўзлар билан.

Келсангиз Шокир Қувамни, Марғилон, Фарғонани,
Андижонни кўрсатурмен Шаҳриҳон, Бўзлар билан.

САЗОВОРМАН

**Ажаб, илҳомли онларда ҳаёлотга сазоворман,
Этарман беқанот парвоз, самовотга сазоворман,**

**Ҳаёт уммонида ғаввосдай дур, садафга, ошуфта,
Гөди газал, муҳаммас гоҳ, мусаллотга сазоворман.**

**Гөҳ ўзимни каҳкашонда юрган сайёҳ каби сезиб,
Сиймтан ой билан ажиб мулоқотга сазоворман.**

**Рубобим торларин чертиб, бир нафас ҳиргойи қилсан,
Еаёту Гиряю Үшшоқ-Муножотга сазоворман.**

**Агар шеъримни ҳофизлар торига эшиб куйлашса,
Ўшал онда ўзимни зўр, мукофотга сазоворман.**

**Берар Шокирга илҳомлар элимни хўб эрки чексиз,
Тўқис эркига умидвор музофотга сазоворман.**

ДҮСТЛИК ҲАҚИДА

**Дұсти күп қадди әгилмас жангда қон кечган билан,
Ҳар киши дүстинг әмас йўлингга гул сочган билан.**

**Душманинг сўзига учма ҳам улар мадҳ айлама,
Душманинг душманча қолгай зар чопон бичган билан.**

**Дұстга ширин сўзласанг сен, пухта бўлгай охири,
Ибрат ол, талх мева талхдур қанча сув ичган билан.**

**Киприги бирла илмни қазсаю дўст топмаса,
Ул киши олим әмасдур кўп мисол ечган билан.**

**Дұсти нодон бирла дўстлик топмагай парвозини,
Шаппарак лочин аталмас тунда кўп учган билан.**

**Шокиро, дўстларни панду заҳридан сен қочмагил,
Халқумидан бол берар ари нишин санчган билан.**

МЕҲНАТ ГАШТИ

Бахтин деганлар асло ётмас ҳаловат излаб,
Офтобни уйғотурлар меҳру саҳоват излаб.

Хосилни гаштин ўйлаб аъло ургуни деҳқон
Доим экар заминга аҳли зироат излаб.

Гулга қўнувчи ари англар тиконни заҳмини,
Бол мақсади юракда тинмас риёзат излаб.

Булбулдай хониш этмас кўрса чаманин шабшар,
Гул қадрин англамас у тунда саёҳат излаб.

Қим ўзгалар гулинни ҳидлашни мақсад айлар,
Азобга учрагай дил, ул тарки одат излаб.

Бахт топганингда, Шокир, меҳнатни ҳамдами бўл,
Келгай ўзи қошингга роҳат-фароғат излаб.

ДЕГАЙМАН

Сўз тинглаган кишини икки кўзим дегайман,
Сўз тингламас қулоққа хайфу сўзим дегайман.

Сўзда асоси йўқлар ул банди чирмовуқдур,
Мастураи сухани мисли узум дегайман.

Ток шарбати хусусан минг дардни дафъи айлар,
Чирмов ёнида сарв ҳам топмас тўзим дегайман.

Кўнгли қаро сўзидан оқдур қазон қароси,
Кўрсам уларда суҳбат қаро юзим дегайман.

Сўз тўғриликда сарву софликда чашма бўлса,
Фарзанди солиҳин ўғлим, қизим дегайман.

Тиф одати кесишидир, ақлингла ушла Шокир,
Воя берар ниҳолга ширин сўзим дегайман.

МАКТАБ

**Кишига баҳт йўлин очган ажаб дорилсафо мактаб,
Ёзгай ашъор мадҳингга бўлибсан сен раво мактаб.**

Яшашни ибтидосини ҳур авлод сендан ўргангай,
Умрлар тонгини доим ёритгувчи зиё мактаб.

Элимда бир масал борки, ниҳол сувсиз кўкармайдур,
Бу ёшлар нўш айларлар илм сувдир, ҳаво мактаб.

Ичар дарёи наҳрингдан билим сарчашмасин бунда
Неча минглаб Увайсий, Нодира, Зебунисо мактаб.

Бири султони шеърият, бир ҳокими-алқонун,
Топиб нур ғуссали жисми Алишеру, Сино мактаб.

Муаллим иқтидоридин илм майдонида кўнглум,
Олар Шокир хаёlinи бўлиб оҳанграбо мактаб.

ЭМАС

**Сенга ким бир сирни айтса фош этиш даркор эмас,
Риштаи дўстликни кесган ошиною ёр эмас.**

**Англсанг бир сирни дўстим, доимо пинҳона тут,
Сирни мусиқа дебон сен чертмагин у тор эмас.**

**Учраса бир сирли дўстинг айла лутфингдан карам,
Суҳбати ширин сўзингдан топса у bemor эмас.**

**Бурди йўқ ниятсиз одам музлатар кўнглинг қушин,
Бу кўнгул шундай совурки, эримоққа қор эмас.**

**Шокиро, сир-сиригича қолмас сир-сир очар,
Ким турар сўзида маҳкам дўст эрур, ағёр эмас**

РАҲНАМО ДЎСТЛАР

Мудом виждонига содиқ алифдек раҳнамо дўстлар,
Самога етса бошингиз бўлинг ибратнамо дўстлар.

Умрлар хонадонини безатмоқ яхши зийнатдур,
Машаққат ғишидан дерман битар олий бино дўстлар.

Вафо торини узмоқлик абасдур аҳли дўстларга,
Садоқат пешаликларга йўлуқмас ҳеч жафо дўстлар.

Илм-фандан агар одам ўзига боли-пар тутса,
Учиди кўк тоқидан очгай тилсими—кимиё дўстлар.

Изингизни ювар шабнам муборак сабзакорим деб,
Қадам етган ерингизда унар меҳригиё дўстлар.

Сабо келтир хабарлар деб кўзим дийдори-зорингиз,
Этарман гарди покингиз кўзимга тўтиё дўстлар.

Синиқ кўнглим кўриб Сизни сиҳат топгусидур Шокир,
Ки лутф ила камолингиз ярамга мўмиё дўстлар.

БҮЛМАГИН

**Тут адаб услубини, беҳуда ўсмир бўлмагин,
Мехнат аҳлидан қочиб хирмонда ҳозир бўлмагин.**

**Дўстларингга лоақал мунчоқча бўлсин қийматинг,
Душманингни илгина турли жавоҳир бўлмагин.**

**Арзимас ишлар учун бузма жигарлар қонини,
Эт билан тирноғ юзин босган қаро кир бўлмагин.**

**Нияти кесмоқ учун шамшир ғилофда сақланар,
Денмо инсон сўзин кесмоқقا шамшир бўлмагин.**

**Игванинг кори бутун айламоқдир матони,
Тўғри бўл, ораста бўл, ғайрича қингир бўлмагин.**

**Дамлама гийбат ошин, сузма бирорга, Шокиро,
Хар кишининг сирини ковлашда капгир бўлмагив.**

БУЛАР ЭРМИШ

**Кишиларнинг бири ошкор, бири пинҳон бўлар эмиш,
Гирининг шакли одамдек, бири инсон бўлар эрмиш.**

**Бировлар чашма олдида, бирош дашти биёбонда,
Бирош васлин эшигида бирош сорсон бўлар эрмиш.**

**Бирош тотли зироатдек, бирошнинг ғўрадур сўзи,
Гапирганда бирош болдек, бирош нордон бўлар эрмиш.**

**Бировлар судралар мордек, бирошнинг кўкда парвози,
Бирошнинг қиймати еру, бирош осмон бўлар эмиш,**

**Бирош зийрак фикрлидур, бирошнинг қалби лоқайдлик,
Шу боисдан бирош доно, бирош нодон бўлар эрмиш.**

**Бирош тан олмас оламни, бирош элнинг ғами бирлав,
Бировлар мисли сандону, бирош босқон бўлар эрмиш.**

**Бирош Шокир каби мискин, бирошнинг турфадур феъли,
Бу ишларга бирош нолон, бирош ҳайрон бўлар эрмиш.**

БИР-БИР ЎТГАНЛАР

Ўзи йўқдан бино бўлган тирик жон бир-бир ўтганлар,
Парийдур ҳури сиймодур лек инсон бир-бир ўтганлар.

Неча минглаб кишилар кўнглини бир даврада олган,
Қўлида соз билан хушлаҳжа-хушхон бир-бир ўтганлар.

Ададсиз молу давлатни топиб устига қўшсам деб,
Поёнига теголмай дилда армон бир-бир ўтганлар.

Санамнинг ишқида касби гадолик ихтиёр айлаб,
Кезиб кўп дарбадар дашту биёбон бир-бир ўтганлар.

Бирёвнинг ҳаққига мисқол хиёнат айламасдан ҳеч,
Неча хил одилу покиза виждон бир-бир ўтганлар.

Адолат йўлинни излаб ҳақиқат сўзин айттолмай,
Физо ўрнига оғзида тўлиб қон бир-бир ўтганлар.

Назм бобида Султонлик қаторида санаалган ҳам,
Ширин сўз шоиру яхши ғазалхон бир-бир ўтганлар.

Езай, Шокир, ҳаётим мадҳини энди шу кунлара,
Етолмасдан неча дўсту қадрдан бир-бир ўтганлар.

БЕЗАТДИ

Келиб фасли баҳорим боғ анбарин безатди,
Зебо боқиб юзига кокилларин безатди.

Қиши чокари елига бардошли навниҳоллар,
Кўксин очиб баҳорга гул садбарин безатди.

Тун соқчиси тўлин ой қуёшга маскан излаб,
Офтоб юзини кўргач ул сарварин безатди.

Боғларни сайри ишқи мафтуни кўнгул ўлди,
Ювиб миръоти дилни сийналарин безатди.

Парвози хонишида қўшиқларим тиннимсиз,
Муҳаббатимни куйлаб болу парин безатди.

Ул печитоб лабидан бу ташнадил юракка,
Гулоб-ла гулжабинлар жон шаккарин безатди.

Себаргалар лабида Шокир баҳорни кўріач,
Изҳори ишқ айлаб сўз жавҳарин безатди.

ҚУВАМ

Ҳам пахтакору чорвадор ҳам ишчи деҳқоним, Қувам,
Шаштини маҳкам тутар майдонда жавлоним, Қувам.

Кўнгли кенг меҳмоннавоз, меҳнат билан кўкларда бош,
Шишадек ферузаранг пок қалби осмоним, Қувам

Зўр чавандоз омади бор моҳирона от сурар,
Пойгода ғолиб келиб сўзлашда байроним, Қувам.

Қип-қизил қирмиз аноринг бўлди машҳури жаҳон,
Мамлакат байроғидек қўлларда алвоним, Қувам.

Чин муборак тупроғингни соғиниб Бобур бобом,
Турса ҳам ҳинду элида дердилар жоним, Қувам.

Қаъкувот шоҳи Қобусий номанинг бош сатрига,
Ёзган эрмишлар дебон аввал қадрдоним, Қувам.

Ҳам отам ҳамда онам бўлдинг пешонамни силаб,
Шокиринг фарзандлигимдан йўқдир армоним, Қувам.

ҚУВАМИЗГА

Хушдур дилимиз келсангиз бир бор Қувамизга,
Меҳмон бўласиз анорли гулзор Қувамизга.

Гар кўҳна «Билол тепаси»да айланажаксиз,
Таҳсин этасиз тарихи донгдор Қувамизга.

Карки тўла сув бўлса кўнгулларга сафодур,
Ҳар томчи шифо сувлари зангор Қувамизга.

Үғлонлари ҳар соҳада полвон азаматлар,
Исбот этамиз, кўрса баланд дор Қувамизга.

Зебо-санами, дилбару санъат шинаванда,
Ром этгай агар чалса рубоб тор Қувамизга.

Ҳеч орқада қолмай бажаар барча юмушни,
Собит қадаму, илдаму илфор Қувамизга.

Фарғонада якто Қуванинг номин улуғлаб,
Шокир ёзади тинмайин ашъор Қувамизга.

8 МАРТ ТАФСИФИ

Юраклар тўрига қурди суюкли ошиён саккиз,
Санамлар ифтихоридан юбормоқда баён саккиз.

Бугун март ойига саккиз рақамлар подшоҳи бу,
Жамики мавжудот саккиз, агар боқсанг қаён саккиз.

Занфа, ожиза номи йўқолди, қолди мозийда,
Хуқуқи тенглашиб, соҳибай доруломон саккиз.

Унар лола бўлиб ҳар йил тўкилган қони Нурхоннинг,
Шафақ қирмизланур ҳатто, замину осумон саккиз.

Агар икки ярим шарни туташтиранг, назар солсанг,
У ҳам саккизни эслатгай бўлиб жумла жаҳон саккиз.

Гўзаллар қоматин нозиклиги саккизга ўхшармиш,
Ўзи нозик, сўзи нозик яна нозик миён саккиз.

Қўзим тўрт кўчага, Шокир, кутарда интизориман,
Ўнинг ҳам кўзи тўрт бўлса, қўшилса бегумон саккиз.

АЛЁРИМ ОНАМ

**Сиз билан шоҳонаман, бошимда тождорим, снам,
Ёлғизим, мунисгинам ҳамда дилафгорим онам.**

**Менга тилло, менга ганжу ҳам хазина на керак,
Ҳаммасидан юксагу қиймат намуродим онам.**

**Құз очиб юмганда күзим күзингизга тушмаса,
Қандайин тоқат этай, толиби дийдорим онам.**

**Гоҳ узоқ юрсам сафар аввал пешонамни силаб,
Соғмисан ўғлим дебон йўлимдаги зорим онам.**

**Сўзлашурда битта сирдош ҳаммага даркор эмиш,
Сўзларим сир сақлагай соҳиби асрорим очам.**

**Гоҳида беморлигим кўрганда парвонам бўлиб,
Жонима жонин нисор этмоққа тайёрим онам.**

**Шокиро, куйла онанг хонишларингни авжида,
Дилда ёлғиз матлабим, тилларда алёrim онам.**

ҮТДИНГ СИНОВЛАРДАН

Пўлатдек тобланибсан ўтиб доим синовлардан,
Баҳорги дўлу селлардан яна ёзги оловлардан.

Бўларму ҳосилим мўл деб, уриндинг, шубҳасиз, шаксиз,
Машаққатни писанд этмай ўтольдинг барча ғовлардан.

Табиат айлади инжиқлигу турли ғализликлар,
Вале событлигинг устун келар барча асовлардан.

Ёнар қор дейдилар донолар агарда қаловин топсанг,
Шунинг-чун ҳосил ундиридинг топиб турли қаловлардан.

Эгатнинг бошида тушлик нонуштанг ҳам ўшандайдур,
Суриб қўйдинг ҳаловатни кечиб ёғли паловлардан.

Тифизлик долзарб пайти, дақиқа ҳатто қийматдур,
Ошир суръатни истак шултутуб маҳкам жиловлардан.

Умидим барчадан, Шокир, қарию, ёшу, ҳаттоки,
Ўзини бахтидан масрур янги келин-куёвлардан.

* * *

Паст адир қор сақлай олмас қанча қор ёққан билан,
Нобакор туз оқлай олмас кўп кулиб боққан билан.

Истеъмол айлаб таоминг ошинг оғулаб кетар,
Чун илон чаққай кишини сут бериб боққан билан

Гарчи у эгри қадамдур, тарки одатлик маҳол,
Дейдилар қон бирла кирган чиққай албат жон билан.

Ҳар муғомбир мавжларидан дилга хушлик излама,
Ибрат ол денгиз суви шўр бетиним оққан билан.

Бемеҳр тунду совуқдан ҳеч илиқлик кутмагил,
Қалби муз бўлса эрурму қанча ўт ёққан билан.

Сангидил нокас кишидан яхшилик кутмоқ абас,
Тошда ҳеч гул унмаган-ку, кун ёғин ёққан билан.

Ориятлиларни, Шокир, қийматини тогча бил,
Измини тутган булут ҳам ўт чақин чаққан билан.

МУҚИМИЙНИНГ АЙТГАНЛАРИ

**Сенга ҳеч андалиб ҳожат эмас зоғу зағон яхши,
Равоқу кўшки айвондан алаф ичра макон яхши.**

**Қурумдан ҳам қаро кўнглунг туташ холингни кўрганда,
Ўзи садпора сийнамга қадаб турса тикон яхши.**

**Дам урма тунги шаппардек қаю манзилда изғирсан,
Мисоли чўғздек вайронада сақлашга жон яхши.**

**Тилингни заҳри заққумин эшитганда агар минг бор,
Ниш урса зам уза замлаб чақиб турса чаён яхши.**

**Ушал эгнингдаги кимхоб билан нафсингга қулдирсан,
Мен эрса ҳақ йўлида шоҳ кияй жулдуру чопон яхши.**

**Қазолар суҳбатида дил кушоликни тилар таъбинг,
Анга маъзур дедим ҳайвонга ҳалводан самон яхши.**

**Кезиб фосиқ билан аҳлу илмни кўзга илмайсан,
Менга бир камбағал деҳқон сенга бою баён яхши,**

**Сенинг бирла чаман ичра маломат тўла суҳбатдан,
Хўтан оҳусидек сакраб юрай дашту явон яхши**

**«Муқимий, таънаи Мухйига бир сўз айтки, рост ўлсун,
Келар охир сени ҳам йўқлағудек бир замон яхши».**

ЯХШИ КИШИ

Яхши киши дилида кўп орзую ҳаваслар,
Орзу ҳавас кўзига туширманг хору хаслар.

Рост сўзласанг гапингни тасдиқлагувчи кўпdir,
Аммо ёлғончи сўзин исботламоққа ростлар.

Мағзоба таъми келгай чайналса гап узоқроқ,
Оғзин очиб қолурлар кир чайқагувчи тослар.

Бепарда сўзни умри чақмоқни шуъласича,
Ношуд гапин шунинг-чун, қонун каби асослар.

Душман кулиб гапирса, пинҳон эрур хусумат,
Ранги қаро пишармиш оқ гуллаган чарослар.

ШаккоЯиларни феъли мисли тубан ҳашорат,
Қай турли ранг кўринса тезроқ ўзини мослар.

Кўплар ичидагап кўп, Шокир, озроқ гапиргин,
Дур қадрини баҳосин англар гавҳаршунослар.



Гар сўқилса чоки дўстлик сўнг узилгони ажаб,
Фишти хом бўлган иморатдай бузулгони ажаб.

Гоҳи қисмат, гоҳи бўхтон тушса инсон бошига,
Дўсти нодонларни душман бирла кулгони ажаб.

Жонини қўйгай гаровга нуктадонлар, доимо,
Акли ростларни сўзи синмай эгилгони ажаб.

Қанча ноз этди сабога ғунча ойлар тебраниб,
Оғзини очган заҳоти юммай тўкилгони ажаб.

Панжасин урганда оташ қовжираб ҳар бир чаман,
Қимтиниб бошин эгиб гулларни сўлгони ажаб.

Шекиро, тақдир ишини корига наззора қил,
Ким туғулғон бирла инсон бир кун ўлгони ажаб.

ХУШНАВО БҮЛСА

**Құшиқ қалбимга үрнашсın бариси хушнаво бўлса,
Қуёш меҳрини тўккандай заминга хушҳаво бўлса.**

**Чаманнинг боғидан хозиқ юбормиш даста гул менга,
Чаманга айланур қомат бари гулгун қабо бўлса.**

**Нафас бобида ҳикмат кўп, ишингизга билимдонсиз,
Яна девори мустаҳкам бўлур дилда вафо бўлса.**

**Мажақланган каби эрди танимда устихоним ҳам,
Келур ўз ҳолига албат, Сизнингдек мўмиё бўлса.**

**Тилак дарёларин мавжи тўлиб оқса каноридин,
Сузар заврақчалар ундан дилингда муддао бўлса.**

**Табиат ҳам яратғанмиш жаҳонни корини бир кам,
Кечиргайлар агар сўзда тариқларча хато бўлса.**

**Муродингга етиб, Шокир, чаманзор ичра маъво қил,
Эгилмас қоматинг унда яқинлар муттако бўлса.**

СИЗДАН ЎРГАНДИ

(Нодирабегимга)

Санамлар аҳду паймон айламакни Сиздан ўрганди
Ва ошиқни фаровон айламакни Сиздан ўрганди.
Муҳаббат йўлида содиқ бўлишни ҳам фидоликни,
Халойиққа намоён айламакни Сиздан ўрганди.
Қаро шаҳлолари мафтун этувчи тоғда оҳулар,
Иков кўзини фаттон айламакни Сиздан ўрганди.
Садоқатда ўзин лойиқлигин исбот этарман деб,
Кўзин йўлга нигорон айламакни Сиздан ўрганди.
Аду Форотгаридан сақлабон мулки муҳаббатни,
Ўзин ёлғиз нигоҳбон айламакни Сиздан ўрганди,
Ўзун тунлар азобин тортибон узлатда қолганга,
Очиб ҳуснин чароғон айламакни Сиздан ўрганди.
Езарда руҳингиз бўлмоқдадур Шокирни устози,
Ғазални элга шоён айламакни Сиздан ўрганди.

БИЛИНГ

Ҳар қачон донони сиз фикри, зиёсидан билинг,
Үлтириб турганда ул таъзим бажосидан билинг.

Аҳли манийлар ичинда бўлсангиз суҳбат аро,
Яхшиларни доимо шарму ҳаёсидан билинг.

Дўст билан душманни ажратмоқ учун фикр этсангиз,
Кўча-кўйда бесалом кибру ҳавосидан билинг.

Сўзлашурлар баъзилар вақтинча мол-дунё учун,
Аҳди ёлғон ошноларни риёсидан билинг.

Баъзилар дунё эмас жонингга боғлар жон дилин,
Жон дилидан ошнони чин вафосидан билинг.

Истасангиз сиз агар Шокирни қалби поклигин,
Беорзу, беғараз дўстлик ризосидан билинг.

БҮЛМАСУН

**Айтинг-айтинг яхшиларни дарди пинҳон бўлмасин,
Дардини ошкора айтсин бағри гирён бўлмасун.**

**Яхшига гул тутса ҳар ким бетикон озорисиз,
Файрилар сайри гулистон этса бўстон бўлмасун.**

**Яхшилик жонлар озуғин корига наззорадур,
Хар ниҳол бўрон ичинда жисми гирён бўлмасун.**

**Яхшилик қилган кишининг дейдилар марднинг иши,
Сўз субути бирла бўлсин, ишда сарсон бўлмасун.**

**Яхшилар келган чаманга келмасин боди хазон,
Эсган ул беҳуда елдан сабза пайҳон бўлмасун.**

**Яхшига жонинг нисор эт кўрмасин фасли хазон,
Тирнама, кўнгул яросин тифи қурбон бўлмасун.**

**Яхшиликка, яхши, яхши, Шокиро, қўрслик ёмон,
Айтинг-айтингки, кишилар тунду нодон бўлмасун.**

ДҮСТ ҚАДРИ

Дүст қадрини баланд бил баҳоси қийматингдур,
Дўстлар билан мұяссар бўлғуси ҳурматингдур.

Дўстингни душман ичра кўрсанг шоширма ўзни,
Эгри девор йиқилгай бу айни ибратингдур.

Эсингда чанг бўрон ларzon урап ниҳоллар,
Ожизни қўлламоқлик мардларча ҳимматингдур.

Томчи сиёҳ, тиниқ сув, рангин қаро қилур у,
Тан этма яхшиликини у дўстга миннатингдур.

Юзланса сенга омад халқингга соя солмоқ,
Юртингга элга бўлган олий муҳаббатингдур.

Шокир қадрли дўстлар ҳаргиз сени унутмас,
Ел айламоқ аларни учмас мурувватингдур.

КИМИЁЛАР ҚЕЛДИЛАР

**Холу аҳволин сўрарга ошинолар келдилар,
Изларин айлай кўзимга тўтиёлар келдилар.**

**Ганжи дўстлик соҳиби-ю, ҳам мурувват соҳиби,
Ҳам валий неъматлигидан ағниёлар келдилар.**

**Қийматим синган сополдек бўлғуси бешак эди,
Энди тилломан эл ичра кимиёлар келдилар.**

**Ғам кўнгул мулкини торож айлай олмас ҳойнаҳоӣ,
Ёндошиб ёнимдаги ҳизбу ҳумолар келдилар.**

**Бахтиёрликдир мукаммал топса дўстлар меҳрини,
Толеим бошимга қўнгандек ҳумолар келдилар.**

**Солди кўнглумга ёруғлик меҳрибонлик аҳзари,
Оқибатлардан таралгувчи зиёлар келдилар.**

**Хасталикни сояси соғликка етказмас путур,
Бунда жоннинг малҳами Ибни Синолар келдилар.**

**Шокиро, дўстлик биносин пойдеворин пухта қил,
Чунки золвори буюк олий бинолар келдилар.**

МОЖАРОСИДЕК

Менимча ҳеч ёмон иш йўқ ёмоннинг можаросидек,
Ювилган бирла покланмас кигизларнинг қаросидек.

Кишилар бўлса бағритош, эриткил яхшилик бирла,
Шифо деб тошин бағридан олинган мумиёсидек.

Бошингга тушса не савдо қуарар ин ҳеч бузолмассан,
Дараҳтлар шохига инлар қурилган қуш уясидек.

Мулойимлик тиниқдур чашманинг оби зилолидек,
Дағаллик сел куни лойлар оқизган шаршаросидек.

Қора ниятли одамлар ўзини сидқидилман дер,
Узум оқ гуллаган бирла қаро пишган чаросидек.

Димоғдор ҳам сохта диллар эзилгай, Шокиро, албат,
Оёқлар остида қолган қамишлар бўриёсидек.

БҮЛДИМ

**Қафасда андалиблардек қолиб узлатда қон бўлдим,
Билолмасман на боисдур ғарибу нотавон бўлдим.**

**Азални хоҳишиданму қуёш нурига муҳтоҷман,
Кўнгуллар паҳтадек аммо қоронғу хонадон бўлдим.**

**Ҳамиша яхшилик айлай дедим ҳеч келмади қўлдан,
Бирорга фойданни кўзлаб ўзим ҳам шодумон бўлдим.**

**Ололмасман одамлар дардини ё тортишолмасман,
Фидолар айлайнин жоним додим лек хаста жон бўлдим.**

**Қаноат айласанг дерлар келиб фаслинг баҳор бўлгай,
Ўшал ниятдаман фикрим лек айёми хазон бўлдим.**

**Онам кўп эркалар эрди мисоли паҳлавонсан деб,
Көлиб бу вақти соатлар мажолсиз ногирон бўлдим.**

**На сир бордур қулай имкониятлардан дариғдурман,
Э воҳким, хайрият, Шокир, эл ичра нуктадон бўлдим.**

ДҮСТЛАР

Кўп замонлар изладим дардга давони, дўстлар,
Лекин олдим Сиздан ул малҳам шифони дўстлар.

Меҳрингиз ардоғида беҳад улуғландим яна,
Қўрмади олам сизнингдек кимиёни, дўстлар.

Кўкка боққанда мени ҳам кўнглум айлар орзу,
Термилиб қушлардаги касби ҳавони дўстлар.

Ҳажрида тун кечалар қон йиғламоқ бўлса ишим,
Қайдан олгайман бу кўзларга зиёни, дўстлар.

Ҳар кишини кўнглида бўлса азизлик истаги,
Олсин ул кўплаб улуғлардан дуони, дўстлар.

Экканин ўрмоқчи бўлса ҳосил унган чоғида,
Қадрига етсин ато бирла анони, дўстлар.

Шокиро, дўстларни васфин қийматини алқадим,
Назмида бўлса кечирсинглар хатони, дўстлар.

БУ ДИЛБАР КОИНОТДА

**Мен ҳам бир заррадурман бу дилбар коинотда,
Ижодим яшаш жойим шаҳримдур Қайқувотда.**

**Қўлда қалам забоним аввал Алини чорлар, -
Чунки ёрдамда руҳи ётса ҳамки Ҳиротда.**

**Оддий бир хона ичра ҳамиша ҳамнишинман,
Аммо жўш айлагай дил улуғвор ҳиссиётда.**

**Чиндан шоирни дарди оғир эмиш дегайлар,
Уни енгиб ўтарман матонату саботда.**

**Ёмғирдан сўнг самода кўрсам камонни яккаш,
Турлича товланурлар ранглар тўлиб довотда.**

**Узук Фарғонамизнинг ҳақиқ кўзи Қувамдир,
Шифо анорларининг таъми бордур новвотда.**

**Қайнар булоқлариdek шоирларида илҳом,
Ҳофизлари мукаммал «Гулёр» билан «Баётда».**

**Кенг елка, шер билакли тутганда тоғни янчар,
Девдай қомат мулойим деҳқонча зурриётда.**

**Ижод сандиқларининг жаранглари таралсин,
Мен туҳфалай элимга нелар бўлса бисотда.**

**Илҳом париси гоҳи кўкка ҳаволар айлар,
Шокир, парвоз этарман оддийгина қанотда.**

ПАРВОНАЛИК

Дил каби оппоқ либос эгнимдадур,
Фикр ила зикрим элим-халқымдадур.

Чун уларни соғлигига муттасил,
Мен учун даркор әрур бўлмоқ кафил.

Хилма-хил ўсган ўсимлик сиррини,
Қашфиётим зарб этар тақдирини.

Доруларда хосият луқмонча бор,
Ким агар нўш айласа қолмас ғубор.

Хилма-хил асбоби турли хил жиҳоз,
Айлагай бемор дилини сарафroz.

Қўзларимни гавҳари нур тарқатар,
Унга илмимни зиёси асқотар.

Қанча bemорлар мазоқин қандиман,
Чун Али Сино бобом фарзандиман.

Ҳеч касаллик жонга келтирмас малол,
Олдини олсан улуғ иш эҳтимол.

Қаллоримга нақш этилган янги ой,
Мисли бошимга қўниб турған ҳумой.

Истарам гул юзли гуллар сўлмаса,
Одамият ичра bemор бўлмаса.

Эл дедим, эл соғлигига ёнаман,
Ҳам улар атрофида парвонаман.

Эй Шокиро, барчага малҳам қидир,
Сен шифокорсан шифо йўлига кир.

МАСАЛ

Бошим олмоқчисан нега: сўрар қўл тифи шамширдан,
Кутултиришмоқ деди: тиф ҳам, сени бағринг тўла кирдан.

Деди тирноқ: жафокорим, сўзим бор, тинглагин аввал,
Кейин ҳозирла қаҳрингни узарсан бошими бирдан.

Кийинтиришмоқ, ювнитиришмоқ, неча иссиқ-совуқ бошда,
Наҳотки бехабардурсан ижобий қанча кўп сирдан.

Чириб бир чеккада қолган ва занг босган темир эрдинг,
Жило берган ўзимман-ку, чиқориб қайта таъмирдан.

Айб менда эмас ағёр ишини касб этиб кетдинг,
Нега Зуҳродан ажратдинг, суғурдинг жонни Тоҳирдан.

Бобом Мирзо Улугбекни танин бошдан жудо этдинг.
У йиғлаб кетди дунёдан, кўрибон рўзи тақдирдан.

Ажалнинг йўлинни доим, тутармишсан равонликда,
Кутулмоққа илож борму, сенингдек кўри-басирдан.

Чопиб ер сийнасини ниҳолга сув таратмоқда
Қара, ибрат кўзин очгил, сабоқ ол шунча ботирдан...

Дейилган барча дашномга қилич ҳеч дош беролмасдан,
Филофига йўл олганмиш, бу ўткир таънадан бирдан.

ДҮСТЛАРНИНГ ТАШРИФИ

**Бошим кўкларга етмасму бу ташрифи қадамлардан,
Азизу муҳтарам этган, азизу муҳтарамлардан.**

**Сипоҳи ғамли лашкарга қўлимда шодлик қалқони,
Ки хурсандлик менга ҳамдам йироқдурман стамлардан.**

**Бири асия пайровни етурди хўп қиёмига,
Дилим ойинасин равшан этиб лутфу карамлардан.**

**Биринн савти оҳанги чаманда сайраган қушдек,
Бу таърифга оғиз очсан қалам лолдур рақамлардан.**

**Учирган барча бу дўстлар қатори шами янглиғдур,
Қалиб хонам ёритдилар кечиб барча ҳашамлардан.**

**Биродарликни маъноси мусаффо чашма рамзибур,
Юварлар дил ғуборини нишон йўқ зарра ғамлардан.**

**Асил дўстликни мадҳига умурлар айлагум таъзим,
Асил дўстларни, эй Шокир, туширма ҳеч қаламлардан.**

РАҲНАМО ДҮСТЛАР

Мудом виждонига содиқ алифдек раҳнамо дўстлар,
Самога етса бошингиз бўлинг ибратнамо, дўстлар.

Умурлар хонадонини безатмоқ яхши зийнатдур,
Машаққат ғишидан дерман битар олий бино, дўстлар.

Вафо торини узмоқлик абасдур аҳли дўстларга,
Садоқат пешаликларга йўлуқмас ҳеч жафо, дўстлар.

Илм-фандан агар одам ўзига болу пар тутса,
Учиб кўк тоқидин очгай тилсими кимё дўстлар.

Изингизни ювар шабнам муборак сабзакорим деб,
Қадам етган ерингизда унар меҳригиё, дўстлар.

Сабо келтир хабарлар деб кўзим дийдори-зорингиз,
Этарман гарди покингиз кўзимга тўтиё дўстлар.

Синиқ кўнглим кўриб Сизни сиҳат топгусидир Шокир,
Ки лутф ила каломингиз танимга мўмиё дўстлар.

ИККИМИЗ

Сизни мен устоз дедим, бўлдик ғазалхон иккимиз,
Бир пари ташрифига лекин нигорон иккимиз.

Чувки бу пайкар кириб келганда илҳом хонаси,
Машқимиз бирла уни этдик чароғон иккимиз.

Ушбу йўл аruz дебон бармоқ учун қўрсатдингиэ,
Бетиним меҳнат билан бўлдик фаровон иккимиз.

Гоҳ санам, гоҳи Ватан тафсифида сурсак қалам,
Бор тафаккур борича этдик намоён иккимиз.

Семургни шашти бор кўкларда парвоз этсангиэ,
Ёнингизда қушчаман, сайр этсак осмон иккимиз.

Гоҳ чаман меросига андеша этдик киргали,
Ҳаддимиз борму дебон кезмоққа бўстон иккимиз.

Сизни Охунжон дегайлар лек Ҳакимийлар адаш,
Бу тасодифга ҳануз бўлгаймиз ҳайрон иккимиз.

Сизни улкан қоя деб, унга мен қад ростласам,
Дедингиж устоз бўлиб дўстимиз Шокирхон иккимиз.

ҚҰРГАНМІСІЗ

Чустийга назира

Ишқингизга мен каби ҳеч мұбтало күрганмісіз?
Хамда холис ниятидан муддао күрганмісіз?

Ҳеч илинмай кипригим түнларни бедор үтказиб,
Икki күзим мардуми ранги хино күрганмісіз?

Бу юракни битта зарбидан наволари қўзғалур,
Гоҳи танбур, гоҳ дутору, гоҳ сато күрганмісіз?

Мен азиз бошимни ташлай бу оёқлар остига,
Хокисорликда мисоли бўриё күрганмісіз?

Учманғиз асло ҳаволаб бевафолар сўзига,
Сув билан чўғдан мабодо ошино күрганмісіз?

Сиз қалам олганда қўлга мисралар хўп муҳтасар,
Шоири устоз дебон Зебинисо күрганмісіз?

Ҳеч ўзингизни яширманг Шокирингиз олдида,
Кеч қуёш ботгач фалакни зим-зиё күрганмісіз?

САҚЛАБ ЮРАР

Ким ёмон бўлса агар қўйнида тош сақлаб юрар,
Ҳам заҳарли косаларда нону ош сақлаб юрар.

Ғусса чангин кўрса қаро дер кўнглини,
Англамаским бағрида балки қуёш сақлаб юрар.

Қайрагай қайроқ билан яхши-ёмонни бирма-бир,
Билмагайким бу сабилни сартарош сақлаб юрар.

Ҳеч қуруқ сўзлашмагай кирса бирорлар олдига,
Икки юзин ҳўлламоққа кўзда ёш сақлаб юрар.

Кўрганингда ёй каби таъзим бажолар айлагай,
Бир амаллаб қимтиниб ёнингда бош сақлаб юрар.

Кимга булбулдек наволар кимга сордек ташланар.
Наъра тортар гоҳи шердек, гоҳ ювош сақлаб юрар.

Устомонликдир шиоири сал қоқинганда оёқ,
Кўзини катта очиб киприқда мош сақлаб юрар.

Шокиро, кимлар ёмон бўлса қаламни найза қил,
Ушбу ҳаққоний ишингни кекса-ёш сақлаб юрар.

ҚУЛИБ

Ҳар куни ҳулкардан олдин уйғонар дәхқон кулиб,
Тонг-сағар кўкда қуёшдан ярқирап осмон кулиб.

Ҳар чаноқни кафти узра кўрса олтин толани,
Талпиниб илҳоми тошгай тан ичидаги жон кулиб,

Субҳидам ўйноқи елдан гўзалар ларзон урага,
Кўксини очгай жавоҳирларга кенг майдон кулиб.

Ул бободеҳқон қанотидур бу қудратли кема,
Бункеридан зар тўкилса яшнагай хирмон кулиб.

¶

Пахтамиз шонли Ватанини кўркию — эл бойлиги,
Жилва берғай кўзларимга жавҳали ғалтои кулиб.

Шокиро, ёз бу оқ олтинни туганмас мадҳини,
Аҳли маънийлар ўқиб хурсанд бўлур виждан кулиб.

ҚУРИНМА

Тили дилга номувофиқ инсон бўлиб кўринма,
Баҳони элдан ол, пок виждон бўлиб кўринма.

Аждар эмас сулоланг заҳарлама кишини,
Аввалда оғулаб сўнг бийрон бўлиб кўринма.

Ҳар бастали сўзингдан заҳм айлабон бу дилни,
Инсон кўзига ҳозиқ луқмон бўлиб кўринма.

Андишли кишига бир қатра шафқатинг йўқ,
Ғуломи камтарину уммон бўлиб кўринма.

Авж олмагай ниҳоллар тузли заминда ҳаргиз,
Эккан билан кўкармас бўстон бўлиб кўринма.

Замона аҳли шаккар-ширин сўзингга борман,
Тув эулмати каби сен зиндан бўлиб кўринма.

Ҳамкору ҳам бекорга оғзингни очма, Шокир,
Гапингни ошкор айт, пинҳон бўлиб кўринма.

ФУРБАТДА ҚОЛДИРДИНГ

(Афғонистондаги йигитларга)

Йигитлик бурчимиз деб кетдингу ғурбатда қолдирдинг,
Лабимни тишлаганча лолману ҳайратда қолдирдинг.

Келар деб кутганим бардошларим рўёбга айланди,
Фироқинг бағримни ўртар мени кулфатда қолдирдинг.

Борарман соғ-омон бир кун кутинглар деб ёзар эдинг,
Бу сўзларни фақат биз юборган хатда қолдирдинг.

Ўлимга тикка ташландинг фидолар айлабон жонинг,
Фидоликни буюк авлод учун ибратда қолдирдинг.

Қўрай қадду камолинг деб сени расмингга боқай ман,
Ҳаётинг лаҳзасин бизлар учун суратда қолдирдинг.

Сени қайтар дебон Шокир, умидсизликка тушмасмав,
Жигаргўшам ширин жонинг қаю хилқатда қолдирдинг.

ЙИГЛАЙМАН

Одамга йигласа одам менам инсонга йиглайман,
Кўзи бевақт юмилганда узилган жонга йиглайман.

Умид бирлан болам деб вояга етказсаю, э воҳ,
Атонинг қадрини ҳеч билмаган ўғлонга йиглайман.

Бобом Мирзо Улуғбекни қиличда кесдилар бошин,
Сабабсиздан-сабабсиз бу тўкилган қонга йиглайман.

Бу ён илму нужум бўлса, бу ён фарзанди ноқобил,
Аро йўлда қолиб кетган ўша сарсонга йиглайман.

Узи бир келдию ер устида меҳмон каби кетди,
Муроду мақсадига етмаган меҳмонга йиглайман.

Ато қонини тўқмоқлик басирликдан нишонадур,
Гуноҳ бирлан савобини билмаган нодонга йиглайман.

Бобом қабрини устида тинимсиз ёш тўкиб Шокир,
Гоҳи ерга қараб йиглаб, гоҳи осмонга йиглайман.

БҮЛМАГАЙ

Ойни ўн беши ёруғдир ҳаммаси тун бўлмагай,
Лекин инсонлар жаҳон мулкига устун бўлмагай.

Ўз тилига ҳар киши сўзлашда маҳкам бўлмаса,
Умрилар ўткай vale маъною мазмун бўлмагай.

Кафтида оддий бошоқни ҳафталаб эзганда ҳам,
Қўл қабаргай, сув олиб нон ёпгали ун бўлмагай.

Ким вафою ваъдасида устивор турса агар,
Икки кўзи оби-дарёликда Жайҳун бўлмагай.

Эътиборсизлик билан этсак ниҳолни парвариш,
Улғайиб ўсганда ҳам бир хилда дуркун бўлмагай.

Ёки дарёда оқиб ё юрса Арман тоғида,
Барчаси Лайло учун аслида Мажнун бўлмагай.

Сўзлашувда барчага ширин гапирсанг Шокиро,
Умрилар болдек ўтар, бағринг тўла хун бўлмагай.

ҚАНДУ НАБОТИНГДАН

Тасаддуқ, жоним айлансин муҳаббат номли отингдан,
Тутай мақсад сари парвоз этарда қўш қанотингдан.

Мени ҳар лутфи эҳсонинг очар мақсадларимдан сўз,
Фалакка етгудек бошим мулойим илтифотингдан.

Нечун оҳим самога етдию сенга етишмайдур,
Ўзим бахт юлдузини ахтарарман коинотингдан.

Парирўлар тушимга кирсалар сендан сўрайдурман,
Бирор хуршиди тобон бормикин, ахтар бисотингдан.

Севишганларни ҳар соат соларсан турфа ҳолатга,
Ўзинг ҳам лол қоларсан гоҳ ўзингни кашфиётингдан.

Қима иқбол қушини сояси тушганда бошига,
Ҳамиша баҳраманд бўлгусидир қанду ноботингдан.

ҚҮРИНГАЙСАН

Жамолинг тұлған ойлардек, самоларда күрингайсан,
Юлдузларни базмидა ҳам наволарда күрингайсан.

Сени ҳұснингни офтоб деб, такаллум этдилар аммо,
Офтобдан тарқалиб турған зиёларда күрингайсан.

Қаддингни сарвидек дерлар, бүйнингни садарайқону,
Либосинг товланиб гулгун қаболарда күрингайсан.

Эшилиб кокилинг гар эссалар мушки сахарларда,
Димогим чоғ этиб субхисаболарда күрингайсан.

Құзимни очсам, олдымда сени аксинг намоёндир,
Унинг гавәрлари ичра қароларда күрингайсан.

Юзингни тұсма, тирноғинг ақиқи ёндирап лов-лов,
Лабингни лаълимұ ранги хиноларда, күрингайсан.

Нигоҳинг тушса Шокирни күриб дарди чекингайдир,
Табобат илми мүъжиза Синоларда күрингайсан.

МУБТАЛОСИМАН

Қаро шаҳлоларин икки қаросини қаросиман,

Бўлибман бу қаролар мубталосин мубталосиман.

Санамнинг кўзи қоши ким дилига можаро солса,
Уларнинг бир-бирининг можаросин можаросиман.

Қаю дилга тушар севги келиб менга суюнсинлар,
Суюнса қоматининг муттакосин муттакосиман.

Агар иқбол қуши қўнса бошимга ғоз кўтаргайман,
Ва бўлгайман бу баҳтилар ҳумосини ҳумосиман.

Агарда яхши ниятдан кўнгилда бўлса боқийлик,
Ҳамиша қалби поклар муддаосин муддаосимэн.

Чаман булбулларин хонишларига ғунчалар оғзин,
Очарда бағрининг чокин яқосининг яқосиман.

Мени Фарҳоду Мажнунлар ва Тоҳирлар туғушқоним,
Акам деб айтса Шокирни акосини акосиман.

АВВАЛО

Дейдилар гуллар ниҳол япроқламасдан, аввало,
Ул самар тугмас сабо ардоқламасдан аввало.

Лабларинг кулсун, табассумга очилсин ғунчадек,
Хордигин топмас танинг хуш вақтланмасдан аввало.

Ҳар ёмон инсон кўнгилни ранжитиб, дил оғритар,
Чун кучук ҳургай кишини фарқламасдан аввало.

Ким она тупроқ учун садпора этмас жонини,
Бўлмагай инсон улар туз оқламасдан аввало.

Сен алп янглиғ мухандисликка чеккил режани,
Ҳеч кими тушмас кураш бел боғламасдан аввало.

Гапни, Шокир, яхши ўйлаб сўзласанг кесгир чиқар,
Тутмагай наштарин жарроҳ чархламасдан аввало.

ЁЗГИЛ

Кел, эй, шоир, санамни боғ аро рафторини ёзгил,
Ва ё минг ваъдада бир кўрсатар дийдорини ёзгил.

Унинг ҳажрида оқшомдин ёришгунча саҳар чоги,
Оғир дардли кишидек тўлғаниб bemорини ёзгил.

Ажаб нозу адo бирла неларни уқтириб кетди,
Сабо янглиғ шивирлаб сўзлаган асрорини ёзгил.

Сатрга ҳар сўзингни шодасин маржон каби терган,
Муҳаббат муҳридек бўйнидаги туморини ёзгил.

Хиноли қўлларини кўк сари бир бор кўтарганда,
Шафақни қирмизи этган яловбардорини ёзгил.

Кўзини сеҳридан бошдан-оёқ ҳайкал бўлиб қолдим,
Мусаввир килкидай санъатдаги меъморни ёзгил.

Қуруқ ҳою ҳавас пинжидаги одамларингни қўй,
Ўмрбод қалбида Шокир каби хушторини ёзгил.

ЯНГИ-ЯНГИ

**Бу кўҳнаи заминнинг жаҳони янги-янги,
Ҳаттоқи сўзлашурда забони янги-янги.**

**Халқим тўкинлигидан олий бинога рағбат,
Кўшку равоқларию айвони янги-янги.**

**Иффатда бўлса мағрур, аммо меҳрга чанқоқ,
Маъшуқаларни лутфу эҳсони янги-янги.**

**Аввал уриб юракдан сўнг айлагай тамошо,
Ўқ-ёйи бирла киприк синони янги-янги.**

**Ошиқда деб мабодо гул дасталашга кирсанг,
Қўлга ботувчи ўткир тикони янги-янги.**

**Ошиқ лабида ханда маҳкам сўзида тургай,
Буйруқ беришда қатъий фармони янги-янги.**

**Дўстим ғазални мутлақ янги усулда ёзгин,
Шокирни ҳам бугундан баёни янги-янги.**

НА КЕРАК

Қайф этар ҳар бир шириң сўз бодали жом на керак,
Гар тилак субҳи азалдур тун қаро шом на керак.

Бир табассумли боқишдан ёр юзи нурлангуси,
Нур чиланган ҳар кишига совға инъом на керак.

Воажаб, ранжу инолар ҳушлигинг банд айласа,
Банди-банд этгай ўзини куйгали дом на керак.

Ҳар чаён феълли кишилар сўзларини оғу билинг,
Элни ҳукмига ҳавола, анга аҳком на керак.

Бор масал ҳар бир ҳақиқат минг ҳасад кўзин тешар,
Одилона ҳар каломга таъна-дашном на керак.

Шекиро, шириң сўзингдан сўзи шириң номин ол,
Қўй уни, даркор эмас, деб айтса бу ном на керак.

БАРОБАР

Ишқ дардига азизим шоҳу гадо баробар,
Айтинглар иккисига ҳамду сано баробар.

Муҳаббатни жарангиданар бўлакча,
Биллур билан сопол ҳеч бермас наво баробар.

Ҳаёт чаманларининг ниҳоли яхши ўсиб,
Ким парваришда бўлса меҳру вафо баробар.

Қай хонадонга тушса туҳматни тоши доғдир,
Бу доғдан барчаси ҳам бўлгай қаро баробар,

Хурсандчиликни ўрнин фифонига бермадингизлар,
Яхши билан ёмондан чиқмас садо баробар.

Булбулдан бошқасига йўқмиш чаманин қадри,
Гулми ва ё алафми ёки раъно баробар.

Муҳаббат тегса кимга бир унга икки олам,
Сўқирга қаро тун ҳам нури зиё баробар.

Бу кичкина юракда ишқ ўти ёнса. Шокир,
Кўринмас кўзларингга оқи қаро баробар.

АЙЛАДИНГ

Ҳажрида тўлган асабни чертгали соз айладинг,
Не учун махфий сиримни кўпга овоз айладинг.

Ваъда айлаб доимо сенга қилурман деб вафо,
Турмадингда аммо тилда сен роз айладинг.

Дардимга дармон қилурга доимо тайёр эдинг,
Энди кимга қолдириб кимларга ҳамроуз айладинг.

Қайсики кетган кунингдан чекканим афғон мени,
Етмагайму бунча оҳим, ҳажр ўтиң боз айладинг.

Ёри-садиқларинг кўрсанг юз ўғиргайсан ,ажаб,
Менга тунду ўзгага «гулёр», «чапандоз» айладинг.

Файриларга мўл бериб меҳру муҳаббатдан нишон,
Шокирингни тарк этиб, меҳрингни ҳам оз айладинг.

ЭТМА

Келу ҳолимни сўр, жонон, кетиб жисмимни дол **этма**,
Юзингни кўзларим кўрсин бу умримга завол этма.

Мени ғурбат аро маҳзун дилимни овлагин келсанг,
Муҳаббатдан сўз очсанг, бас, басе ўзга савол этма.

Келарму деганим, кутганларим бағримни қон қилди,
Хазонлар этмаю, ранжитмаю, элга малол этма.

Адаштирма, мени чўктирганил, тўфонда қолдирма,
Сузарман бехато завроқчаман дарёга сол этма.

Қулоғим ҳуққаси лафзинг жарангига салосилдир,
Ки қимматман, топилмасман, бу нархимни сопол этма.

Лабимга хандалар инди сени меҳри булоғингдан.
Зулолинг комирониман дили турфа хаёл этма.

Ғуломи камтарингдир, кел эй, соҳибаю даврон
Қўнгул нозиклигин англа, бу Шокирни малол этма.

БОҒ АРО

**Мисли булбул боғ аро иzlайди дил маъвосини,
Учратиб қолсам дебон гуллар аро Раъносини.**

**Ғунчанинг васфида хониш айлагайман тонггача,
Насиб этарму бизга кўрмоқ барг ёзиш асносини.**

**Қўл узатсам нишлари айлар ҳужумни беадад,
Енгаман бардош билан минглаб тикон яъмосини.**

**Толиби-дийдорини иэҳорига очсан кўнгул,
Бир қараб бағримга отди киприги олмосини.**

**Мен қуварман ул кетар етмоққа ҳеч етмас кўзим,
Майли, менга айлагайдур нозу истиғносини.**

**Ташлар эрдим матлабинг не деб агар сўрса санам,
Нуқтадек хол бўлмоқ истаб икки қош ўртосини.**

**Шокир, ишқим билдиурга пора этгум кўксими,
Гул яқосин чок этармиш синдириб тугмосини.**

ҚҰПАЙСА

Келса санамим бөғима рафтори күпайса,
Шарҳу дилини айтгали асрори күпайса.

Кұксига босиб байти Навоий била келсин,
То тонгача тинглай уни ашъори күпайса.

Күзларга күзим киприги саркор бўла олсин,
Үйқуни қувиш бобида ҳушёри күпайса.

Оlamча баҳо айласа савдойи жаҳонман,
Нақ илгода жон тутса харидори күпайса.

Ишқида дилим зориу муштоқи ўзимман,
Этмайди назар васлини деб зори күпайса.

Шокирни вафо боғига боғбон этингизлар,
Боқмайди қиё йўлида хуштори күпайса.

ЁД АЙЛАСАМ

**Ҳар нафас номинг дилимда доимо ёд айласам,
Келсалар дил овлагай деб кўнглуми шод айласам.**

**Шаҳру бўстонлар аро ҳам топмадим излаб сени,
Тоғу тошлар кунжида ҳам изни Фарҳод айласам.**

**Мен сени васлинг таманносидаман, билгил мудом,
Лек қиё боқмайсан аммо қанча фарёд айласам.**

**Кетмагай дилдан ғуборим, бермаса васлинг зиё,
Матлабим сенга етиш деб, кимга ҳам дод айласам.**

**Илтифот этгил, дилоро, қадди сарвинг кўрсатиб,
Ҳам дегил Шокирни энди ғамдан озод айласам.**

КҮРИБ

Лолазор қирмизланур гулгун узорингни кўриб,
Оҳулар ҳайрондадур чашми хуморингни кўриб.

Донаи ҳолингни дом айлаб дилимга ташладинг,
Сайд эли ҳайратланур этган шикорингни кўриб.

Кўрк этиб жами ниҳол кўркам либосга бурканур,
Шоҳига маржон бўлар илк навбаҳорингни кўриб.

Боғ аро куй санъатин ҳаддини орттиromoқ учун,
Ўрганур булбул наво чалган дуторингни кўриб.

Ишқ эли ошиқларининг кўрсалар масрури шод,
Фахр этарлар ҳар нафас оламда борингни кўриб.

Бир юракка битта дилни жойладинг дурдонадек,
Ошиқ аҳли лол қолур қатъий қарорингни кўриб.

Ҳафталар, йиллар ўтиб кутмоқда Шокир интизор,
Ол хабар йўлингдаги васлингга зорингни кўриб.

ЯРАШМИШ

Кирди тушимга дилбар ҳуснига хол ярашмиш,
Такаллумида шаккар лабларда бол ярашмиш.

Ўсма чўпида ранглар зангориликка мойил,
Кўк тоқига ҳукмрон янги ҳилол ярашмиш.

Киймиш бошига чамбар серғунчадур бутоқлар,
Айлаб дарак баҳордан нозикниҳол ярашмиш.

Бир бор нигоҳларидан икки кўзим қамашди,
Оlamга нур улашган офтоб жамол ярашмиш.

Ўздан кетиш одамга ҳайроналик сабабдур,
Бебода кайфиятлар этганда лол ярашмиш.

Ўнгимда кўрганимни тушларга таъбир этдим,
Тотли ҳаётда, Шокир, жуфти ҳалол ярашмиш.

ИШҚИНГДА НОЛА АЙЛАБ

Икки кўзим тўкар ёш ашкимни жола айлаб,
Бир келмасанг қошимга яноғинг лола айлаб.

Айт боисин. азизим, сендан жавоб кутарман,
Назарга илмадингму мени ёш бола айлаб?

Муруватимни сенга ҳадди-ҳисоби йўқдур,
Меҳрим тутай қўлингга ёқут пиёла айлаб.

Келганларингни кўрсам дилларда қолмас армон,
Пайваста қошларингни янги ҳилола айлаб.

Ул кунги ваъдаларни вафосини кутарман,
Е ошиғинг қолурму ишқингда нола айлаб.

Гап очганимда менга диққат билан қулоқ сол,
Сўзлай муҳаббатимни сенга ҳавола айлаб.

Муҳлатга ташламасдан айт ваъдани мукаммал,
Шокирни йўлларингда қолдирма вола айлаб.

КЕЛМАСМИКИН

Кел десам, келгаймикин ё ноз этиб келмасмикин,
Истасам ундан бугун коми висол келмасмикин?!

Сўз очиб қолсам мабодо иштиёқимдан агар,
Мен сейи севдим десам хуш ё малол келмасмикин?!

Қанд этар эрди мазоким ташрифидан, шубҳасиз,
Лабларида шаккару оғзида бол келмасмикин?!

Келмоғим равшан деди чин сўзин айлаб муҳтасар,
Ўртамиизда ваъдани айлаб увол келмасмикин?!

Ишқида bemорлигим айтсам қулоғига секин,
Сўзларим ошуфтаҳол шаҳдам хаёл келмасмикин?!

Тарк этар бўлди хаёлим қушлари ўз кулбасин,
Дона янглиғ ром этиб ҳуснида хол келмасмикин?!

Интизорлик ҳаддан ортса дол этар деб қўрқаман,
Шокиро, вақти келиб кўргай мажол келмасмикин?!

ФАЛАК МУЛҚИНИ ЗУҲРОСИ

Табассумли нигоҳ этгач фалак мулкини Зуҳроси,
Ўшал кун тушди бошимга жаҳон ишқини савдоси.

Тополмасдан кезиб овораю сарсон бўлибдурман,
Йўлида хокисорликдан унинг йўқ зарра парвоси.

Кўзимдан сурати кетмас, таажжублар хаёлимда,
Қаю хуш соат эрканким ўшал фурсатни асноси.

Овозин шўх тараннуми саболарнинг қанотида.
Қулоғимга чалинмоқда қўшиқлар бирла яллоси.

Унинг хуш хулқини билмас ўзимдан ўзга одамлар,
Ва ҳатто бергуси лаззат виқор бирла таманноси.

Яна бир бор кўриб қолсам жамолига кўзим тушса,
Ўшал дамда ёришгайдур ҳажр шомини ялдоси.

Ялинмоқ этмаса таъсир ўзим ташлай оёғига,
Ажабмас юшшатар кўнглини Ҳакимийни таваллоси.

ҚҮНГҮЛ МУЛҚИ

Құнгүл мулкини айлабсан мусаххар,
Ишончингга бўлолмас, бас мұяссар.

Қиё боқмоқларинг душвору аммо,
Қаро шомим жамолингдин мұнаввар.

Меҳр даресида дурри самининг,
Унар тамкин била дурдона гавҳар.

Узолмасман нигоҳимни фалакдан,
Дилим осмонида сен мисли ҳулкар.

Сариқ юзим йўлингга термилишдан,
Ранг олди боғ аро гул баргсафсар.

Тилак мавжи икки лаълинг саридир,
Учармиш ари ҳам топмоққа шаккар.

Даво айлар жами беморни чашминг,
Ва аммо икки қошинг тифи ханжар.

Езай десам сенга шарҳу баёним,
Чидолмай оҳима ёнмоқда дафтар.

Кулиб кўрсатмагил чоҳи закани,
Қутламоқ қасдида лабларни ул жар.

Хабар олмоқ учун Шокир хаёли,
Қанотлангай ажаб мисли кабутар.

САНАМ СИЗНИ

**Ёнарман ишқингизда дилбари зебо санам сизни,
Малоҳат бобида олий яратмиш бунча ҳам сизни.**

**Табассум чогида оппоқ кўринган тишларингиздай,
Билиб ниятларингизни кутар собит қадам сизни.**

**Муборакбод учун дилга муборак номингиз олсан,
Унинг иншосини нурдек ёзар қўлда қалам сизни.**

**Қўярман ҳурматингизни азиз бошимни устига,
Билурман баҳт қушидан ҳам азизу муҳтарам сизни.**

**Ҳукмрон дилдаги ният етаклар баҳтиёрикка,
Доим сўзимни қайтармас билиб соҳибкарам сизни.**

**Юриб саллона келсангиз кутар Шокир каби муштоқ,
Гўзал Фарғонамиз кўрки анорзорли Қувам сизни.**

ДЕРЛАР

Юзинг анворини кўрган бу хуршиди жаҳон дерлар,
Қошинг шамширин шаксиз бу тийғи Исфихон дерлар.

Сочингни ўхшатиб тунга, лабинг рангин хиноларга,
Жамолинг шуъласи таҳсин этиб вақти аzon дерлар.

Сени тўти такаллуминг эшитган чоғида ҳар ким,
Шакарму оғзида болму, нечук шириизабон дерлар.

Юриб саллона-саллона товуслардек хиром этсанг,
Сени ўтганда кўрганлар этармиз садқа жон дерлар.

Бирор раъно дегай қаддинг, бирор шамшодга ўхшатгай,
Ва лекин асли боғбонлар ниҳоли арғувон дерлар.

Мени гулзорларим ичра магар қутлуғ қадам қўйсанг,
Қарам айлаб сени кирган чаман сори равон дерлар.

Фаромуш айламай бир кун Шокирим дер кириб келсанг,
Ўшанда оғарин айтиб ҳама юрсин омон дерлар.

ДИЛДАГИ ӨРЗУ

Даврим гўзалларининг кўзин қароғи бўлсам,
Зарҳал китоб юзидаӣ гулгун ёноғи бўлсам.

Лаб очса сўзлашурга, бол томса лабларидан,
Илк бўсалар гувоҳи — ошиқ дудоғи бўлсам.

Маъшуқалар қўлида гулдасталарни кўрсам,
Тонг шабнами каби мен баҳтии чироғи бўлсам.

Қўл ушлашиб гўзаллар юрган моҳирона,
Босганда ҳар қадамин изларда доғи бўлсам.

Моҳирӯй ором олса сарвимнинг соясида,
Ҳар тинглагандা розин кўнглини чоғи бўлсин.

Дилларда матлабини Шокир қилурга изҳор,
Ул гўзал санам ёрнинг қошу қабоғи бўлсам.

ЕТАЙ ДЕБ

Бахтим қидирай дилдаги армонга етай деб,
Киприклари қуш, юзлари ширмонга етай деб.

Тўзонда таним қолмаса топдим деганимда,
Йўлдан адашиб той каби карвонга етай деб.

Ғамзанг юкини фил каби мен ғоз қўтарибман,
Шоядки ўзинг изласанг филбонга етай деб.

Тан этма агар кўк сари кўп айласам парвоз,
Анқо қушини туткали осмонга етай деб.

Қоп-қора пишар гарчи чарос гулласа оппоқ,
Оппоқ юзингга термулай мужгонга етай деб.

Кўп бора ўзи юрди тилаб Нуҳи азалдан,
Чўкмасман агар майлига тўфонга етай деб.

Дардим зўридан топгали малҳами шифони,
Ҳар тонг тураман ҳозиқи Луқмонга етай деб.

Шокир сенга ҳамрозд бўлади аҳли муҳаббат,
Ҳақ бўлсанг агар дилбари хубонга етай деб.

ОРТИҚ

Сен сарвисан муносиб сарви равондан ортиқ,
Гул лабларинг кўзимга ғунча даҳодан ортиқ.

Қайноқ муҳаббатингни оғуши масканимдур,
Булбул чаманда этган ул ошиёндан ортиқ.

Ҳар шеваи каломинг лаззат берар дилимга,
Ром айлагай кўнгулни ширин забондан ортиқ.

Еғду сочувчи тишлар олмосу гавҳаримдур,
Кўзларга нур бағишлар мулки хоқондан ортиқ.

Иқболни шуъласидан равшанлашиб жамолинг,
Нурланди акси юздан моҳи тобондан ортиқ.

Хуснинг гадоси, Шокир, васли жамол тилаклар,
Сен тожу давлатимсан тахти равондан ортиқ.

КИМГА АЙТАЙ

**Сенга хушторлигимни кимга айтай?
Туни бедорлигимни кимга айтай?**

**Фироқинг ўтида ўртанганим ҳам,
Висолга зорлигимни кимга айтай?**

**Юрак тасвирида суратларинигни,
Чизиб меъморлигимни кимга айтай?**

**Етишмоқ истагига чора топмай,
Кезиб noctorлигимни кимга айтай?**

**Тикон эзган қизил гул fунчасидек,
Дили озорлигимни кимга айтай?**

**Чекарман, Шокиро, ишқингда нола,
Фақат мен зорлигимни кимга айтай?**

ЁНМОҚДА ЖОНИМ

Сенинг ишқинг билан ёнмоқда жоним,
Сенингсиз тийрадур ҳатто маконим.

Гапирсанг гапларинг болдек тотимли,
Эрурсан боиси ширинзабоним.

Лабинг ғунча, юзинг гул мисли бўстон,
Қараб қўйсанг чамандур ошиёним.

Бу қошлар шеъриятнинг мисрасидур,
Туганмасдир ғазал бирла баёним.

Қуёшдек порланиб турсанг ёнимда,
Ўшал дам тарқалур барча гумоним.

Хиром этсанг агар бўстон оролаб,
Қади сарвинг дегайман аргувоним.

Висолинг ваъдасин айтсанг мабодо,
Шириклика ўтар. Шокир, бу оним.

МУҲАББАТ ЛАЗЗАТИ

**Аё, бодисабо, келтир муҳаббат лаззатин менга,
Йўлиқтирма vale ҳай-ҳай фироқи шиддатин менга.**

**Агар қонуният бўлса севишганларни ишқида,
Камоли ўтмишинг англат ва ўргат хилқатин менга.**

**Юрак амрига мойиллик, бани одамга хос хислат,
Муҳаббат шоҳи қулликни берибсан нисбатин менга.**

**Юмиб кўзимни очгунча хаёлдан тасвири кетмас,
Мунаққаш айласанг арзир мужалло суратин менга.**

**Кўзимда уйқу йўқ ёлғиз кутиб бўйи мuanбарни,
Ичурма истарам васлин майи деб ваҳдатин менга.**

**Муҳаббат лашкари Шокир мусаххар айлади кўнглум,
Этай саркардалик, бергин уларнинг хислатин менга.**

ТОПОЛМАСЛАР

Куяр парвоналар аммо сенингдек шам тополмаслар,
Ширин жонига қасд этгайлару барҳам тополмаслар.

Қидирсиналар жаҳонда аввало сендең чароғон йўқ,
Жамолин талъатини бунчалик кўркам тополмаслар.

Мени парвоналардан ҳам, алам ҳам изтиробим кўп,
Бу ҳолатни бирин ортуғ бирини кам тополмаслар.

Оқар дарё каби ёшим vale ҳеч кимга билдирам,
Кўзимга минг қараб бир қатраи шабнам тополмаслар.

Сахийлик бобида улканлигинга иштибоҳим йўқ,
Бу оламда сенингдек тантию Хотам тополмаслар.

Ениб ишқида эй Шокир, жароҳатни қўпайтирдинг,
Табиблар ҳам бу дардингга бирон малҳам тополмаслар.

КЕЛМАДИНГ-КУ

**Исбот этиб ғуруринг мардана келмадинг-ку!
Өтсан йўлингга бошим остона келмадинг-ку!**

**Минг бўлса ҳам бу жоним йўлингга садқа айлаш,
Мужгон ўқига кўксим нишона, келмадинг-ку!**

**Тенг шуъласин кўролмай ўтди Ҳазиний йирлаб,
Нурга беланди ҳай-ҳай Фаргона, келмадинг-ку!**

**Келмоқда вавъдаларни ошкор этолмагайсан,
Ошкора келмасанг ҳам пинҳона келмадинг-ку!**

**Ошиқларинг йўлингда ҳадди-ҳисоби йўқдур,
Сен менга якка-ёлғиз жонона келмадинг-ку!**

**Суэмоққа бодаларни усрук кўзингдан энди,
Шокир билан бўлай деб мастона келмадинг-ку!**

ЧАШМИ ЗИЛОЛИНГДИН

Узолмасман кўзимни ҳеч ақиқу лаъли олингдин,
Насиб этгаймикин менга чашми зилолингдин.

Сени кўрганда бол қўлда қолиб, бармоқ ялайдурмав,
Қачон етгайману тотмоқ учун ул қатра болингдин.

Ениб оташдаман ҳижрон ўти куйдирди-ку, бағрим,
Тушарму соя бошимга сени нозикниҳолингдин.

Қаро кўзинг, қаро қошинг, мени ҳайратга солмоқда,
Десам андоза олгаймиш қаро зулфингни толидин.

Ижозат айлагаймукин ўзимга эсдаликлар деб,
Чизарга суратингни бир сўраб кўрсам кулолингдин.

Ушал Шерозни жонони ўзингсан асло ортолмас,
Самарқанду Бухорони баҳоси битта ҳолингдин.

Умурлар кўп давом этса ва ҳатто кексайиб қолсам,
Яшаргай қайтадан Шокир насиб этса висолингдин.

СҮРОГЛАБ

**Келдим қидириб сурмали мужгонни сўроғлаб,
Бўйлар таратиб тургувчи райҳонни сўроғлаб.**

**Иўл кўрсатишиб турди тун ой, кундуз қуёшлар,
Зуҳро ёнидан Мирриху Чўлпонни сўроғлаб.**

**Тоғдай кўтарар хаста кўнгул орзуларини,
Дедим шошилиб кетдим Тиён-Шонни сўроғлаб.**

**У ердаги ирмоқчалари берди садолар,
Бирга топамиз дедилар жононни сўроғлаб.**

**Сув томчилари чулдирашиб ахтара кетди,
Дарё бўйида бир қизни, боғонни сўроғлаб.**

**Ул ҳам қидириб чиққан экан шояд топай деб,
Мезбон бўлиш орзусида меҳмонни сўроғлаб.**

**Нозик қўлида дуррачасини ҳилпиратарди,
Ирмоқ лабида чорлаб, Шокирхонни сўроғлаб.**

СИЗГА

Аё, эй нозанин дилбар, тилай бақо сизга,
Жаҳоннинг барча иқболи эмишким ошино сизга.

Қамоли қаддингиздан лол чаманда сарвилар ҳатто,
Ажаб ҳайратланиб кўрса этар таъзим бажо сизга.

Жамоли ҳуснингизни шуъласи тушганда тоғларга,
Эриб тоғларни тоши ҳам тутармиш мумиё сизга.

Дуторнинг торидек кўнглум бу кокилларга чирмашса,
Навоси шашмақомлардай чиқарғай хуш садо сизга.

Тарангдир икки қошингиз сузук мужгонлар устида,
Етолмай бир-бирига бўлдилар қадди дуто сизга.

Келинг, бир қувнашайлик деб, чаманлар сайрига ҳарғиз,
Умидворлик билан Шокир этарман илтижо сизга.

ИККИ ҚОШИНГ

Шамшири икки қошинг сийнамни пора қилди,
Тишлаб лабимни қолдим, кўксимни ёра қилди.

Эй, оҳуваш кўзингдан тун кечалар ёришди,
Аммо сиёси сочинг тунларни қора қилди.

Ағёлар кўзидан ишқим ниҳони тутсам,
Түғён уриб муҳаббат тез ошкора қилди.

Дедимки, гулшанингда сайроқи булбулингман,
Фигонлар чекма кўп деб ҳар дам ишора қилди.

Дедим: ул дона холинг ром этди кўнглим қушин,
Деди: қушинг кўнглимни топмоққа чора қилди.

Шокир икки ҳилолинг бир жилвасин кўрай деб,
Ашкини сели оби, ўзни шарора қилди.

БИЛСАНГ

Зуҳро каби қарам қил Тоҳирлигимни билсанг,
Илҳом париси бўлгил шоирлигимни билсанг.

Ишқингни мавжи бирла ғарқ айлама тубиға,
Соҳил сари сузишда моҳирлигимни билсанг.

Сен қийматин баҳола кўнгул жавоҳиротин,
Кўзларни гавҳаридек нодирлигимни билсанг.

Севгимни битта оҳи тоғларни ҳам қулатгай,
Тоқат билан неларга қодирлигимни билсанг.

Васлингга талпинувчи бир сабзаи ниҳолман,
Кўздан имоларингга сезирлигимни билсанг.

Сен қайдану қаердан, деб айлама саволлар,
Қува элин фарзанди Шокирлигимни билсанг.

ЖОНИМНИ

Тутай деб илгима олдим пари рухсора жонимни,
Уни ҳукмига топширдим ўзи садпора жонимни.

Еқиб бу устихонимни муҳаббат ўтига тутсин,
Қуюб кул бўлса ҳам ташлай ўтга минг бора жонимни.

Риёзатсиз эмиш душвор кўнгул моҳийсини мойил,
Машаққат ихтиёр этдим бериб озора жонимни.

Чўкарман деб ҳайиқмасман агарда ташласа чоҳга,
Кўзим ашки-ла лиммо-лим оқар анҳорда жонимни.

Қийинлик бирла бўлмишдир назардан кимиё тупроқ,
Неча минг имтиҳон олдим қўйиб асрора жонимни.

Муҳаббат тоқида ул ой билан йўлдош эрур Шокир,
Ҳамиша бирга бўлсан деб етай сайёра жонимни.

ШАҲЛОНИ ЭСЛАТГАЙ

**Жамолинг тўлган ойни, кўзларинг Зуҳрони эслатгай,
Мақоминг баҳри уммони дилинг дарёни эслатгай.**

**Висолингга етишмоқ бир муаммодек ечилмайдир,
Ва ҳатто бир нигоҳингни ўзи анқони эслатгай.**

**Гапирсанг сўзларингни маъниси тўтини ром айлар,
Жаранглаб чиқса лабзинг булбулигўёни эслатгай.**

**Кўзинг фаттонлигини васфига қўлда қалам ожиз,
Хўтан оҳулариdek наргизинг шаҳлони эслатгай.**

**Камолингни баҳосига жаҳон мулки баробардур,
Сўзинг ҳам тўқ магизлардек, гапинг тиллони эслатгай.**

**Дилингни оқлиги оппоқ кабутарнинг қанотидур,
Уларнинг кўкда парвози пари болони эслатгай.**

**Ширин ахлоқу одобинг мудом Шокирга хуш келгай,
Карашма нозу истиғноларинг ҳалвони эслатгай.**

ҚЕТОЛМАСМАН

**Муҳаббат домига банд бўлдиму асло кетолмасман,
Сенинг бирла боролгайман ўзим танҳо кетолмасман.**

**Сочинг мушки била маstonаман аҳёну аҳёнда,
Димофимга етиб ул анбари асло, кетолмасман.**

**Биёбони таҳайюринг чаманзор гаштидек менга,
Бўлаклар этсалар гул баргидан маъво кетолмасман.**

**Сипоҳингман сени фармойишинг жоним қулогингда,
Ўзинг йўл бошлагил, эй соҳиби, доро кетолмасман.**

**Висолинг шамида ёнса саодатли эрур Шокир,
Танамни куйдириб кул этсалар ҳатто кетолмасман.**

КҮРИНГАЙ

Бир заррача меҳринг менга офтобча кўрингай,
Оддий садафинг гавҳари поёбча кўрингай.

Ул ғунча лабинг болини бир қатра гулоби,
Умрим бўйича чашмаи серобча кўрингай.

Сочингни қаро толаларин мавжи ажойиб,
Ақлимни олиш бобида гирдобча кўрингай.

Лабларга босиб кўзга сурай номаларинингни,
Ҳар сатрини мазмуни улуғ бобча кўрингай.

Ҳайратда қўзим яшнади тушганда юзингга,
Оддий қарашинг жилваси моҳитобча кўрингай.

Қалбимни саволига жавоб айлагунингча,
Қалқиб юрагим барг узра сиймобча кўрингай.

Сен бирла агар мақсадига етмаса Шокир,
Оташ юрагим хастаю бетобча кўрингай.

ИШҚИДИН

Сунбули доим аро бўлдим гирифтор ишқидин,
Ҳар томон ўзни уриб бехоби-бедор ишқидин.

Қосилини мушкидин бўй олмоқ истар кўнгил,
Бўйнима бойлаб қаро зулфини туммор ишқидин.

Вояга етган ниҳолдек сарвидан юз кўрсатиб,
Хусни мулкининг биноси бўлди пойдор ишқидин

Ишқи тосини жарангин сақламоқ душвор экан,
Кўргузиб ойдек жамолини этди ошкор ишқидин.

Юз балою ногаҳони минг ҳужум этсин валек,
Дер муҳаббат аҳоли ҳеч кечмайди зинҳор ишқидин.

Бир парипайкарга Шокир дил бериб оворадур,
Еощ олиб қайларга кетсин ул жафокор ишқидин.

ТАБАССУМ АЙЛАБОН КЕЛИНГ

**Сориниб ўлдим, эй нигор табассум айлабон келинг,
Бўлмоқ учун севимли ёр табассум айлабон келинг.**

**Висолимиз кошонаси нурга тўлгай сиз билан,
Бўлсии кўнгуллар беғубор табассум айлабон келинг.**

**Пешвоз чиқайлик қўш бўлиб икки қўлда гул тутиб,
Кутмоқда бизни навбаҳор, табассум айлабон келинг.**

**Енимда ёrim бўлсангиз бағри ғуурурдан сарбаланд,
Ортар дилимда ифтихор, табассум айлабон келинг.**

**Сиздан таралгай бегумон ҳар тонгдаги бодисабо,
Тарқ этмайин лайлу наҳор табассум айлабон келинг.**

**Бир бора кулсангиз менга оламча руҳ бағишлагай,
Шокирия жонига мадор—табассум айлабон келинг.**

БҮЛИБДИ

Ҳусни камоли етган ёр дилрабо бўлибди,
Тортиб мени бу ишқи оҳанграбо бўлибди.

Қошин ҳилоласидай ул сабзали чаманлар,
Васлин шарофатидан меҳригиё бўлибди.

Ҳуснин томошасида боғларда сарви гуллар.
Баҳс айлашиб бўйига кўп можаро бўлибди.

Моҳтоби жилвасига зулфини шонасида,
Очган кўзини ғунча чоки яқо бўлибди.

Умиди васли бирла ширин ҳаёлда Шокир,
Чунки унинг висоли дардга даво бўлибди.

СОФИНТИРМА, СОФИНТИРМА

Иўлингда интизорингман софинтирма, софинтирма,
Висолингга хуморингман софинтирма, софинтирма.

Кўлим бўйнингдаги маржонларинг ёнида жой олса,
Ўзим бўлсан туморингман софинтирма, софинтирма.

Ҳуснлар шоҳи султони фақат фармони олий бўл,
Қулингман, дастёригман софинтирма, софинтирма.

Фақат сен не десанг шулдир мени кўнглимда ҳеч ҳад йўқ,
Инону ихтиёригман софинтирма, софинтирма.

Бошингга севги сўзини кўтар байроқ каби шунда,
Бўлай алвон шиорингман софинтирма, софинтирма.

Агар дил созим ўзгарса қулоғимни бура, майли,
Кўлингдаги дуторингман софинтирма, софинтирма.

Сенга Шокирни шарти шул сурайлик давру давронлар,
Ушанда баҳтиёригман софинтирма, софинтирма.

ҚУРМАСАМ

Кўнгул қуши ром бўлмагай юзларда ҳолинг кўрмасам,
Ейдек эгилгай қоматим қоши ҳилолинг кўрмасам.

Чиқса фалак узра қуёш оламни нурга чулғаса,
Завқимни қўзғатмас зиё офтоб жамолинг кўрмасам.

Тузни, шакарни ранги бир, таъми билинмас тотмасанг,
Исбот этолмасман уни лабларда болинг кўрмасам.

Ювган санамлар сочини сойлар сувини фарқи йўқ,
Ҳилпиллаган кокилларинг, қадди ниҳолинг кўрмасам.

Муҳабабт ўтида бағрим ёнарда кулга айлангай,
Оташда қолгай бу танам чашми зилолинг кўрмасам.

Ашъорларингни шавқи зўр, аммо дилимни ўртагай,
Шокир севармусан деган оддий саволинг кўрмасам.

МУҲАББАТ СУЛТОНИГА

Қаю наққошкни нақш этмиш сени ишқ тахтига ҳоким,
Унинг бирла нафас олгай менинг бу сийнаи поким.

Бошимга ишқ савдосин солибсан шоди судин ёз,
Оқиз ағёрима ғамни ювилсин жисми ғамноким.

Муҳаббат тахти султони бу диллар сенга боғланди,
Рақиб шамширига тегса узилмас меҳри фитроким.

Ероним суҳбатидан дил тафаккури жило топмиш,
Ақлни икки қўлидан етак тутгандек идроким.

Бирорлар кўнглини ёқма, vale аввал мени куйдир,
Туташтиromoқ учун даркор эрур бу жисми хошоким.

Қачонким суҳбатингга восил ўлса ҳастадил Шокир,
Улус айлар савол шунда ёнингда қошлиари ёким.

ДИЛБАРИМ

**Мулки малоҳат ичра хубони дилбарисиз,
Кӯнглум ганжинасининг ноёби гавҳарисиз.**

**Жаҳон гулзорлари ҳам бирлашсалар мабодо,
Етолмас бўйингизга гуллар муаттарисиз.**

**Хуш хулқи, хуш чиройлар, ибратдур иболарга,
Соҳибжамоллар шоҳи ҳуснлар сарварисиз.**

**Болга жамики жонзот келар эмиш умидвор,
Сизи асал лабингиз сурманг мени нари сиз.**

**Хаёлим ошиёни тарк айлади йироққа,
Сиз одам наслиданми ёки асл парисиз.**

**Субҳи сабода Шокир кутар ҳамиша сизни,
Сиз бўйи атри олам елларни сарсарисиз.**

УМИДВОРМАН

Етай деб яхши соатда висолингдан умидворман,
Вужудинг сарви озоди камолингдан умидворман.

Қўриб узлатдаги ҳолим дариғо раҳм айларсан,
Чароғон ҳолати ҳусни жамолингдан умидворман.

Кулиб остонаядан келсанг бошим осмонга етмасму,
Яшил ранг дуррага ҳамдам ҳилолингдан умидворман.

Насими навбаҳор бўйи муаттар айласин хонам,
Фароғат бергучи дилга шамолингдан умидворман.

Варақлаб дам-бадам Шокир китобин янги бобини,
Муҳаббатдан гапир андоғ саволингдан умидворман.

ҚҮЙСА ҚАДАМ

Бошим осмонларда дилдор мен сари қўйса қадам,
Бу замонам хўбларининг дилбари қўйса қадам.

Қўлларида коса майнинг раигидан юз лоларанг,
Ул муҳаббат ўтидир бул аҳгари қўйса қадам.

Ҳар оёғин гарди менга тўтиёдай қийматли,
Интизордир икки кўзим гавҳари қўйса қадам.

Ҳар сўзининг маънисидан минг ғазал сайқал топар,
Сатрида дурдоналарнинг жавҳари қўйса қадам.

Гунчанинг бағри тиконлар заҳмидан озод бўлур,
Колмагай ҳеч ошиқ аҳлин мустари қўйса қадам.

Турфа хил олтин юзининг муҳридек зийнатланур,
Тонг эмаским Шокиринг сўз заргари қўйса қадам.

БЕДОРЛИК

**Хаёлида васли ком излаб туни бедорлар бўлдим,
Етибман хаста жонликда тани беморлар бўлдим.**

**Садо бермоқда қалб созим дуторингни жарангига,
Бели нозикларинг узра туташган торлар бўлдим.**

**Етарману висолингга, қонарману кўз жамолингга,
Дъб узра дона ҳолингга, кўзи хуморлар бўлдим.**

**Тарам юзимни ол рангин олибсан қаҳрабо айлаб,
Бағир қонимни ҳеч тўкма қўлингда норлар бўлдим.**

**Ҳарорат жунбуш айларлар, танимда изтироб, Шекир,
Гади худман, гаҳи йўқман, гаҳида борлар бўлдим.**

ИСТАМАС

Ложувардликда ўзингсан, кўнглум осмон истамас,
Кўзларинг олдида кўзим ўзга мужгон истамас.

Бир аниқ гап айта олсанг истагим шул беназир,
Нўши лабни карбало даштида сарсон истамас.

Кийганинг гул-гул қаболар, шоҳию атласларинг,
Бир боқиб қўйган киши сайри гулистон истамас.

Сен сурайёсан фалакда мингта Зуҳро дарс олур,
Баҳс этишга чун осмон йўлда Чўлпон истамас.

Шокиро, васлин тиласан чин муҳаббат матлабини,
Чунки ишқ йўлида ошиқ касби ҳижрон истамас.

БИТТАЮ БИТТА

Эмишким ҳар кишининг ошиноси биттаю битта,
Еритган қалбининг нурин зиёси биттаю битта.

Меҳрда икки дил умрин йўлини масканин топгач,
Демакки икки кўнглини садоси биттаю битта.

Саҳоват бобида якто саналган кўкда офтобнинг,
Аниқ мақсад сари борган самоси биттаю битта.

Муҳаббат дардига инсон юриб ҳар дам даъво излар,
Унинг висол аталмиш шифоси биттаю битта.

Жами волидалар боғу ниҳолларга камол истар,
Уларга сидқидил меҳригиёси биттаю битта.

Гуноҳдир бир юракда икки кўнгул меҳрини сақлаш
Шунинг-чун Шокирингни дилрабоси биттаю-битта.

ЎЗИНГИЗДАН БҮЛАК

Иўқ бу оламда менга дилдор ўзингиздан бўлак,
Сўзлари ширин-шакар бир ёр ўзингиздан бўлак.

Уйқусиз ўтган туним ёдимда бўлгайсиз фақат,
Этмаган ҳеч ким мени бедор ўзингиздан бўлак.

Гарчи оламда хумор кўзлар бисёр бўлса ҳам,
Кўрмадим асло кўзи хумор ўзингиздан бўлак.

Тилда маҳбуба бўлиб, интизор боқар кўклар,
Бўлмади чин маҳбуба такрор ўзингиздан бўлак.

Шоқир йўлидин ўтди кўп гўзал, ҳеч боқмадим,
Иўқ бу оламда менга дилдор ўзингиздан бўлак.

ҚАБО ИЧИНДА

Бу сийми танинг қабо ичинда,
Турган каби гул гиёҳ ичинда.

Суратлар ўлиб намоён энди,
Кўзлардаги тимқаро ичинда.

Машъал каби ҳеч юзингга teng йўқ,
Оlamдаги пур зиё ичинда.

Боғлар оралаб сени овозинг,
Чиқмоқда ширин садо ичинда.

Касб айлади андалиб менингдек,
Сайрашни чаманаро ичинда.

Яйрайди бу жон агарда юрсам,
Гул бўйи тўлиқ ҳаво ичинда.

Қирлардаги лолалар чарақлаб,
Ёнмоқда мисол хино ичинда.

Шайдойи сени жамолларингга,
Йўқ мен каби минг гадо ичинда.

Шокир, сени бир нафас йўқотса,
Ўлмоққа бўлур ризо ичинда.

ИШҚ ЙУЛИ

Насими навбаҳор гул барги тарлар,
Мени шодликларим олқишиш этарлар.

Сабабким дилрабо қошимга бул кеч,
Келиб меҳрин тӯшаб боғига чорлар.

Муҳаббат масканин айлар нурафшон,
Қулогига етиб оҳим саҳарлар.

Мунавварликни ул шаҳзодасидур,
Олур андозани шамсу қамарлар.

Тушиб ишқини савдоси бошимга,
Қўринмас кўзима суду заарлар.

Этармиш имтиҳон ишқим баҳолаб,
Ажабким, ишқ йўлида кўп хатарлар.

Қадам қўйдинг бу йўлдан қайтма, Шокир,
Дегайлар қайтмаган ҳеч шери нарлар.

АВВАЛГИДЕК

Кўзларинг шаҳло сени, қошинг камон аввалгидек,
Икки лаълинг шаккару ширинзабон аввалгидек.

Ешлик ониң қайта-қайта эслабон сўзонасан,
Қайтадур ҳолига гоҳ ўтган замон аввалгидек.

Мен учун ёлғиз ўзинг ишқингда юрган беҳисоб,
Дил уни ёлғиз дегин келтири имон аввалгидек.

Юзларингни шуъласин кўрганда қалбим жўш урар,
Неажабким дил яна бўлгай равон аввалгидек.

Сен мени такрор яна куйдирма, куйганман ўзим,
Болу парсиз мени юрарман, сен ҳамон аввалгидек.

Ҳажри шоми ҳеч ёришмас десалар, солманг қулоқ,
Ёр келар бир-бир босиб, Шокир, қувон аввалгидек.

БОРМАН

Термулсам субҳидамда жамолларингга борман,
Кўк узра янги ойдек ҳилолларингга борман.

Боғларни мушки бирла муаттар айлагувчи,
Ҳар ўтганингда эсган шамолларингга борман.

Гапир, гапир, гапиргил тинмай сўроқда майли,
Ишқ бобида сўз очсанг саволларингга борман.

Ҳай-ҳайки хўп ярашмиш саллона бўйи-бастинг,
Қоматларинг ярашган, камолларингга борман.

Васлинг умиди бирла ширин хаёлда Шокир,
Этсанг карам қўлингга, висолларингга борман.

ХУРРАМ БУЛИНГ

Шу гўзал кўзларда асло кўрмайин кўз ёшингиз,
Юрсину бўлсин омонлик бирла олтин бошингиз.

Сизга хешу ақраболар, дўсту ёрлар, барчаси,
Доимо бўлсин яқинликда кўзу ҳам қошингиз.

Келсангиз хонамга бир кун айлабон лутфи карам,
Қошларим бўлсин супурги, кипригим фаррошингиз.

Танда bemорликни кўрманг хурраму хушнуд бўлинг,
Доимо totsin ширинликда асалдек ошингиз.

Умрингиз наҳли гули гулдастасини чизгали,
Сафҳага чексин рақам ҳар гал баҳор нақошингиз.

Умрбоқийлик тилайдурман сизга, дўстларга ҳам,
Истагим, юрса қаторда Шокиро йўлдошингиз.

ЧИРОЙЛИК

Лаб очса санам, куйласа овози чиройлик,
Күй чалса, кўринг қўлларида сози чиройлик.

Иқбол қушини болу пари меҳру муҳаббат,
Силкитса қанот, учгали парвози чиройлик.

Таклиф этаман боғима ул кун келасиз деб,
Рад этмагани ҳурмати-эъзози чиройлик.

Гулшанда кезар гулларини бағрига босиб,
Гулга ярашиқ гулгун ибо, нози чиройлик.

Ол-ол ёнадир ғунча каби бошини эгса,
Үй сурса агар фикрила мумтоз чиройлик.

Эгнида либос хипчабелига ярашибдур,
Бошидан-оёғига зеҳнию пардози чиройлик.

Шокир, муҳаббат илмида ширин сўз яхшидур,
Ерингга ҳаргиз хуш суханин ози чиройлик.

ОДОБИ АНИНГ

Хўп ярашмиш дилраболар ичра одоби анинг,
Ҳамда ҳуснин иқлимида жилва моҳтоби анинг.

Айланур бошим қуюндай баҳри бепоён аро,
Тубига сиймимни тортар пури гирдоби анинг.

Ул қуёш рашикида ўртаб кўкка бошим қўйди шом,
Билсам оламни ёритгай ҳусни офтоби анинг.

Бодайи ноб тутди қўлда аммо усрук кўзда ноз,
Нози мижгонин оширган боданиоби анинг.

Сунбулин ҳар толаси жон риштасига чирмасиб,
Созидан диллар жаранглар текса мизроби анинг!

Бўса майгуни лабларидан олдиму хуш ўзда йўқ,
Шокиро кайфингга боис лаъли унноби анинг.

ШАКАР ГУФТОРИГА

**Шакар гуфторингга боис шакарму ёки болмусан?
Чиройни касб этар ҳуснинг париваш чеҳра олмусан?**

**Юзингни олмасига ҳар баҳор нақш айлагай кўзгу,
Нигоҳингдан қамашгай кўз ўзинг кўзгу мисолмисан?**

**Қадам боссанг биёбон ҳар чунон бўстонга айлангай,
Ки чўлга жон берувчи қатраси обизилолмусан?**

**Намоён айласанг ҳуснинг нур олгай ҳури сиймолар,
Қавокиб доналар ичра кўринган ул ҳилолмусан?**

**Гапир ҳожат раво бўлсин десанг Шокирин олдида,
Ва ё фасли баҳор булбулларидек гулга лолмусан?**

ПАЙВАНДИ ЖОН

**Сўзинг жонимга пайванду, ўзинг шириңсуханлардан,
Мудом тўтини лол этган лаб очгунча даҳанлардан.**

**Қўнвар бу хонадонимга ки булбул ошиён айлаб,
Олибсан даста гулларни сабо эсган чаманлардан.**

**Дилим банд айлаган гулми ва ёки сунбули райҳон,
Ниҳоли қаддингга бўй-бўйлашувчи ул расанлардан.**

**Хаёлим сен томон парвоз этар кўнглум қуши янглиғ,
Учиб ахтаргуси тинмай сўроғлаб кўҳиканлардан.**

**Сочинг мушки била атр ургуси гулбарг уза шабнам,
Сафолар томчиси дилни эрурман настаринлардан.**

**Муқаввас қошлиаринг, киприкларинг ёди дилим ўртар,
Нишонга олдилар Шокирни бу ажаб камонлардан.**

КОКИЛЛАРИН САНОГИ

**Софликда мисли чашма икки кўзин қароги,
Билмам, киприклариму сунбулларин тароги.**

**Бир хушхабар мисоли ёйилмиш кифти узра,
Ҳадди-ҳисоби йўқдир кокилларин саноги.**

**Чоғ бўлғуси кўнгуллар боғ ичра сарви шамшод,
Бўртиган ғунчалардан тутиб турса бутоғи.**

**Ҳар ғунча нектарида жонимни таъми бордур,
Коми ширин бўлолмас бол тутмаса дудоги.**

**Титроғида бош кўтарган оддий хашакчалардан,
Меҳригиге унармиш тегиб кетса оёғи.**

**Булбул каби фифонинг кўк тоқига улашгай,
Шокир гапирганингда сўз олмаса қулоғи.**

БУЛАКЧА

Қим малҳаму мулойим гапда овоз бўлакча,
Солгай қулоқ сўзингга йўқ эътиroz бўлакча.

Бийрон каломларидан коми равон кишини,
Ҳар дам пичингни билмас танлар мижоз бўлакча.

Аҳли фузунлар элда дониш номин олурлар,
Гардин суриб кўзига айлар эъзоз бўлакча.

Меҳнатни мавқин англар ҳам фасли боби қадрин.
Ул қишиғамини ўйлар келганда ёз бўлакча.

Кўп яхшиларни пандин дил малҳами билурман,
Мутриб бураг дуторни, чиққамда соз бўлакча.

Ҳар покиза санамни иффатдур ифтихори,
Шавқу дилингни тортгай этганда ноз бўлакча.

Шокир, бу қийматингни манийдан англашурлар,
Дер қисқа гап бўлакча, сўзи дароз бўлакча.

НИШОНА БҮЛДИ

**Қирмиз юзинг матоси гулдан нишона бўлди,
Япроғи лаъли лаблар гулларга шона бўлди.**

**Кулгичларинг ярашган сарви санобарингга,
Сендек париваш юрти асл Фаргона бўлди.**

**Сочга сиё берувчи тимқора юзда холинг,
Кўнгул қушин ўзига чорловчи дона бўлди.**

**Ҳар келгапда хонам атр айладинг бўйингдан,
Бебоди кайфиятман уйим майхона бўлди.**

**Елғиз муҳаббатимни ганжинасида номинг,
Дурдоналар ичиди дурри ягона бўлди.**

**Шамшоди қоматингга жонлар бўлур тасаддуқ,
Хуснингни лаъмасига Шокир парвона бўлди.**

УЙГОНАР

Тонгдаги шаббода юзга тегса дилдор уйғонар,
Атри бўйин тарқатувчи мисли гулзор уйғонар.

Шуъла сочган юзларидан кўкда офтоб нурланиб,
Ошикора кўрмоқ истаб кунда бир бор уйғонар.

Сарви қадлик борасида дарс берувчи сарвиноз,
Навниҳол шоҳида куртак этса рафтор уйғонар.

Во ажабким, бўлди кўҳлик тап-тақир чўллар бугуц,
Ҳар қадам событлигидан, унда зангор уйғонар.

Лабларин очса қўшиққа хониш айлар чоғида,
Жўр бўлиб «Ушоғ»и-га, «Шаҳноз», «Гулёр» уйғонар.

Нурли истиқболини кўрганда илҳоми жўшиб,
Неча юзлаб шоирин қалбида ашъор уйғонар.

Уйқусида балки ёrim яхши тушлар кўрса деб,
Ҳар нафас Шокир тинимсиз тунда бедор уйғонар.

СҮЗЛАСИН

Индаманг, майлига сиз, кўзлар қароси сўзласин,
Нимишоратлар билан дил муддаоси сўзласин.

Юз қизармоқقا сабаб бўлса муҳаббат бодаси,
Ишқ намоёни учун юзлар жилоси сўзласин.

Полазор аксини ёр олдида кўрмоқ истасанг,
Қўлларин тирноғида рангин хиноси сўзласин.

Кечалар оромини тунлар олиб кетганлигин,
Майсадек киприк билан қошларни ёси сўзласин.

Ҳайқириқ бирлан ўзин исботламоқлик шарт эмас,
Нолалар сокин чиқиб кўнгул нидоси сўзласин.

Шокиро, қўлда қалам ёзсанг муҳаббат мадҳини,
Ибтидодан бошлабон то интиҳоси сўзласин.

ҚОЛМАГАЙСАН

Севсанг мени бу ерга ташлаб кетолмагайсан,
Үтай дейсан баҳримдан асло ўтолмагайсан.

Чунки қанотларингга мен болу пар эурман,
Парвоз этиб самода ёлғиз учолмагайсан.

Мен истасам кетишни тошлар каби кўчарсан,
Ёнимдасан ҳамиша ҳеч срда қолмагайсан.

Тузга шакар қўшилса шўрлангуси аниқдур,
Душман сўзини асло қулоққа олмагайсан.

Ўзинг баҳолагайсан муҳаббатимга лойиқ,
Бу йўлда режамиз соз, ўйларга толмагайсан.

Ниятларимни англаб фикримни айла идрок,
Ёмон ишларни Шокир бошига солмагайсан.

АТАЙМУ

Танҳолигингни боғлар раъноси деб атайму,
Эзгулигинг муҳаббат маъноси деб атайму.

Ул ҳусни ҳаворангдан кўнглим чироғи ёнса,
Субҳи азал жамолинг зиёси деб атайму.

Тўлқинланса муҳаббат дарёси кўзларимда,
Киприкларимни денгиз ғавоси деб атайму.

Чўғ узра тола сочдай тўлғанганда жисмим,
Тан-жон ҳароратининг ғавоси деб атайму.

Меҳри зилолларингдан қонганда хаста диллар.
Саршори бодаларнинг дарёси деб атайму.

Ҳарир рўмол ичидан дилбар қарашларингни,
Шокирга бу санамнинг парвоси деб атайму.

ЖАМОЛИНГ

Тонгдан тиниқ мусафро ул субҳидам жамолинг,
Ҳам сабзаларга монанд мушкин каби ҳилолинг.

Мажнунтол новдасидан ҳар бир ўрим сочингни,
Нақш айламоққа Моний топмайди ҳеч мисолинг.

Кокилларингни ювган биллурий чашмаларни,
Садоси «Шашмақом»у, шўх соз каби зилолинг.

Қат-қат булут қатидан офтоб мисол кўрингай,
Елларнинг кўпригида ҳилпилласа рўмолинг.

Шабнам деганда Шокир айлар хато сўзида,
Гулдай лабининг узра кўрганда ҳиндуда ҳолинг.

ТАВАЛЛО

Кўчамдан ўтса дилдорим этиб ғамза таманинолар,
Чаманзор ичра чорларман анга айлаб тавалло~~молар~~.

Агарда тил учида ҳам келишга ваъдалар берса,
Ўзим кўнглум кўтаргайман бериб турли тасаллолар.

Кирада ибратомузли чарақлаб хандалар қилса,
Дилим ойнасига етказар нусрат-мужаллолар.

Оҳорли шўх қўшиқлар ҳам ўзи булбулни маст айлар.
Олиб қўлларга созини этарда нағма яллолар.

Унинг ойдек жамолини кўришга интизорликдан,
Секин пастлаб ўтар ерга само бўйлаб сурайёлар.

Агар ишқимни исботи қизиқтирса бу пайкарни,
Қўлимга даст тутиб жоним этар Шокир муҳайёлар.

СИЗНИ ДЕГАЙМАН

Талпинса нетай, ўтли юрак, сизни дегайман,
Қалбимдаги шул эзгу тилак, сизни дегайман.

Йўқ бўлса, нетай, хаста кўнгул дардин оларга,
Сигмайди менга энди бўлак, сизни дегайман.

Сунбулларингиз ҳалқалари энди паришон,
Зебо ярашар сочда гажак, сизни дегайман.

Боқмади қиё энди кўзим жилваларига,
Тўсганда йўлим мингга малак сизни дегайман.

Бошимга қўяй ҳурматингиз келса қўлимдан,
Бахтим мени шу бўлса керак сизни дегайман.

Эл барча билур сиз била ошиқ эканимни,
Ойнинг юзига тутманг этак сизни дегайман.

Шокир югуриб шунча замон сизни қидирдим,
Йўқ ўзгача йўл энди, демак сизни дегайман.

КҮЗИНГДАН

Ишқингга бўлиб дучор, кўзингдан,
Йўлингга кўзим нигор, кўзингдан!

Гар кўз учида табассум этсанг,
Ошиқлар ўтар қатор кўзингдан.

Жонона, манга ғамзанг оширма,
Жонимни қилай нисор, кўзингдан.

Бахтини ер узра ахтарар ким,
Қўрган киши баҳтиёр кўзингдан.

Тушса назарим кундузи телба,
Бўлгум кеча беқарор кўзингдан.

Қўрганда кўзингни маступоман,
Паймона тўлиб хумор кўзингдан.

Оғзимга ғизо олишга noctor,
Ўтмайди сира наҳор, кўзингдан.

Қўзларга кўзим тушгали Шокир,
Яшнаб бу кўнгул баҳор кўзингдан.

ҚУРМАДИНГИЗ

(Киз тилидан)

Қошларга ўсма қўйсам учганда кўрмадингиз,
Еллар сочим тароқлаб қочганда кўрмадингиз.

Пайваста икки қошдай пайваста ўлди кўнгул,
Ҳарир рўмолим бошдан ечганда кўрмадингиз.

Термилди икки шаҳдо ҳар бора йўлингизга,
Тунлари уйқу кўздан учганда кўрмадингиз.

Чашма лабида ҳар тонг кутардим, эй нигорим,
Муҳаббат бодасин дил ичганда кўрмадингиз.

Тўлиб жилғалар узра оқсанда ишқи мавжим,
Ҳамоҳанг тоғли тошлар кўчганда кўрмадингиз.

Шокир муҳаббатномам сизга атаб ёздилар,
Хаёлингиз хаёлим қучганда кўрмадингиз.

КҮРИНСИН

**Ол пардани юзингдан янги ҳилол кўринсин,
Нурга чайиб чиройинг офтоб жамол кўринсин.**

**Боғларда арғувонлар лол қолдилар бўйингга,
Бизга хиёбон ичра нозикниҳол кўринсин.**

**Икки томонга боқмай оҳу каби аланглаб,
Этмай ҳадик кишидан ой bemalol кўринсин.**

**Жон қушлари танамни тарк айламасдан аввал,
Ром этсину ўзига ҳуснида ҳол кўринсин.**

**Ташлабди сойга сочин тўлқинларида мавжи,
Сунбулларини силкиб ул мажнунтол кўринсин.**

**Хат ёзганингда, Шокир, васлин сўроқла ундан,
Чунки унинг кўзига минглаб савол кўринсин.**

ҮТАРМИКАНСИЗ

**Йўл пойласам кўчамдан бир бор ўтармикансиз,
Дилдорлар ичидан дилдор ўтармикансиз.**

**Гулдаста тутганимда қирмиз чамандан аммо,
Бермас тикони сизга озор ўтармикансиз.**

**Изланг жаҳонда аммо минг бора мен каби йўқ,
Нозу изтиробингизга тайёр ўтармикансиз.**

**Қўп уйқусиз тунимда Сиз олдингиз хаёлим,
Ҳар бир нафасда бўлдим бедор ўтармикансиз.**

**Сўз бердингизми сўзда турмоФингиз муҳимдир,
Е ваъдангизни айлаб бекор ўтармикансиз.**

**Кўклам ҳаволаридан олсак нафас мусаффо,
Гул ташлаганда Сизга баҳор ўтармикансиз.**

**Ғазалларимга битсам исму шарифингизни,
Шокир ёзганда байту ашъор ўтармикансиз.**

ҲАР БИТТА ОНИМНИ

**Унутмасман омон бўлсам сенингдек меҳрибонимни,
Иълингга садқа айларман бериб жону жаҳонимни.**

**Ҳакиму ҳозиқим ҳамда табибим деб баён айлай,
Шифокорлар каби ардоқладинг бу хаста жонимни.**

**Сени бир бор нигоҳингдан бутун олам ёришгайдур,
Жамолинг талъатин нури ёритди ошиёнимни.**

**Делим фунча дудогингдан менинг комим равон бўлгай,
Чадармусан дединг аввал азобига тиконимни.**

**Вужудим бирла бахшида этарман неки борим бор,
Висол умидида ҳеч ўйламай суду зиёнимни.**

**Шакар бойлаб такаллум айласанг Шокирга лабзингдан,
Этарсан бол каби тотли мени ҳар битта онимни.**

ҲИНДУ УЯЛАРМИШ

**Ҳуснингга қараб турғали кўзгу уялармиш,
Тишларга садаф бағрида инжу уялармиш.**

**Икки кўзини ердан олиб сенга боқолмай,
Шаҳолигидан тоғдаги оҳу уялармиш.**

**Дарё ўзани мавжланадур сочини ёйса,
Сунбулларини тўлқинидан сув уялармиш.**

**Қош ўртасига касб этадур, тунлар ўзини,
Лабларда қаро холига ҳинду уялармиш.**

**Офтобча жамолини ўзи этса мунаввар,
Нурин сочайнин дермишу ёғду уялармиш.**

**Шокир ёзайин деса сени тунлари бедор,
Кўзларга келиб қўнгали уйқу уялармиш.**

ҚАРАБ ЎТСИН

Айтинг менга бир ғамзали жонон қараб ўтсин,
Саллона юриб сарви хиромон қараб ўтсин.

Гап бошласа қизлар ичидә аста шивирлаб,
Сўзлашда ширин тиллари бийрон қараб ўтсин.

Бир боқса кўнгул ойнасин этса мунаввар,
Кўзларин сузиб, сурмали мужгон қараб ўтсин.

Дил тозалиги шўхлигидан бўлди намоён,
Қалбида буюк хислати уммон, қараб ўтсин.

Кўп бирла мени кўрса ўзи этмаса парво,
Елғиз чиқайин йўлига ларzon қараб ўтсин.

Шоядки кўзим тушса нигоҳига санамни,
Этмай мен ул волаю ҳайрон қараб ўтсин.

Ақлим олинниб турфаи ҳолатда кўринсам,
Шокирни десин, майлига, нодон, қараб ўтсин.

ҚИЗ ҚУШИҒИ

Құлымдаги дуторим сеҳрли-хуш садоли,
Садафларида бордур күк тоқининг ҳилоли.

Қирлар оловланибди, тоғларнинг бағри қирмиз,
Улар лола эмасдур, дилбар қизлар жамоли.

Гулзор ичида гуллар таъзимда бўлди чувки,
Икки лабим ақиқу ҳам қўлларим хиноли.

Үйламанг зинҳор-зинҳор камгап экан бу қиз деб,
Үгит айлаб табнат бўлгил деган иболи.

Япроғи лола узра нуқтага ҳайрат этманг,
Лаб устига қуйилган қизнинг ягона холи.

Даврим таронасига иқболларим қўшилғаи,
Хонишларим жарангдор, қўшиқларим наволи.

САНАМГА САВОЛ

Мафтуни этди дилни ҳар дам шириизабонинг,
Тўти такаллумила мастураи суҳанинг.

Шамшоди қоматингга бой бердиму кўнгулни,
Ишқ ўтида сенинг ҳам ёнарму жисми-жонинг.

Сен бирла ўтса умрим мақсадларим улуғдир,
Етганда матлабимга ширин-шакар бу онинг.

Хурматларинг қозонсам асли шудир кифоя,
Дилидан ниҳон тутарман ҳар вақти сирри онинг.

Ишқ дафтарида кўрдим сўнмас муҳаббатингни,
Шокир тилар жаҳонда улғаймоғини шонинг.

И С Т А К

Истагим, санам, дилга алам айламасангиз,
Ҳижрон тунида қолгум қарам айламасангиз.

Сабри-тоқатим касри юз тутар ломаконга,
Қелиб бу хонам ичра қадам айламасангиз.

Хонаи танги торик каби қафас юраклар,
Хуршид юзингиз ила хуррам айламасангиз.

Афтода ҳолим кўриб кулмоқда шум рақиблар,
Ағёлар қадини сиз хам айламасангиз.

Ҳар боби мұхаббатни девони чирой топмас,
Сафҳан китобимга рақам айламасангиз.

Жабру ситамлар ортиб рамаққа етди Шокир,
Қелиб сиз ҳам уларга ситам айламасангиз.

ҮРГИЛАЙ

(Ҳазил шеър)

Ёр дебон кўнгул бериб қўйганман ихлос, ўргилай,
Шубҳасиз ҳам бегумон бу сўзларим рост, ўргилай.

Феълимииз бир хилдаю ҳам сўзимиз бир хил бўлиб,
Сизга мену менга Сиз тушдик ажаб мос, ўргилай.

Ишқингиз олди ҳушим, кетдим ўзимдан ул куни,
Иzlарим тап-тап бўлиб элтган каби нос, ўргилай.

Токи ёнбаш бирла туштим оҳу фарёдлар билан,
Исмингизни зикр этиб сузганда наввос, ўргилай.

Келмадингиз, кўп кутиб ўлдим шалабболар бўлиб,
Теппадан ёмғир ёғиб, қўйганда шаррос, ўргилай.

Тийқаниб кетдим, йиқилдим кўрсангиз боз устига,
Ағдарилди, қорнима тўлган экан тос, ўргилай.

Гандираклаб турдиму тушдим ҳовузга шўлп этиб,
Сув эзиб ёмғир билан ҳўл бўлди паққос, ўргилай.

Ушбу кўнгул сўзини Шокирга айтгандим бугун,
Ёздилар дил шишаси бўлмоқда белос, ўргилай.

РОМ ЭТАР

Ром этар ҳуснинг мени ҳатто ҳилолингни ўзи,
Ер юзини нурлантира офтоб жамолингни ўзи.

Бир нафас ҳижрон ўти боғримни куйдирса яна,
Гар қониб тўйсам шифо чашми—зилолингни ўзи.

Қосани туткил ғамим ювсин паёпай илгима,
Биллур қадаҳни лол этар оддий сополингни ўзи.

Барча ширинликни тўплаб қўйсалар хирмон этиб,
Мен учун юксак эрур лабларда болингни ўзи.

Сарвию раъно чаман ичра тароват айласа,
Файзиёб эткай фақат қадди камолингни ўзи.

Шокиро парвоз этар илҳом қанотини тутиб,
Боиси илҳомими чексиз хаёлингни ўзи.

СУҲБАТИНГДА

Ошкора сўзлар айтгин пинҳона суҳбатингда,
Жонларга жон улансин жонона суҳбатингда.

Олангррабо мисоли тортар ўзига бешак,
Ҳеч айланиб кетолмас парвона суҳбатингда.

Еиз иккимиз мабодо бир сўзлашувчи бўлсак,
Ҳеч бўлмасин тилак шул бегона суҳбатингда.

Оддий сўзинг баҳоси байту ғазалдан аъло,
Ҳар мисраси чиқаргай тарона суҳбатингда.

Этсанг нигоҳ қулингга, бошим етар фалакка,
Обод бўлар кўнгул гар вайрона суҳбатингда.

Умрим биноларини зийнатлагувчи сенсан,
Оддийгина уйим ҳам кошона суҳбатингдан.

Қоши камонларингдан мўлжалга олсанг аввал,
Киприкларингга кўксум нишона суҳбатингда.

Сунбулларингни мушки маст айлагай кишини,
Шокир сезар ўзин ҳам майхона суҳбатингда.

ГАПИРСАНГИЗ

**Ҳаётингизни боғида чаманлардан гапирсангиз,
Очилган гулғунчадан ёки тиконлардан гапирсангиз.**

**Этай мозийга бир сайру ва тарихга саёҳатлар,
Менга ўтган ва ҳозирги замонлардан гапирсангиз.**

**Мулойим тебраниб турган сарин еллар қанотида,
Кишига хушҳаво барги суманлардан гапирсангиз.**

**Хаёлга келмаган ишлар келармиш иккиланганда,
Дилида сақлаган турли гумонлардан гапирсангиз.**

**Диловор ғамзали хулқин ва одоби-ҳаёсию,
Латофийли яна нозик даҳанлардан гапирсангиз.**

**Унинг шўх-шўх қаломидан нури ялт этиб бизга,
Қуёшдек боқса тарқалган туманлардан гапирсангиз.**

**Ҳамиша яхшилар яхши, жаҳонда яхшилар озми?
Шокирнинг тоқати тоқдир ёмонлардан гапирсангиз.**

ЗАРДАН АЪЛО

**Сўзинг ширинлиги шаккардан аъло,
Унинг қийматлиги минг зардан аъло.**

**Қаю мазмун билан таъриф этарман,
Улуғ достон тўла дафтардан аъло.**

**Санаарман мисрадек маржонларингни,
Садаф ичра етук гавҳардан аъло.**

**Ёнармиш кўзларинг ошиқни кўрса,
Чароқлаш бобида ҳулкардан аъло.**

**Чаманда арғувон дерлар камолинг,
Ва аммо қоматинг ар-ардан аъло.**

**Қўнар қуйруқ билан қуш манзилига,
Қанотга куч берар ким пардан аъло.**

**Гапингни Шокиро олтин баҳолар,
Етарму қадрига заргардан аъло.**

ДУХТОРА-ДУХТОРА

Тушибди оташин ишқим ўшал духтора-духтора,
Этурман иштиёқида ҳамон овора-овора.

Йўқотгақ нарсасин топмай, фароғатсиз кишилардек,
Нигорондур иков кўзим кўзи хуммора-хуммора.

Менинг ҳар бир саволимга ширин сўз иштиёқида,
Қулоғим ҳуққасин тутди шакар гуфтора-гуфтора.

Ўзи дардим шифосига тадорик айламас эрса,
Агарда топмаса малҳам юрак садпора-садпора.

Дилоромим дилим овлаб, ризоман, тўкса қонимни,
Тутиб банд айласангиз ўшал хунхора-хунхора.

Оқаргай тунларинг, Шокир, жамолини кўриш бирлан,
Ериши тонг vale сунбулларинг қоп-қора—қоп-қора.

КУЗИМ ТҮЙМАС

**Боқиб ҳусни жамолингга ўзим тўйсам, кўзим тўймас,
Яна қадду камолингга ўзим тўйсам, кўзим тўймас.**

**Неча сайд әли қошинг камонига харидордур,
Қараб абру ҳилолингга ўзим тўйсам, кўзим тўймас.**

**Езибсан қанча мактублар муҳаббатномалардан деб,
Ўқиб минглаб саволингга ўзим тўйсам, кўзим тўймас.**

**Муҳаббат қушлари интиқ мисоли оқ кабутардай,
Юзингда дона холингга ўзим тўйсам, кўзим тўймас.**

**Мисоли шишадек сувдан олиб Шокирга лутф этдинг,
Қониб чашми зилолингга ўзим тўйсам, кўзим тўймас.**

ТОПИЛМАЙДУР

Ёшликни елга берма, такори топилмайдур,
Илк навбаҳор гулидек гулзори топилмайдур,

Хушрўйи оразингдур сув узра бир хубобдек,
Куз елларида гулни рухсори топилмайдур.

Бахтингни хонасини ободи азмини бил,
Вайрона бўлса кулбанг, девори топилмайдур.

Оддий садафни дур деб, дил мулкин этма тороз,
Ҳар бир садафда дурри-шаҳвори топилмайдур.

Ҳар битта гулни, Шокир ҳидлашни қилма одат,
Чунки ҳар гулда бўйи тотори топилмайдур.

В И С О Л

Ёшликни елга берма, такрори топилмайдур,
Илк навбаҳор гулидек гулзори топилмайдур,

Тунлар сиёси ортсалар кўк тоқи нурланар,
Субҳи саодат кавкаби юз узра ҳолидан.

Ўсма сувидин ва ажиб, унганму сабзалар,
Хонам муаттар айлади мушкин ҳилолидан.

Езганда икки зулфини ўт юрди жисмима,
Олди аланга-оташи ўтган шамолидан.

Сурхи майдин мавжланар қўлларда косаси,
Биллур қадаҳлар лол ўлар синган сополидан.

Шокир тилсим айлади сеҳри муҳаббати,
Томса умурлар айнимас ул лаъли болидан.

ТАСАВВУР АЙЛАЯПМАН...

Мангу олов олдида оловдек юзларингни,
Меҳр билан порлаган мулойим кўзларингни,
Урай—деб жанг бошлаган даъваткор сўзларингни,
Осмондай кенг кўксингга тақсан юлдузларингни,
Тасаввур айлаяпман, тасаввур айлаяпман...

Мўйлабинг сабзасида қироннинг йўқлигини,
Қирчиллама қишиларда оловнинг йўқлигини,
Дам олиш учун оддий ўтознинг йўқлигини,
Минмоқ истагингда бедовнинг йўқлигини,
Тасаввур айлаяпман, тасаввур айлаяпман...

Ўсмаси қуримаган келинчакларнинг нозин,
Сенга айтилмай қолган дилларидағи розин,
Қўша симли дуторнинг жарангламаган созин,
Қораҳат келган уйнинг андуҳ тўла овозин,
Тасаввур айлаяпман, тасаввур айлаяпман.

Иссиқ ўрнингни ҳануз йигилмай қолганин ҳам,
Зор қақшаган онангни ўйларга толганин ҳам,
Сен эккан гулларингни очилмай сўлганин ҳам,
Қирқ кокилли санамнинг умидвор юрганин ҳам,
Тасаввур айлаяпман, тасаввур айлаяпман...

Ватан учун, халқ учун қандай онт ичганингни,
Юғитмни сарҳадида қандай қон кечганингни,
Олға, дўстлар, олға!— деб қуюндай учганингни,
Ғалабалар онида бир-биринг қучганингни,
Тасаввур айлаяпман, тасаввур айлаяпман...

Олов тинмай ловуллар сизларнинг руҳингиз деб,
Ҳадсиз ўрмон шовуллар сизларнинг руҳингиз деб,
Тиг-тиниқ мовий кўллар сизларнинг руҳингиз деб,
Шаҳодатли кенг йўллар сизларнинг руҳингиз деб,
Тасаввур айлаяпман, тасаввур айлаяпман...

Шаъннингизга Ватанини обод этганимизни,
Хурматингизни ҳаддан зиёд этганимизни,
Руҳингизни ҳамиша биз шод этганимизни,
Қаддингизни боғ аро шамшод этганимизни,
Тасаввур айлаяпман, тасаввур айлаяпман...

ҚҰРСАНГИЗ ЭДИ

Оддийгина бир сўз этилганда рад
Тошнинг орасида синганда зумрад,
Димоғдор доғули қозонса шухрат,
Ушанда мени бир кўрсангиз эди.

Елкасин учирса битта саволга,
Нондек азиз сўзлар қолса уволга,
Бир гўдак дўқ урса нуроний чолга,
Ушанда мени бир кўрсангиз эди.

Бир йигит ўқимай қолса илмсиз,
Отасин атаса юзим-кўзим сиз,
Обрўсин пеш қилса ҳар кун тинимсиз,
Ушанда мени бир кўрсангиз эди.

Номард бел боғласа курашмоққа шай,
Сенга чуқур қазса секин билдирамай,
Яхшилар бехосдан қоқинса кўрмай,
Ушанда мени бир кўрсангиз эди.

Кўзингга бақрайиб ёлғон сўзласа,
Терингни шилдириб сўнгра тузласа,
Пинҳона қасд олиш йўлин кўзласа,
Ушанда мени бир кўрсангиз эди.

Баъзи одамларга ишонч йўқолса,
Андиша соҳиби фироғда қолса,
Жигарлар бир-бирин билдирамай чалса,
Ушанда мени бир кўрсангиз эди.

Онанинг дуосин олмаса ўғил,
Ота юрагига сиғмаганда қил,
Наъра торт, юрагим, ёрилгил, ёрил,
Ўшандада мени бир кўрсангиз эди.

Чаманг бурканса шўрпешона чўл,
Ўнинг сийнасида унгалида гул,
Қамалак рангида товланса буткул,
Ўшандада мени бир кўрсангиз эди.

КЕЛИНЧАК

Қокилларингни мавжи боғдаги мажнунтолдай,
Икки қошинг тарангдур кўкда янги ҳилолдай,
Сўзларинг мунча ширин, тилларинг мисли болдай,
Оғзингдаги шакарму ва ёки қанду печак,
Келинчак, ҳой келинчак, келинчак, ҳой келинчак.
Келинчак, ҳой келинчак, келинчак, ҳой келинчак.

Куйдирма бошқаларни ишқинг ўтида майли,
Севдим сени юракдан билсанг ушбу туфайли,
Утда ёниш эмасдур, менимча, ошиқ майли,
Унга хуни жигардан томмоқда аста чак-чак,
Келинчак ҳой келинчак, келинчак, ҳой келинчак.

Қўнглим билан тутарман уйимни тўри сенга,
Буткул вужудларим, қалбимни қўри сенга,
Иқболларим поёнсиз, баҳтим суури сенга,
Аммо чимилдиғингга бугунча битта бурчак,
Келинчак, ҳой келинчак, келинчак, ҳой келинчак.

Лабинг буриб, сўзимни рад айлама этиб ноз,
Бошдан-оёқ латофат ўзингсан шўху танноз,
Меҳру мурувватингдан кўнглум чигалларин ёз,
Турли хил ғамзалардан бағримни этмагин чок,
Келинчак, ҳой келинчак, келинчак, ҳой келинчак.

Тўйларга тўй улашса, тўй бўлса ҳар хонадон,
Тоза ниятли дўстлар ҳатласа остонаядан.
Этиз-эгиз фарзандлар туғилса ҳар онадан,

Бешик битта қўлингда бир қўлингда беланчак,
Келинчак, ҳой келинчак, келинчак, ҳой келинчак.

Юзингдан аста олгин ҳарир рўмолларингни,
Гулларга ранг улашган кўрай жамолларингни,
Пичирлабон қулоққа берган саволларингни,
Бизларга ҳам гапиргин биз ҳам бўлурми билсак,
Келинчак, ҳой келинчак, келинчак, ҳой келинчак

Йигитни келинчакка аҳду вафоси яхши,
Қизнинг йигитга тушган кўнглини зиёси яхши,
Аслида иккисин ҳам дил муддаоси яхши,
Шундайин икки дилда бўлганму яхши истак,
Келинчак, ҳой келинчак, келинчак, ҳой келинчак.

БОШЛОВЧИЛАРГА

(ҳазил)

Неча олломан замонлар ўтди,
Илҳом чўққисидан ошдилар довон,
Ширин тақаллум, ўт забонлар ўтди,
Қолдириб баёзу турли хил девон.

Балки Бобур исминг, балки Алишер,
Ишқилиб ёзавер, чизавер, укам.
Бирин ғазал деса, бирин достон дер,
Менимча замона энг олий ҳакам.

Арава гупгачин гийтиллаши ҳам,
Бадиий тўқима агарда билсанг,
Фикрингиз ғализ бўлса сакта ва мубҳам,
Шеърдан шеър чиқармиш сўз бағрин тилсанг.

Қофия, радиfu вазн ва туроқ,
Оқиб келар худди сув устида хас,
Сўзни улайвергин мисоли қуроқ,
Фақат асабларинг чидай олса, бос.

Бирорга кўрсатсанг шеърингни агар,
Десалар ширасиз ва ёки саёз,
Асални касалга чатиб мухтасар,
Чуқур дарё номин қўшиб қайта ёз.

Шеър ёзиш нимайкан—қоғоз қоралаш,
«Анор»дан «қанор»га қофия тўқи,

Ичида номинг ҳам бўлсин аралаш,
Уни секин аввал ариққа ўқи.

Шеър чашма мисоли ариққа оқсии,
Ака ука билан топишсин шодон,
Барча бу ишингга айтсинлар таҳсин,
Сувни сувга қўшсанг, нимаси ёмон?!

* * *

Қими кўрсанг агарда боданушдур,
Дили аттанг била банду хомушдур.

Сузиб усрук кўзини коса гуллар,
Дегайлар бодадин обод кўнгуллар.

Ичарлар оби-нон деб заҳри қотил
Анга майл айламас ким бўлса одил.

Ружу қўйса мабодо заҳр ичарга,
Қуруби етмагай домин кесарга,

Агар одам бўлар майхона шоҳи,
Ҳамеша шишадур тахти паноҳи.

Кўтаргайлар қаро кўнглумга шам деб,
Дубора тўхтатай йўқса бу ғам деб.

Вафони бода бирла нуш этибон,
Тааммул этмади ўздин кетибон.

Қусур этмай Ватан берган туэига,
Қулоқ солгин севиб инсон сўзига.

Ароқ бирла кишилар бўлмас обод,
Агар Хорундур ул сармоя барбод.

Тану жисми қолурлар қон ичинда,
Қачон обод киши вайрон ичинда.

Киши севса Ватанини ҳамда элни,
Этарга таркини боғлайди белни.

МУХАММАСЛАР

МАШРАБ ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Қошлардек қаро сурмали мужгона тасаддуқ,
Гул юзли нигор дилбари хубона тасаддуқ,
Күп ваъда бериб ваъдаси ёлғона тасаддуқ,
Бир боқишингга жумлан жонона тасаддуқ.
Шаҳло кўзингга оқилу девона тасаддуқ.

Шамшоди таним ўт назари шам каби ёқса,
Селоби кўзим ишқида дарё бўлиб оқса,
Қатрамдан униб-ўсгучи ҳар лолани тақса,
Гар пардани очсаю дилбар манга боқса,
Машъал юзига мен каби парвона тасаддуқ.

Лаъли лабидан жон улашиб томгучи шабнам,
Мажруҳи кўнгул сийнасин айлади бардам,
Бир бора агар суҳбатига айласа ҳамдам,
Соқий бўлубон сунса қадаҳ ноз ила ҳар дам,
Ул ғамзасига соғару паймона тасаддуқ.

Лаззат улашар бир боқиши нону ошимга,
Барҳамли нигоҳ айлади кўзларда ёшимга.
Бахтлар қушидек чарх урибон қўнса бошимга,
Юсуф сифат ул жилва қилиб келса қошимга,
Мен ўргилайнин, каъбаю бутхона тасаддуқ.

Ўт солди унинг бир қараши хаста бу жона,
Кулмасми кўриб ҳолима бу аҳли замона,
Бир сори қадам қўйса не тонг тийра макона,
Мужгон ўқига қилса бу жонимни нишона,
Кўксим берайин йўлида ҳайрона тасаддуқ.

Сунбулларидан бўй таратиб кошки келодур,
Қокилларини Шокирга мушки келодур,
Сочингни қаросига кўзим ашки келодур,
Машраб сари зулфинг тараса рашки келодур,
Зулфинг торидан бодисабо шона тасаддуқ.

АМИРИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Кўп тикилсам юзларингга айлама ҳеч сарҳисоб,
Яхшига яхши назар бирла тикилса дер савоб,
Дилрабо пандим эшитгил, айлайнин сенга хитоб,
Кечалар сархуш чиқиб олма жамолингдин ниқоб,
Тушгай ошуб олма гар кеча чиқса офтоб.

Сарғайиб барги хазондек юзларимда йўқ намуд,
Васли нобингдин азиэроқ менга йўқ оламда суд,
Қайси кун гул базми васлинг айлай олмасман унут,
Беда тобидан юзунг шавқи чаманга урди ўт,
Кўйдириб гул шохи барги қилди булбулни кабоб.

Кўрки тақдири азални бирга даврон сурмадим,
Канча розим дилда қолди ёнингга ўлтирамадим,
Яхшиликдин ниятимни лек ёмонга бурмадим,
То кўзум зулфу юзингдин айру тушди, кўрмадим,
Гулда оби рангу сунбул туррасида печитоб.

Икки жоду кўзни кўрдим билмадим ҳаргиз сирин,
Икки оташ ичра қолдим ташлаганда кўз қирип,
Менга булбул хонишидин бир оғиз лабзи ширип,
Қолмади кўнглумда лаълинг орзуси ёшурун,
Ул суфатким шишада пинҳон эмас, гулгун шароб.

Дафи ғамни истагида бош уриб майхонага,
Маст бўлиб малол берма дили вайронага,
Еир боқай усрук кўзим тўйсин ўшал жононага,
Соқиё, май тутки паймон айладим паймонага,
Гәрдиши даври фалакдин кўрмадим жуз инқилоб.

Бир табассумлим боқишдан соф улар дил кўзгуси,
Бемаҳал эсган шамолдан ҳар ниҳол ҳам кўргуси,
Ошиқи аҳлига раводур жонни жонга бергуси,
Е ажал, ё меҳнат ҳажринг мени ўлтургуси.
Ким алардин илгари жон олмоқ истарсан шитоб.

Шокирингни матлабидур сенла бўлмоқ баҳтиёр,
Дер муҳаббатли кишини дил тубида завқи ёр,
Шавқи ортиб васлидин ул комрону комкор,
Қымки қилди ёр кўйида гадолиғ иҳтиёр,
Салтанат иқлимида дерлар Амирий комёб.

АМИРИИ ГАЗАЛИГА МУХАММАС

Қайлардан олай сабру чидамни,
Куйдирмагил оташда танамни,
Боз устига орттириб аламни,
Қошингга тегизмагил қаламни,
Бу хат бирла бузмагил рақамни.

Кўрганда мени табассум эткил,
Авжингга қўшиб тараннум эткил,
Бир бора боқиб таккалум эткил,
Ошиқларингга тараҳум эткил,
Кўп айлама жабр ила ситамни.

Утли нафасинг шамоли келса,
Сунбулни бўйи хонамга тўлса,
Қўл ташласам ул ёнимда бўлса,
Нақши қадаминг мұяссар ўлса,
Найлай бу жаҳонда Жому жамни.

Ишқингда ёнар мен каби минг-минг,
Дебочаси бу лавҳада исминг,
Субҳи қўшилиб келар насиминг,
Кўнглум қуши тори хариминг,
Сайд этма кабутари ҳарамни.

Ниятда сочинг силаш бу қўллар,
Ёш оққуси кўзга тушса куллар,
Маъшуқа ўзи ошиқни қўллар,
То беватан ўлмасун кўнгуллар,
Зулфингдан аюрма печу ҳамни.

Ҳар бир сўзингга садқа этай жон,
Шоҳим, бу қулингга айла фармон,
Шаккарли лабинг этибди ҳайрон,
Лаълинг ғамидин кўзим тўкар қон,
Беҳуда кечирмагил бу дамни.

Кўрмай неча йил ситамга тўлдим,
Бир бор тирилиб минг бора ўлдим,
Бир бор очилиб минг бора сўлдим,
Иўлингда ғубори роҳи бўлдим,
Бошимга етурмадинг қадамни.

Боғланди кўнгул сенга, асирман,
Ҳар тонгда сени ғамингни ерман,
Гоҳида само, гоҳида ерман,
Сен ёрдин ўзга кимга дерман,
Кўнглумдаги дард ила аламни.

Дерларки шароб ўзумни қони,
Май тутса не тонг руҳинг ниҳоний,
Рағбат оладур ғизо макони,
Бир коса шароби арғувоний,
Поймол қилур ҳужуми ғамни.

Ағёрга жафо Амиридурсан,
Шокирга шифо Амиридурсан,
Ҳам кайфу сафо Амиридурсан,
Иқлими вафо Амиридурсан,
Эй шайх, бу гадога қил карамни.

ФУРҚАТ ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Дил қүшингга ошиён ҳамда бистар кокилинг,
Занжири бўйним тутиб сен сори қистар кокилинг,
Силкиниб ҳарён учиб ошиқни истар кокилинг,
Шахпари Жибрил аминдур бошдаги ҳар кокилинг,
Айланай, жоним тасаддуқ ушлайнин зар кокилинг.

Ишқ уйин тўрига қўйдинг лутф этиб эъзоз илан,
Үл куни кўнглум қушини банд этиб шаҳбоз илан,
Бодаи гулгун тутиб бошлаб такаллум роз илан,

Юз қизориб бодадан ақлимни олдинг ноз илан,
Хуш ярашмиш сарви қадинга санобар кокилинг.

Бир тарофдай кипригимла шонаи зулфинг силай,
Каҳкашон сори етаклаб гул юзинг нурга чилай,
Ҳусни тахтин шоҳи бўлгин мен гадо васлинг тилай,
Молу мулким ҳадя айлаб, қоматингдан ўргилай,
Ҳар замон қилди димоғимни муаттар кокилинг.

Немуносиблар ишидай бўлмагин дерман лаванд,
Ишган ошингни асал қил, тишлаган нонингни қанд,
Васлига етмоқ тиласан бўл риёзат бирла бўнд,
Давлатинг бўлсин фузун иқбол ҳам андин баланд,
Дсимо душманларинг ўлдурсин аждар кокилинг.

Ишқима содиқму деб дилда гумонлардан бери,
Қайси кун бахтим уйида имтиҳонлардан бери,
Изладим, топмай Қувамдан Марғилондан бери,

Раҳм қил ўлган қулингдурман қачонлардан бери,
Ҳалқасин бўйнима солиб судра анбар кокилинг.

Масканимда хониш этдинг дилда торинг тебратиб,
Қимтиниб қошинг учирдинг ҳар хуморинг тебратиб,
Чин муаттар айладинг ул мушкиборинг тебратиб,
Ўйнай-ўйнай бағримни эздинг аноринг тебратиб,
Қаддингни чулғонтириб, жоно, муанбар кокилинг.

Ҳар баҳор келганда қайта сайланар тўйинг сени,
Анбарафшон анбариждур боғ аро бўйинг сени,
Шокирингга мойил ўлмас ул парирўйинг сени,
Ташладинг Фурқат аро эрдим ризожўйинг сени,
Қасди торож этмасин кўнглум саросар кокилинг.

МУҚИМИЙ ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Қўз ёши-ла дил уйини айладим вайронаман,
Бундайин қилғон ишимдан мен ўзим ҳайронаман,
Чунки кўнглумни берибман дилбари жононаман,
Ақлу ҳуш учди бошимдан, эй пари девонаман,
Еир иложи қил эл ичра бўлмайин афсонаман.

Сен йироқ кетдинг дилимда қолмади сабру чидам,
Қўрқаман бир қун йиқитгай бу танимни кўҳи-ғам,
Дилбарим оқшомда келгин, майли, келгин субҳидам.
Үл замоне ким йироқ васлингдан ўлдим то бу дам,
Ҳар кеча ёдингда минг йўл уйқудан уйғонаман.

Манзилим бунча йироқ, етмоққа тоқат қолмади,
Бошдаги савдоларим сотмоққа тоқат қолмади,
Зулмини ботқоғида ботмоққа тоқат қолмади,
Лаҳзае заҳри ғаминг ютмоққа тоқат қолмади,
Нўш этиб васлинг майдин ҳам қачон бир қонаман.

Жонима қасд айладинг кўп тийри мужгонлар отиб,
Қелмадинг бир бор қошимга ҳафталар, ойлар ўтиб,
Қоматим дол этди ғамлар сен томонингдан этиб,
Оҳким, Сенсиз, қарору, сабру оромим кетиб,
Еир илон чаққан кишидек ҳар тараф тўлғонаман.

Гарди покингни этарман кўзларимга тўтиё,
Саҳни боғим айлагай ҳар бир изинг меҳригиё,
Ҳайқириб номингни айтсан бир боқиб қўйгил қиё,
Навбати жомим тўла қўйгил карамдин, соқиё,
Ҳар қадамда то қилай юз лағзиши маstonаман.

Колмади кўнглумда дўстлар лаҳзае сабру қарор,
Ювса ҳам ёмғир суви гул косадан кетмас ғубор,
Шіокиро, бу кўҳна олам кўзларимга бўлди тор,
Мулки Ҳинду Маврдан келсам топардим эътибор,
Шул эрур айбим, Муқимий, мардуми Фарғонаман.

ҲАБИБИЙ ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Гул ҳиди келодур ўтлоқларимдан,
Мусафро сув оқар қирғоқларимдан,
Оппоқ дур тошадур чаноқларимдан,
Сабо келтир хабар қишлоқларимдан,
Безанган гулшанимдан, боғларимдан.

Кишига бол тутар ишкомда токи,
Яхшилик либоси гуллардан чоки.
Висолинг гашти бор унда гүёки,
Кўзимга сурма бўлсин гарди поки,
Мени ўстирган тупроқларимдан.

Баҳорги гуллари дўстларга сийлов,
Муаттар бўйлари сўзимга пайров,
Адирлар лоладан ёнадир лов-лов,
Ҳаволик сайригоҳим катта яйлов,
Буюк, зўр кўкраги кенг тоғларимдан.

Табиат бунчалар сўлим бокира,
Кўзимдан тасвири кетмайди сира,
Харсанглар ёнида барқ урган зира,
Тиниқ сувлар лабида сабза узра,
Ичилган соғ қимиз қаймоқларимдан.

Унга тўйиб боқиши дилдаги ният,
Борурман бир куни етганда фурсат,
Суҳбати дилкушо бир неча улфат,
Хусусан дилкашу олий табиат,
Қадрдон дўстларим ўртоқларимдан.

Номингни дилимда ардоқ этарман,
Мадҳингга шеър ила достон битарман,
Шокирдек термулиб сени кутарман,
Боқиб йўлга, Ҳабибий, кўз тутарман,
Сабо айтур хабар қишлоқларимдан.

ҲАБИБИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Үринсиз ишга қўл урсанг рамаққа етса жонинг ҳайф,
Кейин орттирса бир кулфат бўлур таъби разонинг ҳайф,
Самарсиз кечса бехоблик ўтар вақти азонинг ҳайф,
Агар гап бошласа доим сўзи беақча ҳамёндек,
Қолурсан орқада афсус билан қилган фифонинг ҳайф.

Мабодо аҳли дониш леб саналса яхши ном бу кам,
Замон фозилларига эътиқодсизларни иши мубҳам,
Илмни олсаю ўзлаштиришга турмаса маҳкам,
Тўкиб кўз нурини меҳнат билан олган билимлар ҳам,
Ҳавога учгаю барҳам бўлур суду зиёning ҳайф.

Билимдонларга такрорни чин одат қилмаса илминг,
Қалам шамшир бўлиб қўлда ҳимоят қилмаса илминг,
Сенга яхши замонингни ривоят қилмаса илминг,
Заарни кўрсатиб ақлинг ҳидоят қилмаса илминг,
Риёзатлар чекиб бир канча берган имтиҳонинг ҳайф.

Надомат ҳосили унгай экинни дўлда қолдирсанг,
Наҳанг бўлгай балиқ ҳам парваришлаб қўлда қолдирсанг,
Унг ишни корини билмай мабодо сўлда қолдирсанг,
Умиду, орзу мақсадларингни йўлда қолдирсанг,
Қолур муҳмал бари оғзингга теккан ошу нонинг ҳайф.

Бировга яхшилик қилсанг дилингда сақлама зинҳор,
Ёмонлик йўлини тутсанг элинг айлар сени инкор,
Субутсиз кимсани кўргил ёзуғни ёрига тўнкар,
Кўзинг оч, урма болта ўз оёғингга ўзинг зинҳор,
На бўлғай бўлса ҳурматли китобу достонинг ҳайф.

Деганлар битта нопокдан келманг учар ҳалокатга,
На иш тутсангки ўргангил менимча яхши одатга.
Киши тарки ҳунар бўлса қолар минглаб фалокатга,
Қўй эмди элтадур охир сени бу иш разолатга,
Ғанимат ёшлигинг то бўлмагай эрку инонинг ҳайф.

Очишга чашмалар кўзин деганлар муддао мактаб,
Билиб бирла кишилар руҳига берган гизо мактаб,
Оларсан болу пар, Шокир, учраган бир само мактаб,
Ўзинг андиша қил, халқу жаҳон ибратнома мактаб,
Умид узма, Ҳабибий, бўлмагил ҳақли баёнинг ҳайф.

ҲАБИБИЙ ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Кима гар сайрибоғ ёқмас анга гул барги тар ҳам талх,
Дилин кўб бора яйратган сафоловчи сафар ҳам талх,
Чўчитмас гар нобот комин бўлар totли самар ҳам талх,
Насиҳат талх экан нодон учун билким шакар ҳам талх,
Чунон ҳам талх эрур ҳатто агар бирла магар ҳам талх

Аро йўлда ҳунар сарсон зараптур қилмиши доим,
Қўйиб нафс йўлига қопқон зараптур қилмиши доим,
Югурган нодонки ул нодон зараптур қилмиши доим,
Ёмону яхшилардан берсанг ибратли хабар ҳам талх.

Илм олмоққа йўқ тоқат керилгай зўр билимдондек,
Агар гап бошласа доим сўзи беақча ҳамёндек,
Үгитларга қулоқ солмас, ётар бир катта хирмондек,
Насиҳат талху аммо нафи кўп дорию луқмондек,
Қабул этмас мижози панди устози падар ҳам талх.

Заминга ким уруғ экса зироатларга еткурган.
Тўкиб пешона терини фароғатларга еткурган,
Риёзат аҳлидур доим ки роҳатларга еткурган,
Ҳамма инсонни зўр баҳту саодатларга еткурган,
Қаю инсонки меҳнат аччиғу илму ҳунар ҳам талх.

Киши устоз тутингайким боадаб йўлга солгай деб,
Чаманин айламас пайҳон очилмай ғунча сўлгай деб,
Насиҳат айлагай шоядки бу пандимни олгай деб,
Етаклаб яхши йўлга яхшилардай яхши бўлгай деб,
Муҳаббат бирла қилса яхшилар яхши назар ҳам талх.

Севар дилдан қадимий жонкуяр дўсту қадрдонлар,
Сенга ҳамдам Ҳакимий жонкуяр дўсту қадрдонлар,
Сочар бошингга симий жонкуяр дўсту қадрдонлар,
Ажабким, эй Ҳабибий, жонкуяр дўсту қадрдонлар,
Самимий ошно қавму, қариндошу жигар ҳам талҳ.

ЧАРХИЙ ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Фасл келинчаги бизни ҳурмат эъзоз айладинг, келдинг,
Кўнгулларга жилони боз устига боз айладинг, келдинг,
Тақиб қизларга ғунчангдан сарвиноз айладинг, келдинг,
Кўнгулга беадад хурсандлик оғоз айладинг, келдинг.
Ез илҳомимни олиб бу қишини танноз айладинг, келдинг,

Етиб васлингга сўзлашга равон иммолару тиллар,
Адирларда униб майсанг келиб шаббоданг ҳилпиллар,
Бўлиб равшан жамолингдан узайди соату миллар,
Етишди ёрининг васлига бул кун сочи сунбуллар.
Эсиб файзи баҳорнинг ўлкамиз соз айладинг, келдинг.

Дилимдан ювдинг ғуборим қиши зулмидан халос айлаб,
Ёнган оташ қуёшингдан ғунча лабларни гиолос айлаб.
Безанди нозанинлар қаро кўзни чарос айлаб.
Гўзаллар ҳуснига сен ҳам чиройлиларни хос айлаб,
Иигитларни Ватан жангида мумтоз айладинг, келдинг.

Кўриб хуррамлигимни эл дегайлар кўп шараф-шонлар,
Келиб сенла етишди бир-бирига бағри гирёнлар,
Кўчиб муз тоғлар ай энди ўрнига ўсди бўстонлар,
Кўшиб завқига завқу танда дармонига дармонлар,
Қарилар қаддини ёшларданам ғоз айладинг, келдинг.

Тобора юксалар бизда Ватан ишига тайёрлик,
Тураг аҳдида қилмаслар анга ким асли айёрлик.
Бўлиб келгуси авлодга мудом ишда жиловдорлик,
Саҳоватли жон элимга хосдир ишда илфорлик,
Ҳалол меҳнатда ҳар бир кимни шоввоз айладинг, келдинг.

Кел айёми фарахбахши кутгали субҳидам, соқий,
Ватанни дилга жо айлаб босгил энди қадам, соқий,
Паё-пай қўйгил қайтармай ичар Шокир бу дам, сөқий.
Муборакбод учун бир тут қадаҳ Чархийга ҳам, соқий,
Кўнгилнинг гул баҳорин қайтадан ёз айладинг, келдинг.

САРВИ СУМАН

Қоматингга лолман сарви суманлигингдан,
Дилларга тушди номинг қоши камонлигингдан.
Бахтим хумоси тинмай излайди гўшасини,
Ишқимни маскани ул дилга Ватанлигингдан.
Бир моҳи сайди янглиғ зулфингни доми бирла,
Занжири банди этди сочи шиканлигингдан.
Фунчангни қайта-қайта бағримга босди, майли,
Ёрга ҳузурлар айлаб ётга тиканлигингдан.
Кўз косасин булоғи томганда оразингга,
Чашмим юзингни ювди хуш настарлигингдан.
Хуснингни баҳосига осмону замин ҳайрон,
Оламга чеҳра берган шўхи чаманлигингдан.
Ҳар кунда кўрмасам бир, чўп устихон бўларман,
Шокир дилига пайванд жисм ичра жонлигингдан.

ГАПИР

Құшмагин ёлғонни ҳеч, ҳар бир сүзинг рослаб гапир,
Барчасини бир хилу бешубұқа белослаб гапир.
Ҳақ әсанг аста-секин шошмай сүзинг бошлагил,
Ҳеч малол келтирмагин ҳам барчага мослаб гапир.
Бирга ортуғ бирга кам сүзлар бари ранг айлагай,
Ҳеч малол келтирмагин ҳам барчага мослаб гапир.
Сен билан дүстинг сүзи бир хилда чиқса яхшидир,
Фарқини орттирмагил тадбирла таққослаб гапир.
Қимсаларни номини балчиққа құшмоқ ҳам уят,
Қимни сен лойиқ десанг обрұлаб ихлослаб гапир.
Тил учиды Шокир гаплашма инсон олдида,
Чин күнгил бирлан анга қалбинг қўрин хослаб гапир.

МУНДАРИЖА

Иродали инсон, заҳматкаш шоир. И. Раҳим	3
*Ўғлимга	5
*Алишерсиз	6
*Ўлан айтиб	7
*Эҳтиёж	8
*Бир нокасга	10
*Топкай	12
*Ўхшайман	13
*Кибру ҳаво қилдинг	14
*Наврўзи олам келдилар	15
*Ҳакиму ҳозиқим	16
*Ўргансин	17
*Бедор юрагим	18
*Сизни деганман	19
*Ташнаман	20
*Келиб қолгай	21
*Қўринсин	22
*Излагайдурман	23
*Қолди	24
*Келмадингиз-ку	25
*Сен билан мен	26
*Сочингни майда ўргин	27
*Элимга қасида	28
*Солгин қулофинг	30
*Қўрсатинг	31
*Севарман	32
*Ўтмоқда-ўтмоқда	33
*Муносиб	34
*Қаро бўлибди	35

*Айласангизчи	36
*Айрилдим	37
*Кўнгулни кулбаси	38
*Мастура-Мастура	39
*Шаҳлосида қолди	40
*Мастоналигингни	41
*Карам этдинг	42
*Бўлгандা ҳам	43
*Тасаддуқ жоним	44
*Хуш келдингиз	45
*Кўрсам эди	46
*Элатдошимга	47
*Бошлади	48
*Бўлармиш	49
*Айладим сенга	50
*Уртада	51
*Қаён кетди	52
*Сени кўрсам	53
*Офтоб жамол	54
*Нозу ибода рақсинг	55
*Шаъми висол	56
*Ҳасби ҳол	57
*Чустий ғазалига мухаммас	59
Наврўз	61
Ҳамзаобод тоғлари	62
Табрикнома	63
Сазоворман	64
Дўстлик ҳақида	65
Меҳнат гашти	66
Дегайман	67
Мактаб	68
Эмас	69
Раҳнамо дўстлар	70
Бўлмагин	71
Бўлар эрмиш	72

Бир-бир ўтганлар	73
Безатди	74
Қувам	75
Қувамизга	76
8 март тавсифи	77
Алёрим онам	78
Утдинг синовлардан	79
«Паст адир қор сақтай олмас...»	80
Муқимийнинг айтганлари	81
Яхши киши	82
«Гар сўкилса чоки...»	83
Хушнаво бўлса	84
Сиздан ўрганди	85
Билинг	86
Бўлмасун	87
Дўст қадри	88
Кимиёлар келдилар	89
Можаросидек	90
Бўлдим	91
Дўстлар	92
Бу дилбар коинотда	93
Парвоналиқ	94
Масал	96
Дўстларнинг ташрифи	97
Раҳнамо дўстлар	98
Иккимиз	99
Кўрганмисиз	100
Сақлаб юрар	101
Кулиб	102
Кўринма	103
Фурбатда қолдиридинг	104
Йиғлайман	105
Бўлмагай	106
Қанду наботингдан	107
Кўрингайсан	108
Мубталосиман	109

Аввало	110
Ёзгил	111
Янги янги	112
На керак	113
Баробар	114
Айладинг	115
Этма	116
Боғ аро	117
Қўпайса	118
Ёд айласам	119
Қўриб	120
Ярашмиш	121
Ишқингда нола айлаб	122
Келмасмикин	123
Фалак мулкини зуҳроси	124
Қўнгул мулки	125
Санам сизни	126
Дерлар	127
Дилдаги орзу...	128
Етай деб	129
Ортиқ	130
Кимга айтай	131
Ёнмоқда жоним	132
Муҳаббат лаззати	133
Тополмаслар	134
Келмадинг-ку	135
Чашми зилолингдин	136
Сўроғлаб	137
Сизга	138
Икки қошинг	139
Билсанг	140
Жонимни	141
Шаҳлони эслатгай	142
Кетолмасман : :	143
Қўрингай	144
Ишқингдин	145

Табассум айлабон келинг	146
Бўлибди	147
Софинтирма, соғинтирма	148
Қўрмасам	149
Муҳаббат султонига	150
Дилбарим	151
Умидворман	152
Қўйса қадам	153
Бедорлик	154
Истамас	155
Биттаю битта	156
Ўзингиздан бўлак	157
Қабо ичинда	158
Ишқ йўли	159
Аввалгидек	160
Борман	161
Хуррам бўлинг	162
Чиғойлик	163
Одоби анинг	164
Шакар гуфторига	165
Пайванди жон	166
Кокилларин саноғи	167
Бўлакча	168
Нишона бўлди	169
Ўйғонар	170
Сўзласин	171
Қолмагайсан	172
Айтайму	173
Жамолинг	174
Тавалло	175
Сизни дегайман	176
Қўзингиздан	177
Қўрмадингиз	178
Қўринсин	179
Ўтармикансиз	180
Ҳар битта онимни	181

Ҳинду уялармиш	182
Қараб ўтсин	183
Қиз қўшиғи : :	184
Санамга савол	185
Истак	186
Ургилай	187
Ром этар	188
Судбатингда	189
Гапирсангиз	190
Зардан аъло	191
Духтора-духтора	192
Қўзим тўймас	193
Топилмайдур	194
Висол	195
Тасаввур айлаяпман	196
Кўрсангиз эди	198
Келинчак	200
Бошловчиларга	202
«Кимни кўрсанг агарда...»	204
Машраб ғазалига мухаммас	205
Амирий ғазалига мухаммас	207
Амирий ғазалига мухаммас	209
Фурқат ғазалига мухаммас	211
Муқимий ғазалига мухаммас	213
Ҳабибий ғазалига мухаммас	215
Ҳабибий ғазалига мухаммас	217
Ҳабибий ғазалига мухаммас	219
Черхий ғазалига мухаммас : :	221
*Сарви суман	223
*Гапир	224

*© Faфур Fuлом номидаги Нашриёт-матбаа бирлаштирилган
маси, 1991 й.

Faafur Fulom nomidagi Nashriyot-matbaa birlashmasi

Literатурно-художественное издание

**ШАКИРХОН ХАКИМИЙ
НОВОЛУНИЯ**

стихи

Художник В. Шумилов

Ташкент, издательско-полиграфическое объединение
им. Г. Гуляма.

На узбекском языке

Адабий-бадиий нашр

ШОҚИРХОН ХАКИМИЙ

ҲИЛОЛ

Шеърлар

Муҳаррир М. Юсупов

Расмлар муҳаррири А. Бобров

Техн. муҳаррир В. Барсукова

Мусаҳҳих К. Дустматова

ИБ № 4978

Босмахонага 01.07.91. да оерилди. Босишга 19.09.91. да рухсат этилди. Бичими 70×90/₃₂. № 2 босмахона қоғози. Алабий гарнитура. Юқори босма 8,48 шартли босма тобоқ 8,77. бўёқ нусхаси 4,2. напр босма тобоги. Жами 30000 нусха. 1130 буюртма. Баҳоси Зс 27—91 рақамли шартнома.

Faafur Fulom nomidagi Nashriyot-matbaa birlashmasi. 700129. Тошкент Навоий кӯчаси, 30.

Ўзбекистон Матбуот давлат қўмитаси Faafur Fulom nomidagi Nashriyot-matbaa birlashmasining 1-босм ахонасида босилди. 700000. Тошкент Saғbon кӯчаси, 1-берк кӯча, 2 уй.

Ҳакимий, Шокиржон.

Ҳилол: Шеърлар.— Т.: Faafur Fуломномидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991.— 232 б.

Шокирхон Ҳакимий фарғоналикларнинг суюмли ғазалнавис шоирларидан. Уни водийнинг нозиктаб ҳофизлари ҳам алоҳида ардоқлашади, қўшиқларини севиб куйлашади.

Ушбу тўпламга шоирнинг кейинги йилларда бигилган сара ғазаллари жамланди. Уларни ўқиб, юзингизга ёргулик югурса, шунинг ўзи ҳам камсуқум мувалиф учун катта баҳт, азиз шеърхон!

Ҳакимий. Шакирхон. Новолуние.